

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

Н.ОБЛОМУРАДОВ, Н.КУЧИМОВ

“СИЁСАТШУНОСЛИК” ФАНИДАН ДАРС ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ - 2008

Н.Обломурадов, Н. Кучимов. Сиёсатшунослик фанидан дарс ўтиш технологиялари. Ўқув қўлланма.- Т.: Солиқ академияси. 2008, 138 бет.

Мазкур ўқув қўлланма иқтисодий йўналишда таҳсил олаётган талабалар ва шу фан ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ўқув қўлланмада мавзунинг технологик харитаси, мавзуга доир самарали педагогик технологиялар, бу технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари, уни қўллаш усуллари келтирилган. Шу билан бирга қўлланмада мавзунинг маъруза матни келтирилган бўлиб, шу фан юзасидан янги маълумотлар билан кенгайтиришга эътибор қаратилган.

Солиқ академияси Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
("7" сонли баённома 2008 йил 29 март).

Маъсул муҳаррир

Тақризчилар:

ЖИДУ «Халқаро муносабатлар» кафедраси

мудири, с.ф.н. М. Баходиров

Солиқ академияси «Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси»

доценти в.б., п.ф.н. О. Худоёрова

Солиқ академияси, 2008.

Н.Обломурадов, Н. Кучимов

Кириш

Мустақилликнинг ўтган олти йилдан ортиқ даври мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Янгилаш, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёни барча соҳалар каби ижтимоий фанларни ўқитиш, бу борада педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаблари асосида қайтадан ўзгартириш вазифасини қўйди.

Тавсия этилаётган ушбу ўқув қўлланма ана шу вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Унда замонавий сиёсий фаннинг энг муҳим, устувор мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилган. Ўқув қўлланмани яратишда фанга доир адабиётлар, хусусан «Политология асослари» (Тошкент: «Университет», 1992), Ф. Шариповнинг «Сиёсатшунослик» ўқув қўлланмаси (Тошкент: ТошДИУ, 1996), И. Рамазонов, Э. Мўминовларнинг «Политология» дарслиги (Тошкент: «Адолат», 1997), С. Отамуродов, И. Эргашев, И. Акрамов, А. Қодировларнинг «Политология» (Тошкент: «Ўзбекистон», 1999), Политология курси бўйича маърузалар матни, 1-2-қисмлар (М. Улуғбек номидаги ЎЗМУ, Тошкент 2000), «Политология. Маърузалар матни» (Тошкент, 2000) И. Эргашев, С. Отамуродов (ва бошқалар) «Политология» (Тошкент: «Ўзбекистон», 2002) ҳамда педагогик технологиялар бўйича иш олиб бораётган Н.Х. Авлиякулов («Замонавий ўқитиш технологиялари». Ўқув қўлланмаси. Бухоро, 2001) Қ. Ишматов (Педагогик технология маъруза матнлари Наманган 2004) каби дарслик, ўқув қўлланмаси ва маъруза матнларидан фойдаланилди.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда иқтисодиёт мутахассисликлари учун «Сиёсатшунослик. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанларига ажратилган ўқув режасига асосланган 26 (шундан 14 соати сиёсатшунослик фани учун) соат маъруза дарслари ва 46 соат амалий машғулот дарслари ўқишига алоҳида эътибор берилди. Шунга кўра, дастурдаги айрим мавзулар махсус курс сифатида ўқитиши кўзда тутилди.

Ушбу ўқув қўлланма иқтисодий йўналишда таҳсил олаётган талабалар ва фан ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда фанни ўқитиш, дарс жараёнини ташкил этиш, педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш борасида аниқ тавсиялар берилган.

1-мавзу: Сиёсатшунослик фанининг предмети сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли

Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Сиёсатшунослик фанининг предмети сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва роли	
Мақсад ва вазифалар	«Сиёсатшунослик» фанининг предмети, мақсади ва вазифаси. Бугунги кундаги унинг муҳим хусусиятлари ва қонуниятларини ўргатишдан иборат.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. “Сиёсатшунослик”нинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамиятини очиб бериш; 2. “Сиёсатшунослик”нинг предмети унинг мазмунини умумлаштирган ҳолда ифодалаб бериш; 3. Сиёсатшунослик фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини ифодалаб бериш; 4. Сиёсатшунослик фани қонуниятларини очиб бериш;	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Сиёсатшунослик фани ҳақидаги умумий тушунчаларни ва унинг методларини очиб бериш жараёни	
Ўқув жараёнини очиб бериш технологияси	Методи: Тушунчалар методи Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан, дарсга ижодий ёндошишга эришади	Талаба Мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш кўникмаси ҳосил қилинади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқларни ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Талабаларга ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган кўрсаткичлари, тушунча ва калитли сўзлари қуйидаги жадвал шаклида тушунчалар методи орқали тарқатилади.

№	Тушунчалар	Ўзингизнинг фикрингиз (қисқа)	Нимани билиб олдим
1.	Сиёсатшунослик – фани нимани ўрганади?		
2.	Қиёсий сиёсатшунослик нимани англатади?		
3.	Сиёсатшуносликнинг предмети		
4.	Сиёсатшуносликнинг объекти,		
5.	Сиёсатшунослик фаннинг тушунчалари,		
6.	Сиёсатшунослик фанининг услублари;		
7.	Сиёсатшуносликнинг фан сифатидаги асосий функциялари;		
8.	“Сиёсатшунослик” фанининг категориялари		

"Тушунчалар " методидан фойдаланиш босқичларини амалга ошириш бўйича кўрсатма.

«Сиёсатшунослик» фанининг биринчи мавзуси ушбу фан тўғрисидаги умумий тушунчалар, ўрганиш объекти ва предмети қаратилганлиги сабабли ушбу мавзунини ёритишда “Тушунчалар” методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. "Тушунчалар " методидан фойдаланишда дарс жараёнида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун талабаларга мавзу эълон қилинади.

Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

1. Талабаларга мавзу ва унинг режаси эълон қилинади;
2. Ушбу мавзу бўйича талабаларнинг билиши лозим бўлган тушунчалар, калитли сўзлар, юқорида қайд этилган жадвал шаклида тарқатилади.
3. Улардан ушбу мавзу бўйича ўзларининг тушунчалари, билимлари аниқланади ва жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб чиқишади бунинг учун уларга 10 минут вақт ажратилади;
4. Кейинги босқичда эса, талабалар ўзлари ёзиб чиққан тушунчаларга изоҳларини ўқиб беришади.

5. Ушбу мавзу бўйича тарқатма материаллар берилади, дарс жараёни талабаларнинг берган изоҳларини тўлдирилган ҳолда, батафсил тушунтирилади.
6. Бу босқичда “талабаларга билиб олдим” деб номланган устунга ўзларининг тушунчаларга берган изоҳини ёзиш учун вақт берилади.
Ўқитувчи талабаларнинг берган изоҳларига қараб уларни баҳолаб боради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон 1999.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й.
7. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: “Ўзбекистон” 2004й
8. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: “Ўзбекистон” 2005 й.
9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
10. Каримов И.А. «Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007 й.
12. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шахри”Т. Халқ мероси 1993
13. Отамуратов С., Эргашев И., Ақромов Ш., ҚОДИРОВ А. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

14. Эргашев И., ва бошқалар. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
15. Мухаев Р. Т. Основы политологии. М., 1996.

***Сиёсатшунослик фани,
предмети ва қонуниятлари***

Сиёсатшунослик (Политология) –
юнонча politika - давлат ёки
ижтимоий ишлар ҳамда Logos -

таълимот деган сўзларнинг бирикишидан ташкил топган бўлиб, сиёсат
ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Унинг сиёсий моҳияти
жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган
воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни илмий-назарий жихатдан асослаб
бериш билан белгиланади. Ҳеч бир ижтимоий-сиёсий фан бу
масалаларни “Сиёсатшунослик” фани сингари чуқур ва мукаммал
ўрганмайди.

Сиёсатшуносликнинг сиёсий фан сифатидаги роли ва аҳамияти шундаки, сиёсий моҳиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларни алоҳида олинган бир мамлакат доирасида эмас, балки жаҳоннинг турли мамлакатларида сиёсий муаммоларни ҳал қилишда эришилган натижалар билан белгиланади. Бундай амалий натижалар “Сиёсатшунослик” фанида умумлаштирилади ва унга асосланган ҳолда муҳим сиёсий қоида ва ҳулосалар ишлаб чиқилади.

Сиёсатшунослик фани бошқа ижтимоий-сиёсий фанлардан ўзининг предмети, мазмуни, қонуниятлари, вазифалари ва бошқа томонларига кўра фарқ қилади сиёсатшуносликнинг мазмунини ташкил этувчи масалаларнинг бир бутунлиги ёки яхлитлиги мисолида унинг предмети таърифланади. Унинг қонуниятлари категориялари, усуллари ва вазифалари сиёсатни амалга тўғри қўллашга хизмат қилади.

Маълумки, жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари, уларда фаолият кўрсатувчи сиёсат субъектларининг ҳаракатларини асослаб бериш хилма-хил масалаларни ўрганиш орқали амалга оширилади. Ана шундай масалаларнинг умумий ифодаси “Сиёсатшунослик” фанининг предметида ўз аксини топади. Мана шу умумий қоидага асосланган ҳолда сиёсатшунослик фанининг предмети қуйидагича таърифлаш мумкин: Сиёсатшунослик жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларини ҳамда жаҳон сиёсатининг хилма-хил масалаларини ва уларда сиёсатнинг намоён бўлиш ёки таъсир этиш хусусиятларини ўрганувчи фандир. Жамиятни бошқаришга ва ундаги муаммоларни ҳал қилишга дахлдор бўлган давлат, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, халқаро сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий фаолияти ҳам сиёсатшуносликнинг предмети ифода этади.

Сиёсатшуносликнинг предмети унинг мазмунини умумлаштирган ҳолда ифодалаб беришдир. Унинг предмети мазмунига мос келиш асосида таърифланиши лозим.

Сиёсатшуносликнинг мазмуни деганда шу фан ўрганадиган масалаларнинг бирлиги тушунилади. Бу масалалар хилма-хил бўлиб, ўзининг моҳияти ва хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қилади. Лекин шунга қарамай бу масалалар “Сиёсатшунослик” фанининг предмети ифодалаш жиҳатидан умумийлик томонларига ҳам эгадир. “Сиёсатшунослик” фани масалаларига хос бўлган ана шу умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда уларни учта асосий қисмга бўлиш мумкин.

Сиёсатшунослик - сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар, сиёсий маданият, халқаро тизимлар, унинг механизми ва воситалари ҳамда амалиётини ўрганадиган фандир. Демак, сиёсий таълимотларнинг шаклланиши ва ривожини, сиёсий маданият ва мафкура, халқаро тизимлар ҳамда умумбашарий тараққиётнинг сиёсий

муаммоларини ўрганиш Сиёсатшунослик фанининг асосий йўналишларидир.

Биринчи қисмга сиёсатшуносликнинг илмий-назарий ва методологик асосларини ифода қилувчи масалалар киради.

Иккинчи қисмда жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсат, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият, унинг асосий таркибий қисмлари, давлат ҳокимияти, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабатда бўлган турли ижтимоий гуруҳлар, фуқароларнинг ўрни ва роли, ҳокимиятга муносабат, уни сақлаб туриш механизми ва воситалари, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий онг ва сиёсий тарбия, маданий сиёсат ва сиёсий маданият сингари хилма-хил масалалар ўрганилади.

Учинчи қисмга жаҳон сиёсати ва халқаро сиёсий муносабатларга доир мавзулар киради. Бу қисмда ҳозирги халқаро сиёсий муносабатлар ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари, уруш ва тинчлик сиёсати, умумбашарий муаммоларнинг сиёсий жиҳатлари, халқаро сиёсий ташкилотлар, давлатлар ташқи сиёсатининг моҳияти ва хусусиятлари сингари масалалар ўрганилади.

Сиёсатшунослик фани бошқа ижтимоий фанлардан фарқли равишда жамиятнинг сиёсий жараёнлари тўғрисида фикр юритади. Жамият ҳаётида сиёсий ҳокимият муҳим ўрин тутди. Жамиятнинг сиёсий ҳокимияти, бу ҳокимиятнинг моҳияти ва тузилишини аниқлаш, уни жамиятда тақсимланиши ҳамда унинг механизмларини билиш сиёсатшунослик фанининг муҳим объекти ҳисобланади.

Яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида сиёсатнинг моҳиятини ёритиш сиёсатшуносликнинг предметиدير. Унда: 1) сиёсатнинг макро ва микро даражаларида зарурий тузулиш элементларини, унинг ички ва ташқи алоқа ва муносабатларини аниқлаш; 2) турли сиёсий институтлар ва жараёнларда амал қиладиган қонуниятларини, асосий тенденцияларини ҳамда тараққиётнинг истиқболини аниқлаш ва башорат қилиш; 3) сиёсат социал ўлчовининг объектив мезонларини ишлаб чиқишни амалга оширади.

Сиёсатшунослик фанининг ижтимоий-гуманитар фанлардаги ўрнини белгилаб берадиган назарий ва амалий шарт-шароитлар мавжуд. Бу аввало, амалий характердаги эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, у мамлакатда амалга ошаётган демократик жараёнлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатшунослик бу сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда катта имкониятга эга. Сиёсий жараёнларнинг бориши, унда иштирок этаётган сиёсий кучлар, улар томонидан сиёсатнинг идрок этилиши, уларнинг мақсад ва мудаолари, ташаббуслари, фаоллик даражалари сиёсатда ўз ифодасини топади. Шунингдек, сиёсатшунослик жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини ўрганар экан, унда жамиятни бошқаришнинг асосий институтлари, давлат, партиялар ва бошқа сиёсий - ижтимоий ташкилотларининг ўзаро муносабатлари мазмунини, характерини ҳам ҳисобга олади.

Чунки, сиёсий муносабатларининг натижаси кўпроқ унга боғлиқ бўлади.

Агар сиёсий институтларни, гуруҳларни сиёсатнинг субъектлари тарзида тасниф қиладиган бўлсак, уларни икки турга ажратиш мумкин. Улар биринчидан, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва бошқа ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатлардан, иккинчидан эса, уларнинг сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар, ҳаракатлар билан муайян сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларидан иборатдир.

Демак, улар ўртасидаги сиёсий муносабатлар асосан сиёсий, партиялараро, шунингдек, давлатлараро муносабатлар тарзида амалга оширилади ва намоён бўлади. Ана шу сиёсий муносабатлар натижасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари юзага келади. Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар сингари сиёсий муносабатлар ҳам ўзаро ички муносабатлардан иборат бўлади. Бир-бирига тўлиқ мос келадиган ёки бири иккинчисини уйғунлаштирадиган мақсадлар йўлида сиёсий кучлар ўзаро ҳаракат қилиши ва консенсусга эга бўлишига сиёсий ҳамкорликка эришиш дейилади.

Айрим ҳолларда сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида бир-бирига мос келмайдиган ҳолатлар сиёсий ихтилофларга сабаб бўлади. Сиёсий муносабатларда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш сиёсатдаги стратегик мақсадларни амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу жараён сиёсий кучларнинг вазиятни англаб олиш, узоқни кўра билиш кабилардаги интеллектуал имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг сиёсий мавқеига кўра, унинг иқтисодий ва сиёсий тизими ўзгаради. Бу кучларнинг ўзаро муносабатларида ҳам намоён бўлади.

Албатта, сиёсатшуносликда ўзаро сиёсий муносабатлар деганда, турли сиёсий кучлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг сиёсий ҳокимият доирасидаги фаолиятларини тушунмоқ лозим. Чунки сиёсий муносабатлардан ташқари яна бошқа муносабатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятларида жамиятда амалга ошириладиган сиёсий муносабатларини ўз манфаатларига мос келадиган тарзда ўзгартиришлари мумкин.

Шундай қилиб, турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, сиёсий институтлар хоҳиш-иродасидан холи мавжуд сиёсий муносабатлардан фарқли равишда, сиёсий фаолият муҳим субъектив омил ҳисобланади. Чунки у инсонларнинг миллий истиқлол мафкураси, сиёсий қарашлари, мақсадлари ва дастурларига асосланади. Бундай омил жамиятда мавжуд бўлиб турган сиёсий муносабатларни мазкур гуруҳлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, сиёсатшуносликнинг объектини жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва турли гуруҳлар ташкил қилади. Унинг предметини эса сиёсат, сиёсий муносабатлар ва ҳокимиятнинг ривожланиш қонуниятлари ташкил қилади. Фан сифатида сиёсатшунослик 2,5-3 минг йиллик тарихга эга

бўлиб, у сиёсий тафаккурнинг илк кўринишлари шаклида пайдо бўлган. Кейинчалик у мустақил фан сифатида юзага келди. У ўз шаклланиш жараёнида бошқа мавжуд ижтимоий фанлар каби ўзининг мустақил ўрганадиган масалалари доирасини ҳам вужудга келтирди. Сиёсатшуносликнинг асосий мавзуи ҳокимиятни, сиёсий ҳокимиятни ўрганишни назарда тутди.

Сиёсатшунослик ижтимоий фанларнинг илмий хулосаларини қандай бўлса, шундайлигича фойдаланмасдан, балки, жамият, давлат ва фуқаролар ҳаётида бўладиган сиёсий ўзгаришлар ва уларнинг ҳокимиятга муносабатларини ҳамда бу ўзгаришларини амалга ошириш усуллари, механизмларини ўрганади ҳамда сиёсий хулоса, амалий таклифлар беради.

Сиёсатшуносликнинг қонуниятлари ҳам бошқа сиёсий фанларнинг қонуниятлари каби умумий қонуниятлар ҳисобланади. Улар миллий хусусиятга эга бўлмай, балки байналминалчилик моҳиятига эгадир. Бу қонуниятлар объектив характерга эга бўлиб, уларни кишиларни хоҳиш-иродаси билан ўзгартириш мумкин эмас. “Сиёсатшунослик” фани қонуниятлари ўзларининг амал қилиш хусусиятларига кўра икки гуруҳга мумкин.

Биринчи гуруҳни ташкил этувчи қонуниятларга мамлакатларнинг ички сиёсий ҳаётида амал қиладиган қонуниятлар киради. Булар ижтимоий ҳаётни демократиялаш, сиёсий ҳокимият механизмларидан самарали фойдаланиш, сиёсий бошқариш принципларига амал қилиш сингари қонуниятлардир.

Иккинчи гуруҳни халқаро сиёсий муносабатлар соҳасида амал қиладиган умумий қонуниятлар ташкил этади. Буларга турли давлатлар билан сиёсий ҳамкорликни амалга ошириш, халқларнинг тинч-тотув яшаши учун кураш, халқаро низо ва келишмовчиликларни бартараф этишда сиёсий воситалардан фойдаланиш, умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда сиёсат кучидан фойдаланиш сингари умумий қонуниятлар киради.

Сиёсатшунослик фани қонуниятларини сиёсий-ижтимоий, сиёсий-руҳий қонуниятлар тарзида ҳам тушунтириш ҳоллари учраб туради. Сиёсий-иқтисодий қонуниятлар жамият иқтисодий асоси ва сиёсий ҳокимият ўртасидаги нисбатни акс эттирса, ижтимоий тизим сиёсий ҳокимиятни ривожлантиришни характерлайди ва ниҳоят сиёсий-руҳий қонуниятлар, шахс билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Сиёсатшуносликнинг моҳияти ва мазмунини ифодалашда унинг категориялари муҳим роль ўйнайди. “Сиёсатшунослик” фанининг категориялари ҳам бошқа ижтимоий-сиёсий фанларнинг категориялари каби шу фанда ўрганиладиган масалаларни умумий тарзда ифодалашда қўлланилади.

Категория тушунчаси сиёсий фанларда жамият ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришларни умумий тарзда ифодалашга

хизмат қилади. Шу жиҳатдан қараганда, “Сиёсатшунослик” фанида бу тушунча жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, жаҳон сиёсатининг хилма-хил масалаларини умумий тарзда ифодаласа, “сиёсий муносабатлар” категорияси орқали эса, сиёсат субъектлари ўртасидаги муносабатлар умумий тарзда акс этади. Бошқача қилиб айтганда, “Сиёсатшунослик” нинг категориялари сиёсатга дахлдор масалаларни ойдинлаштириш, бир тушунча орқали кенг маънога эга бўлган фикрни умумлаштириш ҳолида ифодалашни билдиради.

“Сиёсатшунослик” фан сифатида қуйидаги учта асосий функцияни бажаради:

1. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш.
2. Ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда келиб чиқадиган муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш йўларини кўрсатиб бериш.
3. Жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини ошириш ва уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.

Сиёсатшунослик фани воқеа, ҳодиса ва сиёсий жараёнларни ўрганишда турли услублари мавжуд. Жумладан, сиёсий - қиёсий таққослаш, моделлаштириш ва мантиқий - математик услуб кабилардир. Уларни соддалаштириб ва конкретлаштириб қуйидаги асосий: 1) қиёсий таққослаш; 2) эмпирик социологик; 3) сиёсий таҳлил услубига бўлиш мумкин. Бу услублардан сиёсатшунослик кенг фойдаланади.

Жамият сиёсий ҳаётида ва халқаро сиёсий муносабатларда бўладиган ўзгаришлар умумий алоқадорлик ва ўзаро таъсир этиш натижаларига асосланган ҳолда таҳлил этишни назарда тутди. Иккинчи қиёсий таққослаш услубига биноан сиёсий жараёнларда рўй берадиган воқеа - ҳодисаларни ўзаро таққослаш, уларни бир - бирига солиштириш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилса, эмпирик - социологик услуб эса, сўров, анкеталаш, тажриба ўтказиш, статистик таҳлил қилиш, математик моделлаштириш ва бошқа бир қатор ишларни бажариш билан боғлиқдир. Бу услубнинг энг муҳим томони шундаки, унга мувофиқ жамоатчилик, шахс фикрларини ўрганиш асосида тўпланган маълумотларга асосланиб сиёсий ҳодисалар ва жараёнларнинг вужудга келиш, ҳамда ривожланиш хусусиятлари ҳақида олдиндан башорат қилиш мумкин.

Тарихий-мантиқий усул ҳам “Сиёсатшунослик” фани масалаларини ишлаб чиқиш ва уларни назарий жиҳатдан асослашда қўлланиладиган муҳим усуллардан ҳисобланади. Бу усул ёрдамида тарихий тараққиётнинг турли босқичлари ва даврларида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида, жаҳон сиёсатида рўй берган ўзгаришлар ўзаро солиштирилади, қиёсланади ва шу асосда муҳим хулосалар ишлаб чиқилади.

“Сиёсатшунослик” фани масалаларини илмий-назарий жиҳатдан асослашда эмпирик-социологик усулдан ҳам кенг фойдаланилади. Бу

усул сўров, анкеталаштириш, статистик таҳлил қилишга асосланади. Бу усул ёрдамида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларида рўй берадиган ўзгаришлар тўғрисида жамоатчиликнинг фикри ўрганилади.

**Сиёсатшунослик фанининг бошқа
ижтимоий-сиёсий фанлар ўртасида
тутган ўрни ва роли**

“Сиёсатшунослик” сиёсий
фан сифатида жамият
ҳаётининг турли соҳаларида
бўладиган ўзгаришларда

сиёсатнинг ўрни ва ролини илмий-назарий жиҳатдан асослайди. Бу ҳол, шубҳасиз, унинг бошқа сиёсий фанлар билан боғлиқлигини, ўзаро алоқаларини ифодалайди. Айнан шу жараёнда “Сиёсатшунослик” фани “фалсафа”, “Иқтисодий назария”, “Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи”, “Сиёсий тарих” “Сиёсий социология” каби фанлар билан яқин муносабатда бўлади. Бу фанларда ишлаб чиқилган назарий хулосаларга, амалий тажрибаларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Масалан, миллий муносабатлар билан боғлиқ масалалар фалсафа, сиёсий тарих, сиёсий психология, сиёсий социология каби фанларда ҳам ўрганилади. Фалсафа миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланишини умумижтимоий қонунлар асосида ўрганса, сиёсий тарихда асосий эътибор у ёки бу сиёсий партияларнинг миллий муносабатлари соҳасидаги вазифаларини ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий фаолиятини ўрганишга қаратилади. Социал психологияда эса, миллатларнинг кайфияти, уларнинг давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатлар олиб борадиган миллий сиёсатга бўлган муносабатлари ўрганилади.

Сиёсатшуносликда эса бу масала сиёсий жараёнлар ва унинг фаолияти билан боғлиқ равишда қаралади. Сиёсатшунослик бошқа сиёсий фанлардан фарқ қилиб, давлатнинг ижтимоий муносабатларни ташкил этишдаги роли ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаб беради.

Мамлакатимизнинг миллий мустақилликка эришиши сиёсий фанларни ўрганиш ва ўқитишга бўлган эскича ёндашувларни батамом ўзгартириб юборди. Мустақиллик шароитида олий таълим тизимини такомиллаштиришнинг дастлабки тадбирларидан бири мамлакатимизда “Сиёсатшунослик” фанини мустақил фан сифатида ўрганиш ва ўқитишга киришишдан иборат бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда олий Ўқув юртларининг Ўқув режаларига “Сиёсатшунослик” фани киритилди ва бу фан эндиликда бошқа сиёсий фанлар сингари кенг ҳажмда ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда “Сиёсатшунослик” фанининг илмий назарий асослари ва қоидалари Президент И.А. Каримовнинг бир қанча асарлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, И.Каримовнинг “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ...”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз”

каби асарларида сиёсий партиялар, сиёсий маданият каби масалаларга атрофлича эътибор қаратилди.

Мустақиллик ва Ўзбекистонда сиёсатшунослик фани ролининг ошиб бориши ва роли

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда сиёсатшунослик фанини ўрганишга ва уни ривожлантиришга реал имконият пайдо бўлди. Жамият ҳаётини эркинлашуви инсонлар

олдида сиёсатни чуқурроқ идрок этишга, сиёсий жараёнларга фаол иштирок этишни тақозо эта бошлади. Бу сиёсатшунослик фанининг ролини ошиб боришини кўпроқ тақозо этмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб бораётган бугунги кунда сиёсатшунослик биринчидан, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида содир бўлаётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тўплаган тажрибалари билан солиштириш асосида мамлакатимиз, миллатимиз хусусиятларига ва манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий хулосалар бериш.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга кириб боришининг қулай йўллари белгилаш.

Учинчидан, мамлакатимизда демократик жараёнларни ривожлантиришнинг механизмларини вужудга келтириш ва уларнинг уйғун ҳолатда фаолият кўрсатишларига ёрдамлашиш.

Тўртинчидан, фуқароларнинг сиёсий маънавияти, салоҳияти ва фаолиятини ошириш, уларда мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда яқдиллик руҳиятини, жаҳонда ва минтақамизда содир бўлаётган турли ўзгаришларга сиёсий ҳушёрлик билан қараш туйғуларини шакллантириш.

Бешинчидан, сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик ва юксак илмий салоҳият мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлашнинг, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашининг асосий шarti эканлигини ёшларимизнинг онги ва қалбига сингдириш билан боғлиқ бўлган тарбия вазифасини амалга оширади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, сиёсатшуносликнинг услублари унинг назария ва амалиёт уйғунлигидан иборат фан эканлигини кўрсатиб турибди. Сиёсатшуносликда бу услублардан унумли фойдаланиш асосида мамлакат ва халқаро майдонда сиёсат, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш истиқболлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Сиёсатшунослик фанининг бугунги кунда аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши қуйидагиларга боғлиқ.

Биринчидан, республикаимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу курашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя ташлаши остида ўтган кучли қарама-қаршилик барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам

бизни қуршаб турган дунё, кўплар кутганидек, осойиштароқ бўлиб қолгани йўқ. Унда можаролар камаймади¹. Бу уни Сиёсатшунослик нуқтаи назаридан атрофлича сиёсий таҳлил этиб боришни тақозо этади.

Иккинчидан, жаҳон тараққиётининг муҳим омили мамлакатлар ва халқлар манфаатларини уйғунлаштиришга эришиш билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар сиёсий фаолиятини умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бораётганига қаратиш ва уларни халқилишдаги бирликни вужудга келтиришга қаратилган сиёсий қарашлар, назария ҳамда таҳлилларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ.

Учинчидан, ҳозирги даврда ҳар бир шахснинг сиёсат билан шуғулланишига бўлган эҳтиёж сиёсатни англаш, унда онгли фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши, мавжуд демократик жараёнлар билан белгиланади.

Тўртинчидан, ҳозирги замонда сиёсий жараёнларнинг тез ўзгариб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу ўзгаришларнинг дунё ҳамжамияти ва инсон манфаатлари билан уйғун бўлиши учун оқилона сиёсат олиб бориш билан бирга онгли сиёсий фаолият, сиёсатга онгли муносабатда бўлиш зарур. Бу уни атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини ошириш, жамият иқтисодий - ижтимоий, маданий - маърифий соҳаларда нодемократик ҳолатнинг олдини олиш учун унинг асосий кафолатларидан бири мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий, маънавий ва сиёсий фаолиятини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасида уйғун бўлишидир. Шундай қилиб, Сиёсатшунослик фанининг аҳамияти ва ролининг ўсиб бориши ҳозирги замонда инсоният тараққиётидаги ўзгаришлар, сиёсат ва сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Сиёсатнинг турли талқинлари	- Турли ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг мақсадлари, қизиқиш ва қадриятлари - Сиёсий ўзаро алоқадорликнинг субъект ва объектлари - Ижтимоий субъектларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан муносабати - Синфларнинг, гуруҳларнинг ижтимоий-сиёсий қизиқишларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, жамият Яхлитлигини сақлаш, конфликтларни ечиш. - Бошқарув санъати ва бошқарув фаолияти - Давлат ишларида иштирок этиш, турли сиёсий партиялар, сиёсий кучларнинг, фуқаро ва гуруҳларининг ҳокимиятга таъсири - Ўз дастурлари ва курсларини амалга ошириш мақсадида
------------------------------------	--

¹ I.A. Karimov. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik sharlari va taraqqiyot kafolatlari. T: "O'zbekiston" 2003. 17.

	олиб бориладиган амалий фаолият
Сиёсатнинг функциялари	1) Жамият барқарорлиги ва Яхлитлигини таъминлаш 2) Бошқариш ва тартибга солиш 3) Сиёсий социализация функцияси 4) Мобилизация ва умумий фаолият самарадорлигини таъминлаш 5) Рационализациялаштириш 6) Гуманитар функция
Сиёсатнинг таркибий қисмлари:	1) Сиёсий ҳокимият 4) Сиёсий муносабатлар 2) Сиёсат субъектлари 5) Сиёсий ташкилотлар 3) Сиёсий онг

Таянч сўз ва иборалар

Сиёсий ҳаёт, сиёсий фан, Сиёсатшунослик – фан, Сиёсатшунослик – ўқув предмети, назарий Сиёсатшунослик, қиёсий Сиёсатшунослик, Сиёсатшуносликнинг объекти, Сиёсатшуносликнинг предмети, Сиёсатшунослик фаннинг қонун ва тушунчалари, Сиёсатшунослик услублари, вазифалари.

Мустақил таълим мавзулари

1. Сиёсатшунослик фанининг предмети.
2. Сиёсатшунослик фанининг ўрганиш объекти.
3. Сиёсатшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
4. Сиёсатшунослик қонун ва категориялари.

Мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Сиёсатшунослик фанини бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан қиёсланг ва унинг предметини аниқланг.
2. Сиёсий плюрализм деганда нимани тушунасиз ва унинг афзалликларини қиёсий-сиёсий таҳлил этинг.
3. Ўзбекистонда Сиёсатшунослик фани ва унинг ривожланиши истиқболларининг сиёсий, демократик асосларини кўрсатинг.

2-Мавзу. Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: вужудга келиши ва ривожланиши

Дарсининг технологик харитаси.

Мавзу	Сиёсий қарашлар ва таълимотлар: вужудга келиши ва ривожланиши	
Мақсад ва вазифалар	Талабаларга сиёсий қарашларнинг шаклланиши. Уларнинг давлари: 1) қадимги давр; 2) ўрта аср; 3) янги давр; 4) XIX асрнинг боларидаги сиёсий қарашлар; 5) XX асрнинг иккинчи ярмидан мустамлакачиликгача бўлган даврдаги қарашларни, ривоятлар, афсоналар, халқ оғзаки ижодида ҳокимият, давлат ҳокимияти, уни бошқариш, амал қилиш услублари тўғрисидаги илк манбалар ва тасаввурларни тушунтириш. Турли халқларга хос сиёсий қарашларда анъаналарга таяниши. Сиёсий қадриятлар. Ўзбекистонда сиёсий қарашларнинг илк манбалари ва негизлари. Халқнинг сиёсий тафаккури ва онгида сиёсий ҳокимият ва уни бошқариш тўғрисидаги тасаввурлар, «Авесто» даги сиёсий қарашлар моҳияти атрофлича баён этиб бериш.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Сиёсий қарашларнинг ривожланиш босқичлари; 2. Антик даврда сиёсий қарашлар; 3. Ўрта асрлар ва ўйғониш давридаги сиёсий қарашлар 4. Янги даврда сиёсий қарашлар. 5. XIX аср охири XX аср бошларида Ғарб ва Шарқдаги сиёсий ғоялар.	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Сиёсий қарашларнинг шаклланишини очиб бериш ва жараёни	
Ўқув жараёнини очиб бериш технологияси	Методи: “Заковат” методи Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида	Талаба Мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш

	чарчамасдан, дарсга ижодий ёндошишга эришади	кўникмаси ҳосил қилинади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқларни ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Ушбу мавзу талабаларнинг ўзлаштириши учун жуда катта мавзу бўлганлиги учун ўқитувчидан анча зийракликни талаб этади. Шунинг учун биз ушбу мавзунинг ёритишда “Заковат” методидан фойдаланишни тўғри деб баҳоладик. Бунинг учун ўқитувчи мавзу бўйича қисқартирилган ҳолда маърузанинг энг муҳим жиҳатларини ўз ичида қамраб олган тарқатма материал тайёрлаб, бундан олдинги дарсда талабаларга тарқатади. Тарқатма материал асосида ва маъруза матнлари, дарсликлар асосида тайёргарлик кўриб келишини алоҳида айтиб ўтади. Ўқитувчи эса дарс мавзусидан олдин барча учун тушунарли, аниқ ва равион бўлган мавзуга оид мантикий саволлар тузиб келади. У қуйидаги жадвалда акс этирилган.

№	Саволлар
1.	Дастлабки сиёсий қарашларни санаб беринг?
2.	Диний қарашлар қайси минтақаларда шаклланган?
3.	Давлат бошқарувининг дастлабки даврларида нега давлат ва жамият бошқаруви илоҳийлаштирилган?
4.	Платон давлат бошқарувини нечига бўлади?
5.	Антик давр Юнон демократиясининг ютуқлари ва камчиликлари нималарда кўринади?
6.	Фаробий жамиятни нечига бўлган?
7.	Фаробий фозиллар шахри бошқарувчисининг нечига ҳислатга эга бўлишини таъкидлаган?
8.	“Сиёсатнома” (ёки Сияр ул - мулук) асарининг муаллифи ким?
9.	Амир Темур жамиятни неча табақага бўлган?
10.	Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улуғворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият ахволдан бохабарлик ва уларга қамхўрлик кўрсатиш: улар билан яхши муомалада бўлиш; кўйилган талабнинг тўртинчиси қандай?
11.	«Ҳукмдор» асарининг муаллифи ким?
12.	Фуқаролик концепциясини қайси инглиз файласуфи илгари сурган?

Ушбу дарс мавзусининг бошланишида эса ўқитувчи талабаларнинг мавзуга тайёргарлигини ва уларнинг тушунмаган жихатлари борасида савол жавоб қилади. Шундан сўнг ўқитувчи талабаларни 5-6 нафардан иборат гуруҳларга бўлган ҳолда уларга саволлар беради. Талабалар эса ўз жавобларини ёзма тарзда кичик қоғозларга ёзадилар ва ҳар бир саволга берилган жавобларни ўқитувчи йиғиб боради ва савол кейинги савол ўқилгунча олдинги саволнинг жавобини айтиб боради ва унга қисқача изоҳ бериб боради. Савол ташлангандан сўнг аниқ чегараланган вақт ҳам белгиланади. Бу эса талабаларда мантикий фикрлаш ва ўзаро рақобат муҳитини ҳам шаклланишига хизмат қилади. Савол жавобдан сўнг ўқитувчи жавоблар ёзилган варақчалардаги жавобни текширади ва талабаларга умумий баллни эълон қилиб, якунида баҳолаб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
3. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: “Ўзбекистон” 2004й
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: “Ўзбекистон” 2005 й.
5. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
6. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т., “Халқ мероси”. 1993.
7. Бобур М.. Бобурнома. – Т., 1989.
8. Макиавелли. Государь. М.: 1990.
9. Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Т., Маънавият, 1996.
10. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр Ул - Мулк. – Т., Адолат, 1997
11. Темур тузуклари. Ғафур Ғулом Т:1996 й.
12. История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц. М. «НОРМА-ИНФРА.М», 1999.
13. История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц таҳрири остида. 1997.166-бет.
14. «Давлат ва ҳуқуқ» журнали 2000, №1. 53-54 бетлар.
15. Отамуратов С., Эргашев И., Акромов Ш., Қодиров А. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма) – Т., “Ўзбекистон”, 1999, 14-40-бетлар.
16. Эргашев И., ва бошқалар. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
17. Мухаев Р. Т. Основы политологии. М., 1996.

18. Раззоков А. Низомилмулкнинг иқтисодни қарашлари. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 1999 йил 11-сон.
19. Т. Дўстжанов С. Ҳасанов. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т: 2003 30-б.

**Қадимги даврда сиёсий қарашлар
ва таълимотларнинг
шаклланиши**

Дастлабки сиёсий таълимотлар асосан диний билимларда, афсоналарда, достонларда акс этган. Давлат пайдо бўлгач, уни илоҳийлаштиришга эътибор

берилади. Масалан, Қадимги Миср давлатида Миср подшолари (Фиръавн) худо Ранинг ўғли деб эътироф этилган. Афсоналарда давлат илоҳий қувват туфайли пайдо бўлган деган тасаввур мавжуд бўлган.

Ҳокимиятга, давлат раҳбарига ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий тартиботларга бундай илоҳий тарзда талқин этилиши ўша давр амалдорлари учун бир қатор имкониятлар яратган эди. Лекин дастлабки мифологик тасаввурларнинг аста-секин аниқлашиб ижтимоий ҳаёт, давлат, сиёсат, ҳуқуқ ҳақидаги таълимотларнинг пайдо бўлишига имконият яратди. Бу жараён турли халқларда турли давр ва кўринишда кечган. Лекин барча халқларга, мамлакатларга хос бўлган умумий қонуниятларни олсак адолатсизликка қарши адолат, зўрлик ва қонунсизликка қарши қонунийлик, раҳм-шафқат, урушга қарши тинчлик ғояларининг илгари сурилишини кузатамиз. Характерли жойи шундаки, халқ оғзаки ижодида, ёзма манбаларда диний ва дунёвий китобларда эзгуликка интилиш, инсон номини улуғлаш, социал адолатга эришиш учун кураш тарихи барча қадимги халқлар ҳаётига хосдир.

Дастлабки сиёсий қарашларни таҳлил этар эканмиз, унинг уч қурилишини кўрсатиб ўтиш лозим.

1. Диний қарашлар.

2. Юридик қарашлар.

3. Сиёсий социологик қарашлар.

Диний қарашлар. Дастлаб қадимги Миср халқларида кенг тарқалган ғояларга бўлиб, унга кўра барча ҳақиқат, адолат, одил судлов (Маат) худо томонидан бошқарилади. Судьялар Маат тасвири туширилган туморларни тақиб юрганлар. Ердаги барча тартиботлар, сиёсат, қонунлар, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бош ижодкорга сиғиниш «Птахотеп насихатлари» (мил.авв. XXV -XXIV асрлар), «Мурдалар китоби» каби қадимги ёзма манбаларда ўз аксини топган. «Птахотеп насихатлари» да таъкидланишича, барча эркин фуқаролар табиий равишда бир-бирига тенгдир, ушбу ҳолат инсоннинг ахлоқий жиҳатларини кўрсатувчи принцип бўлган - ҳар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари адолат ва яхшилик меъёрларига мос бўлиши керак.²

² История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц .Москва. «НОРМА-ИНФРА.М»,1999.17-бет.

Албатта бу талаблар қадимги миср жамиятининг юқори табақа вакилларга тегишли эди. Аҳолининг кўпчилигини ташкил этган қўллар бундан ташқарида эди.

Қадимги Ҳиндистонда илк бор пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлар мифология ва дастлабки динлар таъсирида шаклланди. Брахманизм ғоялари қадимги Ҳиндистонда эрамздан олдинги 2-минг йилликда пайдо бўлган Ведалларда ифодаланган. Эрамздан олдинги IX-VI асрда яратилган Ҳинд ёдгорлиги Упанишадаларда брахманизм янада ривожланган ва конкретлашган ҳолда тасвирланди. Веда ва Упанишадаларда таъкидланишича ҳар бир одам драхма яъни, қонун, бурч, одатларга, тартибларга риоя этиши зарур. Брахманизм турли мактаблари ташкил этувчи дхармасутра ва дхармашастрлар, ҳуқуқий тўпламлар брахманизм мафкурасини вужудга келтиради. Машхур сиёсий ва ҳуқуқий ёдгорлик «Ману қонунлари» эрамизгача II асрда ёзма равишда бунёд этилди. Жамият варналарга бўлинган, улар ўртасида нотенглик мавжуд. Эрамизгача VI асрда яшаган Сиддхартха брахманизм ва Ведда, Упанишададаги ғояларни кескин танқид қилиб чиқди ва у ўзини «Маърифатли инсон» Будда деб атади. Унинг уқдиришича, Олий ҳокимият худо ҳақидаги ғоялар инсонни чалғитади, ҳамма гап инсоннинг ўзига боғлиқ. У барча сиёсий ва ҳуқуқий нормаларни, ахлоқий тартиботларни одамлар ўзлари яратиб олишлари керак деб кўрсатади.

Қадимги Хитойда император ер юзидаги тартибларни илоҳий тартиблар билан боғлаб турувчи ягона шахс деб қаралган. Давлат ҳокимиятининг турли бўғинларида ишлаётган бошқа шахслар император ҳокимияти тартиботларини амалга оширувчилари ҳисобланган. Хитой императори осмоннинг ўғлигина эмас, ўз халқининг отаси ҳам ҳисобланган. Унинг ҳокимияти, ота-онанинг оилада болаларга нисбатан мавжуд бўлган ҳокимиятига ўхшашдир, деб ёндошилган.

Юридик қарашлар. Сиёсий қарашлар ва таълимотларда давлат ва жамият бошқарувига ва жамиятдаги тартиботларни қонунлар асосида инсон манфаати нуқтаи назаридан ёндошиш юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган. Бунга қадимги Хитой фалсафаси ва ижтимоий-сиёсий фикрлари ривожига катта роль ўйнаган даосизм ва унинг асосчиси Лао-Цзи (эрамизгача VI аср) ва у яратган «Дао-Дэ-цзин» асарини мисол қилишимиз мумкин.

Бутун ижтимоий тараққиёт манбаларини илоҳий қудратга эмас, балки дао қилади, дао қонунчилик ва сиёсий бошқарувнинг асосидир, деб таъкидлади. Даога бўлган муносабатда барча тенгдир. Лао-Цзиннинг кўрсатишича, ўша пайтдаги барча нохушлиklar, маданиятнинг чекланганлиги, одамлар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий нотенглиklarнинг асосий сабаби ҳақиқатни қарор топмаганидир. У ҳаётдаги, жамиятдаги барча адолатсизликларни қоралар экан, у бутун эътиборини ўзини ўзи яратувчи даога қаратди, дао адолатни тикловчи

асосий восита деб уқтирди. Даоизмдаги муҳим томон одамларни хотиржам яшашга ундашдир. Бойлик ҳам, мансаб ҳам ўткинчи, улардан четроқда юриш керак деган ғоялар илгари сурилган.

Қадимги Ҳиндистонда IV-III асрларда (эрамизгача) яратилган “Артхашастра”да давлатнинг моҳияти, вазифалари, қонунларнинг яратилиши ва амал қилиши борасида брахманизмдан фарқли равишда реал ғоялари ифодаланади. Вазир ва маслаҳатчи Каутиля бу китобнинг муаллифи дейилади. «Ахтрашастра» дунёвий таълимотларнинг кенгайиб, чуқурлашиб боришида катта рол ўйнайди. Бу китобда ҳар бир сиёсатнинг, қонуннинг нечоғли амалий фойдаси борлигига асосий эътибор қаратилди. Бу қонунлар одамларнинг ҳаётини, давлат фаолиятини тўғри акс эттириши зарур деб қаралган.

Марказий Осиё сиёсий таълимотлар ҳақидаги асосий манба «Авесто» ҳисобланади. “Авесто”да “барча жиҳатлардан уйғун ва уюшган, гуллаб-яшнаган адолатли жамиятни яратиш”дан иборат деб кўрсатилади. Табиийки, одил ҳукмдордан бошқалар ҳам қонунни муқаддас билиши ва зўравонликка йўл қўймаслиги керак.

Зардуштийлик динида инсон ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Мисол учун, аёл киши шахсий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ундан хайрия мақсадларида мустақил фойдаланиши, шунингдек, мустақил равишда даъвогар бўлиши ва гувоҳ сифатида кўрсатмалар бериши мумкин эди.

Зардуштийлик таълимотида қул муайян ҳуқуқларга эга бўлиб, айрим ҳолларда у ўз хўжайинига қарши даво қўзғатиши ҳам мумкин дейилган³.

“Авесто”да суд ишларига катта эътибор берилган. Олий судя вазифасини Оқсоқолар кенгашининг мўътабар уламиси - қоҳин бажарган. Уни Заротуштрема деб аташган, ва ҳукми мутлақ бўлган.

Манбаларда “Авесто” жамиятида “тангри суди” ҳақида маълумот берилади. Зардуштийлик таълимоти уч таянчга асосланган: “Фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг қатъийлиги”. Зеро, зардуштийлар умр бўйи шу қонунларнинг устуворлигига риоя қилиб яшаганлар. Чунки, имонли, пок, яхшиликлар ва олийжаноб эзгу ишлар қилган тақводор одамларнинг жони, фозил руҳи, жаннатда, роҳат ва фароғатда бўлади. ёвузлик ва номақбул ишлар қилган кишиларни оҳиратда дўзах, қиёмат қойим азоблари кутади, деб тушунганлар.

Шундай қилиб, зардуштийлик ҳуқуқининг диний тусдалигига қарамай, унда этник тегишлилик, эътиқоди, ёши, жинси ва табақасига боғлиқ бўлмаган ҳолда инсон ҳуқуқлари томоийллари шаклланган ва қарор топган. “Авесто”да таъкидланишича, қонунлар «одамлар иродаси эркинлигини» таъминлаш учун яратилади.

Сиёсий социологик қараш. Сиёсий қарашларда сиёсий социологик ёндашув антик даврга бориб тақалади. Ушбу қарашлар

³ Т. Дўстжанов С. Ҳасанов. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т: 2003 30-б.

қадимги юнон файласуфларининг фикрларида ўз аксини топган. Қадимги Грецияда сиёсий ғоялар ижтимоий - сиёсий институт сифатида шаҳар - давлат ва шаҳар - жамият тарзидаги қарашларда ўз ифодасини топган.

Афлотун (Платон) (427-347)нинг идеал давлат ва жамият ҳақидаги таълимоти унинг кейинги диалогларида («Давлат», «Қонунлар» ва бошқалар) ривожлантирилди. У ўзининг «Давлат» номли асарида адолатли идеал давлатни таърифлар экан, давлат полисдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан коинотнинг бирикувидан хосил бўлади, дейди.

Афлотуннинг таълимотига кўра адолат деганда биричи навбатда ҳар бир одам ўз иши билан шуғуллансин, бошқаларнинг ишларига аралашмасин, полис турли эҳтиёжларнинг умумлашган ифодасидир деган ғояни илгари суради. Бу турли-туман эҳтиёжларни қондириш учун давлатда одамлар ўртасида меҳнат тақсимоти қарор топган бўлиши керак. Идеал давлатда аёллар эркаклар билан барабар ҳуқуққа эга. Афлотун идеал давлатида уч табақа файласуфлар, ҳарбийлар ва деҳқон, ҳунармандларни бўлишини эътироф этган.

Арасту Афлотундан кейин энг улуғ мутафаккир сифатида майдонга чиқди. (Эрамиздан олдинги 384-322 йиллар). Ўзининг «Полития», «Афина сиёсати», «Этика» номли асарларида сиёсий қарашларини баён этади. Арасту ахлоқ сиёсатнинг бошланғич нуқтаси, унинг муқаддимасидир, дейди у. Арасту адолатнинг икки хилини фарқлаб кўрсатади. Мувозанатга солувчи адолат мисоли арифметик тенглик, яъни мана шу тамойилни жамият тараққиётига тадбиқ этиш. Белгиловчи адолат худди геометрик тенгликка ўхшайди. Яъни барча ҳақ-ҳуқуқлар, неъматлар одамлар ўртасида ҳар кимнинг ўзига яраша тақсимланиши керак.

Арасту давлатнинг сиёсий ташкилот эканини таъкидлаб, давлат бу олий ҳокимиятга эга бўлган сиёсий тизимдир, деб уқдиради. Давлатнинг тўғри ва нотўғри бошқариш шакллари аждатиб, давлатнинг тўғри бошқариш шаклида халққа манфаат келтиши, нотўғри бошқариш шаклида фақат тор доирадаги одамларга фойда келтишини таъкидлайди. У давлат бошқаришининг учта тўғри шакли монархия, аристократия, полития. Давлат бошқаришнинг нотўғри шакли тирания, олигархия, демократиядир деб кўрсатади.

Арасту давлат бошқариш шакллариининг турли хилларини ҳам текшириб чиқади. Унинг фикрича, энг тўғри бошқариш шакли бу политиядир. Бошқа давлат формалари политиядан озми-кўпми чекинишларга асосланади. Давлатни нотўғри бошқариш шаклидан энг ёмони бу тираниядир. У полития олигархия ва демократиянинг энг яхши томонларини бирлаштиради, аммо уларнинг ёмон томонларидан бутунлай ҳоли давлат шаклидир. Арасту ишлаб чиққан идеал давлатнинг лойиҳасини оддий бир тажрибада синаб кўришдек аниқ бир белгилар билан характерлаб бўлмайди, деб кўрсатади. Идеал

давлатнинг аҳолиси етарли даражада бўлиб, аниқ кўзга ташланиб туриши ва ҳудудида қуриқлик ва денгизга яхши йўналтирилган бўлмоғи зарур.

Ўрта асрлар ва ўйғониш давридаги сиёсий қарашлар

Сиёсий қарашлар ривожига ўрта асрлар Шарқ ўғониш даври мутаффакирлари улкат хисса

қўшдилар. Ўзининг сиёсий қарашларини “Фозил одамлар шахри” асарида умумлаштирган буюк алломалардан бири Абу Наср Форобий (873-950йй) дир. У илк ўрта асрнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлиб, фалсафий қарашлари билан бирга сиёсат тўғрисидаги фикрлари ҳақида унинг “китоб - ас - сиёсат ал - мадания”, яъни шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш китобида маълумот беради.

Форобий асарларини диққат билан ўргансак, унинг қарашлари ўз давридан анча илгарилаб кетганлигини кўрамиз. Шунини айтиш керакки, аллома қадимги мутафаккирларнинг сиёсий соҳадаги асарларига шарҳлар ёзиш билан уларни шунчаки такрорламади, балки бойитди.

Форобийнинг давлатчилик ҳақидаги фикрлари инсоннинг мохияти психологияси руҳий ҳолатлари билан боғлаб қаралганлиги билан ҳам қимматлидир. У инсонни бир катта мамлакатга унинг турли аъзоларини - қўл-оёқ, тери ҳамда сезги органларини кент-туманларга ўхшатади. «Мамлакат инсон каби икки марказ-юрак ва мияга эга. Юрак томирлари орқали чекка районларни яъни инсон аъзоларини овқат билан таъминлаб бошқариб туради. Мия эса инсондаги барча руҳий қувватларни бошқаради. Юрак ва мия ўз вазифаларини биргаликда бажаради»-деб таъкидлайди.

Форобийда шаҳар, жамоа, давлат тушунчалари бир маънода ишлатилган бўлиб, шаҳар деганда бир мақсад атрофида бирлашган аҳоли уюшмасининг энг қатъийсини назарда тутлади. Бу уюшма турли хунар, хизмат алоқалари асосида вужудга келади.

Форобий барча шаҳарларни, давлатларни фозил ва жоҳил шаҳарларга ажратади.

«Фозил шаҳар шундай шаҳарки, - деб таъкидлайди у – унда одамлар, уларни ҳақиқий бахт-саодатга элтувчи ишларда бир-бирларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўядилар. Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам бериш учун бирлашган жамоа фозил жамоа хисобланади. Барча шаҳарлари бахт-саодатга» эришиш мақсадида бир-бирларига ёрдам берувчи халқ фозил халқдир. Шундай қилиб, барча халқлар ҳақиқий бахт-саодатга эришиш йўлида бир-бирларига ёрдам берсалар бутун ер юзи фозилликка эришади.

Фозил шаҳар (давлат)нинг акси жоҳил шаҳардир, унда яшовчилар бир-бирлари билан доим низода бўлиб, яхши ахлоқий хислатлардан маҳрумдирлар.

Фозил давлатнинг мақсади ўз аҳолисини бахт-саодатга олиб боришдир. Бахт-саодат илмда, ахлоқда, хунарда етук ва эркин бўлиш, моддий ва маънавий бойликларга эга бўлиш орқали қўлга киритилади.»

Фозил давлат ўз мақсадига эришмоқ учун қатор вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

А) У ўз аҳолисини моддий жиҳатдан таъминлаши лозим:

Б) Аҳолига таълим-тарбия бериш маънавий жиҳатидан юксакликка етишиши учун тинмай иш олиб бориши зарур.

В) Давлатни идора этиб туриш, у ўз йўлидан адашиб кетмаслиги учун қонунчилик фаолиятини яхши йўлга қўйиш, зарур ҳолларда керакли қонунлар қабул қилиб тартибни сақлаб туриш лозим.

Г) Ўз аҳолисини душманлардан, жоҳил шаҳарлар хужуми ва таъсиридан сақлай олиши ва бунинг учун керакли чораларни амалга ошириши зарур.

Бундан кўриниб турибдики, давлат фаолиятини амалга оширишда, унинг ўз функцияси, мақсадини юзага чиқаришда қонунлар тизими муҳим аҳамият касб этади. Шу қонунлар ёрдамида давлат фозиллигини, аҳолини идора эта олиш қувватини сақлай олиши мумкин. Акс ҳолда, керакли қонунларнинг бўлмаслиги, унга риоя этмаслик давлатнинг парчаланиши аҳоли ўртасида аҳиллик ва ишончнинг йўқолишига олиб келади.

Унинг фикрича, фозил давлат бошлиғи 12 ҳислатга эга бўлмоғи зарур. Бундай бошлиқ соғ-саломат, фаросатли, тезда масалани аниқлаб олувчи, хотираси ва зехни ўткир, нотик, ўз фикрини чиройли ва содда қилиб тушунтира оладиган, илм- фанга, таълим олишга қизиққан ва ўз билимини доим ошириб борадиган, турли ҳаёт лаззатларидан ўзини тия оладиган, адолатпарвар, ҳақгўй, ёлғонни, хушомадни ёмон кўрадиган, номус-ориятли, бу дунё бойликларига қизиқмаган, жабр-зулм, истибдодни кораловчи, қатъиятли, саботли ва энг муҳими донишманд инсон бўлиши зарур.

Форобий давлатни бошқариш тўғрисидаги сиёсий–ҳуқуқий ғояларида феодализм даврида ҳам давлатни бошқаришда демократик усулда бошқариш тўғрисидаги фикрларни беради.

Форобийнинг бу гуманистик ғоялари ўз даври илм фанига муҳим хисса бўлиб кушилди ва ижтимоий–сиёсий таълимотлар, давлатчилик ва қонунчиликнинг кенг ривожига маълум даражада таъсир кўрсатди.

XI асрда Низомулмулк «Сиёсатнома», Кайковус «Қобуснома» асарларини ёзиб жамият ва давлат бошқаруви хусусида чуқур тажрибаларга асосланган ибратли мулоҳазаларни баён қилишган. Шарқда адолатли шоҳ жамиятни бошқаришда алоҳида ўрин тутишини кўп марталаб таъкидлашганлар. Улардан бири бундан салкам минг йил муқаддам Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган «Қутадғу билиг» асаридир. Асар қорахонийлар ҳукмдорларидан бўлган Тобғач Бўғрохонга атаб ёзилган бўлиб, муаллиф асарни Бўғрохонга тақдим қилганида ҳукмдор уни Хос Ҳожиб унвони билан тақдирлайди. Саройда унвоннинг қадри, эътибори жуда баланд бўлган⁴. Ўз давридаёқ шуҳрат

⁴ «Давлат ва ҳуқуқ» журнали 2000, №1. 53-54 бетлар.

топган «Қутадғу билиг»ни эронийлар «Шохномаи туркий» деб таъкидлашган. Хитойликлар «Абадул-мулук», Шарқий Туркистонда «Анис ул-манолик», машриқ элининг донишмандлари эса «Зийнатул-умаро» деб баҳо беришган. «Абадул-мулук» - ҳукмдорлар одоби, «Анис ул-мамолик» мамлакатнинг тартиб усули, тартиб усули, «Зийнатул умаро» – амирлар зийнати деган маъноларни англатади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг подшоҳларни адолат билан иш тутишга даъват қилиб битган бу асари қадимий туркий-ўзбек давлатчилиги, унинг бошқарув тизими ўз моҳияти билан кўп жиҳатдан фуқаролик жамияти тамойилларига мос келишини билдиради. Шарқона бошқарув ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб «Элга бошчилик қилиш оғир, бу иш ниҳоятда ташвишли» дер экан, беклар амалдорларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашларини ҳам баён этади. Унинг назарида раҳбарлар, эл улуғлари доно, ботир, шерюрак, билимли, заковатли, мулоҳазакор, очиқ юзли бўлишга лойиқ. Идрокли одамгина ишбоши бўлишга лойиқ. Жоҳил ва беғам одамларнинг ишдан йироқ тургани маъқул...». Демак, ҳукмдорларга бу тарзда очиқ ошкор панд-насихат қилиш, уларни адолат билан иш тутишга даъват қилишнинг ўзи ҳам Шарқда азалдан демократияга кенг йўл берилганлигини, давлат бошқарувида қонун барчага баробар бўлганини кўрсатади.

Шарқ тарихи ва маданиятига ўзининг “Сиёсатнома” (ёки Сияр ул - мулук) асари билан ўчмас из қолдирган Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий - Низомулмулк (1018-1092 йй) давлат бошқарувида тегишли қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар, почта ва разведка ишлари, элчиларга муносабат, шоҳ ишлари, шахсий соқчилари тўғрисида ўша давр нўқтаи назаридан етарли даражада маълумот ва маслаҳатлар берилган.

Шу билан бирга унинг “Сиёсатнома” асарининг 4 фаслида ўша давр солиқларига оид ҳам фикрлар билдирилган. Унинг кайд этишича, «солиқчилар хирожни шундай йўл билан талаб қилсинларки, одамларга зиён етмасин. Солиқ ўз вақтидан олдин олинса, раиятга ранжу азоб етади. улар мажбурликдан мол-давлатларини ярим баҳода сотиб, уй-жойларини ташлаб кетиб, овора ва сарсонликка ғарибликка мубтало бўладилар»⁵ деб хисоблайли. У солиқларнинг меъёрида бўлиши ва маълум вақтда тўланишини ривожланишнинг муҳим омили сифатида қарайди.

Амир Темур (1336-1405 йиллар) ўзининг сиёсий қарашларини “Темур тузуклари” асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342-1405 йй.) тарихи билан бирга, давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Асар узидан кейинги авлодларга давлат бошқаруви борасида улкан тажриба ва қоидалар сифатида ёзилган бўлиб, ўз даврида мамлакатни идора этиш учун асосий ҳуқуқий норма

⁵ Раззоков А. Низомилмулкнинг иқтисодин қарашлари. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси». 1999 йил 11-сон.

хам ҳисобланган. Амир Темур жамиятни 12 тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда бошқариш ишларини амалга оширган. Улар: 1) саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуогўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар, сипоҳсоларлар; 5) сипоҳ билан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб ва девон битикчилари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва мухандислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва ровийлар); 10) сўфийлар ва орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳ ва тижорат аҳлларидан иборат⁶.

Давлатни идора этишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор бериб, соҳибқирон Амир Темур садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни кадрлаган.

Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улуғворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан боҳабарлик ва уларга қамхўрлик кўрсатиш: улар билан яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардош, мулойимлик.

Шу билан бирга солиқлар ва уларнинг давлат бошқарувидаги ролига ҳам катта эътибор қаратди. Амир Темур солиқларни давлат хазинасини керакли моддий ресурслар билан таъминловчи асосий восита сифатида қараш билан бирга солиқ тизимида ҳам бир қатор ислохотларни амалга оширди. Бу соҳадаги ислохотларни умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Биринчидан, Амир Темур жаҳон тарихида биринчилардан бўлиб давлат, халқ ва сипоҳ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳамда муносабатни тўғри англаб етган. Буни биз унинг қуйидаги фикрларидан билшимиз мумкин. «...раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради»⁷.

Иккинчидан, Амир Темур даврида солиқларни тартибга солувчи қонун-қоидалар Яхлит ҳолга келтирилади. Яъни бу тартиб қоидалар «Темур тузуклари» асосида кафолатлаб қўйилган.

Учинчидан, солиқлардан фақатгина давлат хазинасини бойитиш эмас, балки давлат бошқаруви ва халқ манфаати учун ҳам кенг фойдаланила бошлайди.

Тўртинчидан, солиққа тортишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясидан фойдаланган ҳолда бир қатор солиқ имтиёзлари жорий этилади.

⁶ Темур тузуклари. Фафур Фулом Т:1996 й. 93 б.

⁷ Темур тузуклари. Фафур Фулом Т:1996 й. 122 б.

Бешинчидан, солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалигига чек қўйишга имкон қадар ҳаракат қилинади.

Бу хусусиятлар эса ўрта асрларда ҳукмдорларнинг ўзбошимчалик билан давлат хазинасини ўзлаштириш ва ўз манфаати йўлида турли ишларни амалга ошираётган бир даврда солиқларга нисбатан бутунлай янги қараш эди.

Алишер Навоий (1441-1501-йиллар) сиёсий ғояларини “Садди Искандарий” достонида асослаб берган ва унда ижтимоий адолатли тузум ғоясини адолатли шоҳ тимсолида баён қилган. А. Навоий бу муаммони адолатли шоҳ - адолатли давлат - адолатли қонунлар - адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали қўйлаган.

Янги даврдаги сиёсий қарашлар

Уйғониш даврининг мутафаккири
Никколо Макиавелли (1469-1527) сиёсий

фанлар ривожига катта хисса қўшди. Флоренция республикасининг давлат секретари вазифасида 14 йил (1498-1512) фаолият кўрсатди. Флоренция республикасининг Медичилар томонидан яқка ҳукмронликни ўрнатилиши оқибатида Макиавелли давлат ишларидан четлаштирилган. Шундан сўнг унинг ажойиб асарлари сиёсий фанлар тизимида ўз ўрнига эга бўлди. Бу асарлар «Ҳукмдор», «Флоренция тарихи» эди.

Макиавелли сиёсий қарашларида, ўрта асрда давлатни келиб чиқиши тўғрисидаги илоҳийлаштирилган фикрларни ўрнига, давлатни пайдо бўлишининг асосий сабаби тарихий тараққиёт талаби деб тушунтиради. Бу ҳодисани fortuna (тақдир) деб атайди.

Макиавелли сиёсий фанга янги иборани киритади. Бу ибора Stato(давлат) сўзидир. Бу сўздан кейинчалик, инглизча State, французча Etat, испанча Estado иборалари муомалага киритилди. Макиавеллининг фикрича, давлат-жамиятнинг сиёсий тузулишини англатади. “Сиёсат ва давлат илоҳий эмас, балки инсонлар ўз қўллари билан яратадилар ва муомалада бўлади.”- деган назарияни Макиавелли илгари сурди.

Макиавеллининг сиёсий таълимотида давлат формалари тўғрисидаги фикрлар тарихийлик нуқтаи-назаридан берилган.

Давлат формалари бошқарувчиларнинг сони билан белгиланиши Макиавеллида кузатиш мумкин. Унинг фикрича, давлат формалари: монархия, аристократия ва демократиядир.

Давлатнинг раҳбари Макиавеллининг ғояларига кўра: “шер ва тулкининг сифатлари эга бўлиши керак”- дейди.

Макиавелли давлат формаларининг бир-бири билан солиштириб кўрди. “Қаерда тенглик қарор топган экан-дейди Макиавелли- у ерда монархияга ўрин йўқ, тенглик йўқ ерда республика тузуми бўлмайди.”⁸

Макиавеллининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўз давридаги энг илғор сиёсий ғоялар эди. Сиёсатшунос сифатида унинг фаолиятидаги ёрқин қирраларни унинг асарлари ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида кўришимиз мумкин.

Француз идеологи Жан Боден(1530-1596)нинг сиёсий қарашларида қиролнинг мутлоқ ҳокимиятини ёқлаш кўзга ташланади. Ж. Боденнинг «Республика тўғрисида олти китоб» асарида давлатнинг тарихий келиб чиқиш шарт-шароитларини таҳлил қилди. Унинг сиёсий қарашларида давлатнинг марказлаштириш ва ўша давр учун сиёсий ғояларда янги ғоя бўлган-давлат суверенитетини илгари сурди.

Боденнинг назариясида бир бутун, бўлинмас, доимий қонуний давлатнинг ҳокимиятини асослади. Суверенитет, Боденнинг фикрича давлатнинг барча фуқароларини қонун олдида тенглигидир.

Шундай қилиб, Боденнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги ғояси асосан юғори табақа вакиллари манфаатларини ифодалади. Ж. Боденнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари ўз даврининг йирик маҳсули эди.

Англия файласуфи Ж. Локк (1632-1704 - йиллар) қарашларида ҳам сиёсатда фуқаролик концепцияси илгари сурилади. Локк таълимоти, нисбатан реал ҳаётга асосланганлиги билан ажралиб туради ва чекланган монархни ўрнатишни ёқлайди.

У сиёсий фикр тарихида биринчилардан бўлиб, “шахс”, “жамият” ва “давлат” тушунчаларининг таҳлилини беради, ҳамда шахсни жамият ва давлатдан юқори қўяди. Локк, инсон туғилгандан бошлаб табиий ҳуқуқларга эга бўлади, деб кўрсатиб, “ҳаёт” ёки “яшаш”, “эркинлик” ва “мулкка эга бўлиш” ҳуқуқларини ана шундай ҳуқуқлар жумласига киритади. У хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини қуйидагича асослайди, биринчидан, хусусий мулкка эга бўлиш инсоннинг ўзини ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжни таъминлаш учун керак, инсон зарур нарсаларга эга бўлган тақдирдагина, ўзининг ривожланишига алоҳида эътибор бериши мумкин. Локк, фикрича хусусий мулк мутлоқ қадрият эмас, аксинча, эркин жамиятга эришиш воситасидир. Инсонлар мулк жамғаришда эркин бўлишлари керак. Иккинчидан, мулкка эга бўлиш инсоннинг индивидуаллиги шаклланишига таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Локк, давлат жамият, жамият ўз навбатида, шахсга бўйсунити зарурлигини таъкидлайди. Давлат ва жамият бир нарсаси эмас, давлат ҳокимиятнинг қулаши, жамият ривожининг охиридан далолат бермайди. Жамият янги давлат ҳокимиятини ўрнатиши мумкин. Давлат шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият кўрсатади. У шахсдан кучлироқ бўлиши мумкин эмас, чунки шахс жамиятни, жамият эса давлатни ташкил этади. Локк

⁸ История политических и правовых учений. В.С.Нерсисянц таҳрири остида. 1997.166-бет

қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлишини ёқлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятга устуворлик беради, чунки у давлатнинг сиёсатини белгилайди, деб кўрсатади.

Сиёсий таълимотларга франциялик маърифатпарвар, сиёсий мутафаккир ва ҳуқуқшунос Шарл Луи Монтескье (1689-1755 йиллар) катта ҳисса қўшди. Монтескье асарлари ичида унинг "Қонунлар руҳи ҳақида" асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда баён қилинган таълимот сиёсий-ҳуқуқий фикр тарихи ва давлат муассасаларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Монтескье таълимотининг моҳияти ҳар бир халқ қонунларининг "руҳи" бир қанча аниқ шарт-шароитлар билан белгиланганлиги, бу шарт-шароитларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этишини англашга қаратилганлигидадир. Монтескье давлат шаклларига алоҳида тўхталади. У учта тўғри давлат шакллари ажратади: демократия, аристократия ва монархия. Буларнинг барчасига таъриф беради ва ўзига хос хусусият ва белгиларини кўрсатади. Унинг ўзи конституцион монархия тарафдори эди. У деспотизмни қоралайди, уни табиий ҳуқуққа мутлоқ зид сиёсий тузум деб билади.

Монтескьенинг ҳокимиятларни тақсимлаш таълимоти ўз замондошлари орасида машҳур бўлди. Бу таълимот Француз революциясининг конституциявий ҳужжатларида ўз аксини топди. Масалан, 1789 йилги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг Декларацияси"да шундай дейилган: "Ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмаган ва ҳокимиятларнинг тақсимланиши ўрнатилмаган жамият конституцияга эга эмас". Ҳокимиятларни тақсимлаш принципи 1787 йил АҚШ конституциясида ҳам ўз аксини топган. Кейинчалик бу принцип барча демократик давлатлар Конституциясида ўз аксини топди.

А. Токвиль (1805-1858-йиллар) "Америкадаги демократия" номли асарида ўзига хос либерал сиёсий назарияни яратади. Уни сиёсий тенглик билан сиёсий эркинлик ўртасидаги муносабат кўпроқ ўйлатади. Сиёсий апатия - сиёсий марказлашув ва ижтимоий бўйсундиришнинг бошланишидир, деб ҳисоблайди. Демократиянинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида сиёсий ғоялар

XIX асрнинг охири ва XX аср
бошларида Шарқ
мутафаккирлари сиёсий
қарашларида Ғарб

мустамлакачилигидан қутулиш ғоялари устун бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жадидчилик ҳаракати ёки М. Ганди (1869-1948 йиллар, Ҳиндистон,) М. Иқбол (1877-1938 йиллар) ғоялари бунинг яққол далилидир. Мохандас (Махатма) Ганди адолатсизлик ва зулмга қарши шундай кураш стратегиясини ишлаб чиққан эдики, у рақиб томоннинг барча инсоний фазилатларини тан олишни кўзда тутар эди. Махатма Ганди Жанубий Африкада апартеид сиёсатига қарши ва Ҳиндистонда

халқни мустамлакачилик зулмидан халос қилиш ғояларини илгари сурди.

XIX аср охири- XX асрнинг бошларида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан инқироз ва мустамлакачилик сиёсати туфайли ривожланиш паст даражада Туркистон улкаси зиёлилари Чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан қутулиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш чораларини кўрди. Бу борада жадинчилик ҳаракати катта рол ўйнади.

Жадинчилик рус мустамлакачилигига қарши миллий демократик ҳаракат сифатида ўша давр Туркистондаги қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пировардида миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган эди.

Туркистонда жадинчилик ғоялари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари охирларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнади. Бугунги кунда республикамиз тарихчи олимлари жадинчилик ҳаракатида қуйидаги учта босқични фарқлашмоқда: 1) XIX аср охирларидан 1915 йилгача- маърифатчилик; 2) 1915 йилдан – 1918 йил февралигача- мухториятчилик; 3) 1918 йил февралидан - 20-йиллар охирларигача мустабид советлар давридаги фаолияти.

Жадинчилик Россияга қарам бўлган мусулмон халқлари орасида дастлаб Қримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни чуқур эгаллаган Исмоилбек Гаспрали (1851-1914) бўлди. Исмоилбек 1884 йилда жадин мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чиқаради. И. Гаспрали 1893 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Бухорода амир Абдулахадни жадин мактаби очишга кўндиради. Бу мактабга «Музаффария» номи берилади. 1898 йилда Тўқмоқда (Қирғизистон) ҳам шундай мактаб очилди. 1899 йилда Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов ва Самарқандда Абдуқодир Шакурийлар биринчи бўлиб жадин мактабларини очадилар. Жадинчилик ҳаракатининг йирик намояндалари жадин мактаблари учун дарсликлар ҳам яратганлар. Хусусан, Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал» (1903), Мунавварқорининг «Адиби аввал» (1907), Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (1912) дарсликлари алоҳида эътиборга моликдир.

Жадинларнинг халқ маърифати учун кураш дастури уч асосий йўналишдан иборат бўлган:

1. Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш.
2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориш.

3. Турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил этишга қаратилган газеталарни чоп этиш.

Шу дастурни амалга ошириш борасида Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг тахсил муддати 4 йил бўлган. Биринчи босқични тугатган шогирд эски мактабда 10 йил ўқигандан кўра яхшироқ савод чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сўзлашиб, русчада эркин гаплаша олар эдилар.

Россия феврал инқилоби арафасида Туркистон жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг «тараққийпарварлар» оқимини ташкил қилган қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш томон ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар киради. Россиядаги Феврал демократик инқилоби Россияда янги давлат тузumi ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни рухлантириб юборди.

Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан «Шўрои Исломия», «Иттифоқи муслимин», «Турон» каби бир қатор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш, жипслаштириш хиссини уйғотдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадидлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар.

Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида диққат-этибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари-Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига

тааллуқли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан қафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш-устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жаидлари давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақириш билан боғланганликлари ҳам диққатга сазовор. 1917 йил июлда «Шўрои исломия»дан «Шўрои Уламо» ташкилоти ажралиб чиқди. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки оқимнинг кейинчалик қўшилишига ва «Турк Адами марказияти» номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Умуман олганда, XX аср бошида юзага келган жаидчилик ҳаракати Туркистон халқларининг миллий озодлик, мустақиллик учун дастлаб чор Россияси, сўнгра совет мустамлакачилигига қарши курашда муҳим ўрин тутди.

Дунё миқёсида эса XX асрга келиб бир қатор сиёсий концепциялар вужудга келди. Уларни умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

1. Ижтимоий дарвинизм ва забт этиш назарияси. Австралиялик Лудвик Гумилович (1838-1909) «Социология ва сиёсат» асарида бу назарияни асослаб берган. Унга кўра ижтимоий ҳаёт давридан бошлаб одамлар, рухлар, синфлар, партиялар ва давлатлар ўртасида кураш бўлиб келган. Бу инсониятнинг яшаши учун зарурий тақозосида вужудга келганлигини таъкиндайди.

2. Юқори табақа назарияси. Элита («Бошқарувчи озчилик», «задагонлар»). Бу назария асосчилари италиялик юрист, социолог, тарихчи олим Гаэтано Моска (1856-1941), Парето Вилфредолар (1848-1923) эди. Улар назариясига кўра, жамият барча давраларда бошқарувчилардан ва бошқариладиганлардан иборат. Бошқарувчилар озчиликни ташкил қилса-да, куч, бойлик, уюшқоқлик қадриятларига эга, демократия эса аслида кенгайтирилган аристократиянинг бир кўринишидир. Сиёсий тараққиёти бир ҳукмрон элита қўлидан иккинчисига ўтганда юз беради. Ҳокимият ҳеч вақт кўпчилик қўлига ўтмайди. Сайловлар элиталарни янгилаш усули бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос 2 гуруҳ: элита ва элитага қарши турганлар бўлади. Улар ҳокимият учун курашади. Тарихда элиталар ўзгариб туради. Сиёсий бошқарув қобилияти «зодагонлар» да дейди.

3. Сиёсий партиялар назарияси: бу назария асосчиларидан бири Моисей Острогорский (1854-1919) «Демократия ва сиёсий партияларни

ташкил этиш» асарида Англия ва АҚШ сиёсий партиялари фаолиятини таққослаб, уларда аристократик, сиёсий клублар, оммавий ташкилотлар борлигини кўрсатади. Роберт Михайльс (1876-1936) эса, «Сиёсий партияларнинг социологияси» асарида партияларни олигархиялаштириш қонунини кашф этишини таъкидлайди. Агар ҳокимият партия раҳбарларини қўядиган бўлса бу партия қўғирчоқ партияга айланиб қолади, оддий партия аъзолари бошқарувда иштироқ этолмайди. Сиёсий ҳаётни демократлаштириш лозимлигини айтади.

4. Макс Вебернинг сиёсатшунослик таълимотларида «Дохийлик демократияси» таълимоти ҳам дейилади. М.Вебер (1864-1920) назарияси Ғарб ва дунёнинг XX аср сиёсатшунослигига маълум маънода ижобий таъсир кўрсатади. У бюрократияни ҳумрон синф деб ҳисобланмайди, балки унга ҳокимиятнинг қўлидаги қурол деб қарайди. Унинг қарашлари замонавий демократия назария ривожига катта ҳисса қўшди. Бу назариянинг марказида жамиятдан ўзини алоҳида тутган бюрократик аппарат устидан ижтимоий назорат механизминини ишлаб чиқиш ғояси ётади. У бюрократияни ўзига бўйсундира оладиган сиёсий элетани танлаш техникасига эътибор беришни талаб қилади. М.Вейбер ҳукумронлик усули бу давлат типологияси ва қонунчилигидан иборат. Ҳукумронлик деб ҳокимиятга танҳо эгалик қилишни, ҳокимият монополиясининг эса, ўз эркини буйруқлар ёрдами билан ўтказиш қобилиятининг тушунади. Ҳукумронлик - бу қонунийлаштирилган зўрлик эканлигини айтиб, уч хил бўлади: анъанавий, содиқлик ва легаллик (қонунийлик). Анъанавийлик ҳукумронлик урф-одатларга асосланади, содиқлик сиёсий лидерлага содиқ бўлиш, очиқ ҳукумронлик эса ҳуқуққа асосланади. М.Вебер бошқаришнинг президентлик шаклига ҳам эътибор берди.

5. «Тоталитаризм назарияси» - сиёсий режим тури ҳақидаги таълимотлардан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалар устидан тўла (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрларга нисбатан қатоғонлар бўлишининг баён этади. Тарафдорлари: А.Арендт, К.Фридрихлар ҳисобланади. Бу режалаштирилган иқтисодий раҳбарлик, ижтимоий соҳанинг кучли назоратда, сиёсий соҳада яқка партиялик, маънавий соҳа ҳукумрон мафкура, оммавий коммуникация воситалари партия ва давлат қўлида бўлиши, партия ва давлат қўлида барча қуроллар тўпланиши характериға эгадир.

6. «Конвергенция» назарияси - (ўхшаш, яқинлашиш, индустриал жамият) Ғарб сиёсатшунослигида технократик таълимотлар кенг тарқалди. Жумладан, «Илмий бошқариладиган жамият» (Г.Саймон), «Постиндустриал жамият» (Д.Белл), «Технотрон жамият» (З.Бжезинский) назариялари ҳозирги тараққиёт ва дунёнинг умуминсоний муаммоларининг (экологик, энергетик, озиқ-овқат, уруш, демографик) ечишининг ягона йўли деб тавсия этилади.

7. Америка сиёсий фанларининг ривож. АҚШда ХХ асрдаги сиёсатшуносликнинг ривожланиши қуйидаги 3 та босқичга бўлиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи давр. XIX аср охиридан биринчи жаҳон урушигача бўлган давр.

Биринчи давр политологиянинг Америкада қарор топиш даври ҳисобланади. Бу даврда АҚШда йирик университетларда сиёсий фанлар бўлимлари ташкил этилди. 1914 йилдан федерал даражада эмпирик тадқиқотлар ўтказишга ихтисослашган марказлар ташкил этилди.

Иккинчи давр. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги давр.

Иккинчи даврда муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Табиий-илмий билимлар билан яқинлаштирилди.

Учинчи даври. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан ҳозиргача бўлган давр.

Учинчи даврда 1) Америка бошқаруви ва сиёсат, 2) Қиёсий сиёсат, 3) Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати, 4) Сиёсий назария ва фалсафаси, 5) ижтимоий бошқарув ва сиёсат каби йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда Ч.Мерриам (1874-1953), Г.Лассуэл (1902-1979), Г.Моргентау (1904-1980) каби сиёсатшуносларнинг алоҳида ўрни мавжуд.

ХХ аср сиёсатшунослиги сиёсий тизим, сиёсий ҳокимият, сиёсий социология янгича оқимлар шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

Шу жумладан, Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ижтимоий - сиёсий фанлар, хусусан сиёсатшунослик фанига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Бу фан олий таълим муассасаларида ўтилмоқда, ёшлар ўз сиёсий ҳуқуқларини мукамал ўрганиб олиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Сиёсий тафаккур, сиёсий онг «Авесто» даги сиёсий қарашлар, Диний, юридик, сиёсий-социологик анъаналар. «Ригведналар», «Махобхарата», «Каутилью», мустабид тузум, бихеовиоризм, социал концепция.

Мустақил таълим мавзулари

1. Сиёсий қарашларнинг шаклланишида диний анъаналарнинг ўрни.
2. Сиёсий қарашларнинг шаклланишида юридик қарашларнинг ўрни.
3. Сиёсий қарашларнинг шаклланишида сиёсий социологик қарашларнинг ўрни.
4. Ўрта асрларда сиёсий қарашлар.
5. Шарқда сиёсий қарашлар.
6. Янги давр сиёсий қарашлари

Мустаҳкамлаш учун саволлар

- 1.Сиёсий қарашлар ва таълимотлар ривожини таҳлил этинг, ҳамда босқичларга бўлиб чиқинг
- 2.Шарқ ва ғарбдаги сиёсий қарашларни қиёсий таққосланг.
- 3.Ўзбекистонда сиёсий қарашларнинг манбаларини, тарихий, миллий-маънавий илдизларининг ўзига - хос жиҳатларини аниқланг.

3-Мавзу. Демократия тушунчаси унинг тараққиёти.

Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Демократия ва демократиянинг асосий концепциялари.	
Мақсад ва вазифалар	Демократия тушунчаси унинг мазмун моҳиятини мақсади ва вазифаси. Бугунги кундаги демократиянинг муҳим хусусиятлари ва тамойиларини ўргатишдан иборат.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Демократиянинг ривожланиш босқичлари; 2. Демократиянинг умумэтироф этилган тамойиларини умумлаштирилган ҳолда ифодалаб бериш; 3. Демократия назарияси унинг замонавий моделларини илмий асосда тушунтриш; 4. Демократия ва Шарқ, 5. Демократия ва миллий қадриятлар уйғунлиги каби тушунчаларни илмий асосда тушунтириш;	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Демократия тушунчаларини ва унинг тараққиёт босқичларини очиб бериш жараёни	
Ўқув жараёнини очиб бериш технологияси	Методи: Тушунчалар методи Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан, дарсга ижодий ёндошишга эришади	Талаба Мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш кўникмаси ҳосил қилинади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқларни ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Талабаларга ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган кўрсаткичлари, тушунча ва калитли сўзлари қуйидаги жадвал шаклида тушунчалар методи орқали тарқатилади.

№	Тушунчалар	Ўзингизни фикрингиз (қисқа)	Нимани билиб олдим
9.	Демократияни қандай тушунаси?		
10.	Демкоратиянинг умумэтироф этилган тамойиллари нималар?		
11.	Сизнингча демократиянинг қандай назариялари мавжуд?		
12.	Демократиянинг XX асрдаги тараққиёти ҳақида нимани биласиз?		
13.	Инсон ҳуқуқлари ва демократия ўртасидаги боғлиқлик нималардан иборат?		

"Тушунчалар " методидан фойдаланиш босқичларини амалга ошириш бўйича кўрсатма.

Демократия тушунчаси бугунги кунда энг куп ишлатилаётган ва кўпчилик учун умумий тарзда таниш бўлганлиги учун мавзунини ёритишда "Тушунчалар" методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. "Тушунчалар " методидан фойдаланишда дарс жараёнида қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун талабаларга мавзу эълон қилинади.

Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

1. Талабаларга мавзу ва унинг режаси эълон қилинади;
2. Ушбу мавзу бўйича талабаларнинг билиши лозим бўлган тушунчалар, калитли сўзлар, юқорида қайд этилган жадвал шаклида тарқатилади.
3. Улардан ушбу мавзу бўйича ўзларининг тушунчалари, билмлари аниқланади ва жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб чиқишади бунинг учун уларга 10 минут вақт ажратилади;
4. Кейинги босқичда эса, талабалар ўзлари ёзиб чиққан тушунчаларга изоҳларини ўқиб беришади.
5. Ушбу мавзу бўйича тарқатма материаллар берилади, дарс жараёни талабаларнинг берган изоҳларини тўлдирилган ҳолда, батафсил тушунтирилади.

6. Бу босқичда “талабаларга билиб олдим” деб номланган устунга ўзларининг тушунчаларга берган изоҳини ёзиш учун вақт берилади.

Ўқитувчи талабаларнинг берган изоҳларига қараб уларни баҳолаб боради.

Шунингдек, ушбу мавзунини ўқитувчи ўзининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда дастлаб мавзунини батафсил тушунтириб, талабалар билан умумий мулоқотни ўрнатиш ва уларнинг бу мавзунини қандай тушунганликларини билиш мақсадида ФСМУ технологиясидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи “Демократия давлат бошқарувининг энг маъқул шаклидир” мавзусини талабалар муҳокамасига қўяди.

2. 4 ёки 5 нафар талабадан иборат гуруҳ тузади ва уларга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи чизилган қоғозлар тарқатилади:

Гуруҳ талабалари умумий тартибда тарқатилган қоғоздаги ФСМУ-нинг 4 босқичини ҳам ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

Гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди (ҳеч қандай изоҳсиз). Лекин баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

Ўқитувчи талабаларнинг келтирилган мисоллари ва умумлаштирилган фикрларига қараб дарс якунида баҳолаб қўяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
6. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: “Ўзбекистон” 2005 й.
10. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
11. Каримов И.А. «Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007 й.
13. Азизхўжаев А. А. Демократия - халқ ҳокимияти демакдир. - Т., “Ёзувчи”, 1996.
14. Даль Р. О демократии. М., 2000.
15. Лейпхарт А. Демократия в многосоставных обществах: сравнительное исследование. М., 1997. С. 60-88.
16. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Тараққиётнинг “ўзбек модели”. Жамият ва бошқарув. 1998. 1-сон.
17. Пугачев В. Л., Соловьев А. И. Введение в политологию. М., 1999.
18. Ильин М. В., Мельвиль А. Ю., Федеров Ю. Е. Демократия ва демократизация. Полис. 1996. № 5.
19. Даймонд Л. Прошла ли “третья волна” демократизации Полис, 1999, № 1.
20. Мельвиль А. Ю. Демократические транзиты. Теоретико-методологические и прикладные аспекты. - М.: 1999.

21. Эргашев И., ва бошқалар. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
22. Мухаев Р. Т. Основы политологии. М., 1996

**Демократия тушунчасининг
манбаи ва мазмуни**

Демократия бугунги кунда энг кўп ишлатиладиган сиёсий атамалардан бири бўлиб, турли давр ва жамиятлари кишилари бу атамага мурожаат қилиб келганлар. Айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб жаҳонда демократиялашув жараёнининг кенг тарқала бошлаши демократия тушунчасини янада долзарб аҳамият касб эттирди.

Демократия юнонча сўз бўлиб, «demos» - халқ ва «croatos» - ҳокимият демакдир. Демократия давлат бошқарув шаклларида бири бўлиб, давлат ва жамиятни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан идора этиш усулидир. Демократия давлатни халқ томонидан идора этиши бўлиб, олий ҳокимият сайловлар натижасида шаклланган вакиллар орқали бошқарилади.

Шу жиҳатдан олганда демократия жараёни мураккаб сиёсий ходиса бўлиб, у асосан ваколатли ва бевосита демократия орқали амалга оширилади.

1.Вакиллик демократияси - демократиянинг муҳим жиҳатларидан бўлиб давлат бошқарувида, жамоат ишларида фуқароларнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёрқин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ вакилидир. Вакиллик демократияси амал қилиши натижасида фуқароларнинг аксарият кўпчилиги давлат ва жамиятни бошқаришда, уларнинг фаолиятида кенг иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Бевосита демократия - демократиянинг яна бир жиҳатларидан бўлиб, у ҳар бир фуқароларнинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита - яъни шахсан иштирок этишидир. Бевосита демократиянинг кўринишларига сайловда овоз бериш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш, қонун лойиҳалари ва бошқа тadbирларнинг муҳокамаси, референдум (умумхалқ овози), фуқаролар йиғини ишларида ҳамда давлат органларига таклифлар киритишда иштирок этиш ва бошқалар киради.

Лекин айтиб ўтиш керакки, демократиянинг қадимги Грециядагидек (Афина) Афина фуқароларининг давлат ва жамият ҳаётига оид бўлган масалаларида бевосита иштироки бугунги кунда яққол намоён бўладиган ҳолатларини учратиш мушкул ва бунинг иложи ҳам йўқ.

Сиёсатшунослик фанидан демократия турлича талқин этилади. Унга кўра демократия: (1) давлат бошқаруви ва қурилиши шакли; ижтимоий ҳаётнинг фаолиятни ташкил қилиш тамойили; (2) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, уларнинг бошқарувдаги иштирокини таъминлашда эришилган даража; (3) энг муҳим

масалаларни сайловлар йўли билан ҳал қилиш; (4) ҳокимият фаолиятини фуқаролар томонидан назорат қилиниши; (5) ҳокимиятлар ишидаги ошкоралик; (6) қонун устуворлиги каби тушунчаларни билдириши мумкин.

Ибтидоий жамоа тузумида қадимги ҳарбий – қабилавий босқичларида ўзига хос демократик бошқарув шакли мавжуд бўлган. Қадимги Юнонистонда демократия бошқарувнинг бошқа усуллари (тирания, деспотизм, олигархия, аристократия кабилар) билан ўзаро ўрин алмашиб турган. Қадимги Римда эса Республикача демократия бир неча асрлар мобайнида амал қилиб келган ва кейинчалик империя типигаги монархия бошқаруви тизимига ўз ўрнини бўшатиб берган эди. Ўрта асрлар мобайнида ҳам баъзи – баъзида демократик типдаги шаҳар ва давлатлар вужудга келиб турган ва у ерда халқ йиғинлари жамият ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнаган. (Масалан, Голландия, Венеция, Лукка, Женева, Генуя ва ҳ.к.). Ватанимиз тарихидан яхши маълумки, *Амир Темур* (1336-1405) тузган марказлашган давлатда ҳам демократиянинг кўплаб унсурлари (қонунлар устуворлиги ва ижтимоий адолат, турли динларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, энг йирик масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзига хос йиғин – қурултойининг чақириб турилиши кабилар)ни кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, оддий фуқароларнинг ўз ҳаётларига тегишли бўлган қарорларни қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ғояси турли тарихий даврларда кишиларни қизиқтириб келган. Бироқ бу орзу фақат эр. ав. V – IV асрларда нисбатан рўёбга чиққан эди. Ўша даврда афиналиклар ўз жамиятлари сиёсатини ишлаб чиқиш ва қонунлар қабул қилишдаги овоз беришларда ва мулоқотларда эркин қатнашар эдилар. Улар, шунингдек ротация асосида маъмурий кенгашларга ва судларга аъзо бўлиб кирар ва шу тариқа сиёсий бошқарувда иштирок этар эдилар. Бироқ Афина демократияси примитив характерда ва «бевосита демократия» бўлганлиги билан замонавий демократиядан тубдан фарқ қилади. Афина демократиясининг камчиликларидан яна бири шунда эдики, унда фуқаролик нисбий маъно касб этган хотин – қизларга, қулларга ҳамда хорижий мамлакатлардан келган кишиларга фуқаролик берилмаган. Аксинча, фуқаролик жамиятнинг саралаб олинган аъзоларига берилган ва ана шу қатлам манфаатлари учун хизмат қилган эди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароликнинг берилиши бўйича юқоридаги каби чекловлар нафақат Афина демократияси даврида, балки ундан кейин ҳам ҳатто XX асрнинг ўрталарига қадар ғарб парламент тизимларида ишлаб чиқилган аксарият ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган эди. Масалан, 1789-1794 йиллардаги Буюк француз инқилобининг маҳсули бўлган тамойил – «барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва сиёсий ҳокимиятнинг халқ томонидан амалга оширилиши» ижтимоий қатламларнинг ҳаммасига тегишли эмас эди. Бошқа бир мисол: демократиянинг илк икки ўчоғи ҳисобланган АҚШ ва

Францияда хотин – қизлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига фақат XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб эришдилар.

Юқорилардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, демократия XX асрнинг маҳсули эмас, балки инсониятнинг тарихий тараққиёти мобайнида узлуксиз давом этган ва қатор ўзгаришларни бошидан кечирган мураккаб жараёндир.

Демократия бўйича олиб борилган тадқиқотлар хилма – хиллиги ва кенг қамровли эканлиги билан ажралиб туради. Бу тадқиқотлар демократиянинг эволюцион тарихини ва унинг асосий универсал хусусиятларини очиб беради.

Бироқ шу ўринда айтиб ўтиш керакки, демократия узоқ даврлардан буён шаклланиб келаётган жараён бўлиб, унинг барча давлат ва халқлар учун бутунлай амал қилиниши ягона бўлган модели йўқ. Давлатлар демократиянинг умумэътироф этилган тамойилларини инкор этмаган ҳолда жамият миллий менталитети ва қадриятлари ҳамда шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўз демократиясини шакллантиради. Демократиянинг умумэътироф этилган тамойиллари қуйидагилар: • халқнинг эркин хоҳиш-иродаси;

- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсунishi;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;
- ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар-халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа ҳушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади.”⁹.

Демак демократия луғавий маъносидан келиб чиққан ҳолда оғиздагина халқ сиёсий ҳокимият – манфаати деб эътироф этилган жойида эмас, балки, фуқароларга у ёки бу даражада ҳокимиятда ва уни назорат этишда уюшган ҳолда қатнашувини таъминлаш мақсадида сиёсий институтлар тизими, қоидалар, тузилмалар ва муассасалар ташкил этилган жойда бошланади.

Барча демократик жамиятда давлат ҳокимиятининг олий ваколатли органлари сайлов йўли билан ташкил этилиб, унга

⁹ I.A. Karimov. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik sharlari va taraqqiyot kafolatlari. T: “O‘zbekiston” 2003. 164 b.

мамлакатнинг сайлов ёшдаги аҳолисининг ҳаммаси ёки кўпчилиги қатнашиш ҳуқуқи таъминланади.

Демократия тушунчасининг манбаи ва мазмуни XX асрда демократия тўғрисидаги қарашлар тубдан ўзгарди. Бу даврга келиб замонавий демократия фақат давлат ёки ҳукумат доираси билан чекланиб қолмасдан, барча турдаги катта-ю кичик жамоалардаги қарорлар қабул қилиш жараёнига ҳам таалуқли бўлиб қолди. Давлат доирасидаги демократия билан ижтимоий институтлардаги демократия ўртасида кескин фарқланишлар юзага келди. Бироқ давлатнинг ўзи кўп сонли жамоалардан таркиб топганлиги сабабли давлат миқёсидаги демократия ўз устивор аҳамиятини сақлаб қолди.

XX асрда аксарият сиёсатшунос олимлар демократиянинг салбий жиҳатларидан кўра унинг ижобий жиҳатлари кўплиги учун ундан барча жамиятлар амалиётида фойдаланиш мумкин, деган хулосага келдилар ва демократиянинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтдилар.

Фуқаролар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш демократиянинг асосий мақсадидир.

Барча ҳукуматлар ичида оддий халқнинг талабларига мувофиқ келувчиси-демократик ҳукумат ҳисобланади.

Демократия кенг омманинг сиёсий ҳаётдаги кенг иштирокини таъминлайди. Ўз навбатида сиёсий доиралар унинг ташвиш ва интилишлари билан ҳисоблашишга мажбурдирлар.

Демократия жамиятда очиқ мулоқот, ишонч ва келишувни таъминлайди. У нафақат асосий, балки асосий бўлмаган сиёсий масалалар юзасидан ҳам билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни ифодалаш учун қулай замин яратади. Ҳурфикрлиликка (плюрализм) кенг йўл очилади.

Демократия инсонинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди. Зеро, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларсиз очиқ мулоқот ва турли қарашларни эркин ифодалаш мумкин эмас.

Демократия ижтимоий ҳаётини янгилаб туриш имконини беради. Сиёсий саҳнада ва сиёсий раҳбариятда доимий ўзгаришларни таъминлаган ҳолда демократик тизимлар жамиятни янгилаш ва авлодлар алмашинувини тинч ва осойишта йўллар билан йўлга қўяди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврдаги қарашлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, уларни таснифлаш жуда мушкул. Чунки тадқиқотлар демократиянинг турли масалаларини қамраб олади. Масалан, АҚШнинг Гарвард Университети профессори, машҳур сиёсатшунос олим С. Хантингтон фикрича, демократия мураккаб тарихга эга бўлиб, у барқарор ривожланмаган, балки ана шу тарихи мобайнида турлича қийинчиликларни бошдан кечирган. С. Хантингтон демократия бошдан кечирган уч тарихий ёки «узун тўлқинни» ажратиб кўрсатади:

Биринчи тўлқин XIX аср бошида АҚШнинг эркак жинсига мансуб аҳолиси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлгандан сўнг бошланиб, ўтган асрнинг то 20-йилларнинг бошларигача давом этди. Бу давр мобайнида демократия 29 мамлакатда қарор топди. Биринчи тўлқиннинг заифлашуви ва орқага чекиниши 1922 йилда Италияда ҳокимият Мусоллини қўлига ўтиши билан бошланди ва 1942 йил, яъни демократик жамиятлар сони 12 тага тушгунча давом этди.

Иккинчи тўлқин Иккинчи Жаҳон урушида Иттифоқчилар қозонган ғалабадан туртки олиб, 1962 йил, яъни демократик давлатлар сони 36 тага етгунча давом этди. 1962 йилдан 70-йилларнинг ўрталаригача давом этган давр иккинчи тўлқин орқага чекиниши даври бўлди. Бунинг оқибатида демократик мамлакатлар сони яна 30 тагача пасайди.

Учинчи тўлқин 1974 йилда бошланиб, яна 30 га яқин демократик тузумларни юзага чиқарди. Учинчи тўлқин ҳатто Африканинг айрим қисмларида содир бўлган инқилобий ўзгаришларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам демократик мамлакатлар сонини икки бараварга оширди.

Демократиялашув жараёнини шу мазкур концепция нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг камчиликлардан ҳоли эмаслини кўришимиз мумкин. Чунки унда учинчи тўлқин ўз равнақига эришдими ва унинг худди биринчи ва иккинчи тўлқинлар сингари орқага чекиниш хавфи борми, каби саволлар жавобсиз қолган. Демократиялашув жараёнининг учинчи тўлқини талаблари демократиянинг ягона моделини инкор этди. Чунки ҳар бир суверен давлат демократик жамият қуриш сари интилар экан, аввало, ўз қадриятларига, миллий менталитетига суянади, истиқбол учун режалар шулардан келиб чиқиб тузилади, мақсадлар эса ўша халқ манфаатларини ифода этади. Бу масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчи томондан, демократия умумэтироф этилган қонун-қоидаларни ва тамойиллари рад этилмасдан, балки уни мустаҳкамлаш жараёнида кўзатилмоқда. Президентимиз И.Каримов ҳам мамлакатимизда эркин демократик давлат қуриш ҳақида сўз юритар экан, мазкур ғоя миллатнинг ҳақиқий анъаналари ва эътиқодидан сув ичишига алоҳида урғу беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бирор жойда пайдо бўлган қонуниятларни иккинчи жойда шундайлигича тўлиқ ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди. Унинг самарали томонларини ўрганиш, камчиликларидан хулоса чиқариб, ўша халқнинг тарихий, маданий қадриятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиш зарур. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда кучли ахборот қуролига эга бўлган мамлакатлар ўз демократиясини қандай қилиб бўлса-да, манфаат зоналарида ўрнатишга интилаяпти. Натижада "Демократия экспорти", "демократия транзити", каби ибораралар ҳам кўп ишлатила бошлади. Демократиялашув жараёнига бундай муносабат энди мустақиллигини мустаҳкамлаб демократик ислохотларни чуқурлаштириб бораётган мамлакатлар ички ишларига аралашиш мамлакатдаги турли

соҳалардаги беқарорликларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга Қирғизистондаги, Украинадаги, Грузиядаги воқеалар яққол мисоб бўла олади.

Кўриниб турибдики, мазкур концепция нисбий характерга эга бўлиб, уни муқаррар эмаслигини сиёсатшунос олимнинг ўзи ҳам тан олади.

Демократия ва Шарқ Миллий онгда туб элементлар мавжудки, улар ҳар бир халқнинг руҳи, менталитети, табиатини белгилайди ва хусусан, шу халқнинг сиёсий тизимини ҳам белгилайди. Шу туфайли ҳар бир халқ ўзи билган сиёсий ташкилотларни танлайди.

Демократияни амалга оширишда юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро миқёсда тан олинган тамойилларининг кифоя қилмайди. Фақат шунинг ўзи аҳолининг барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳийоламини қамраб ололмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз турмуш тарзи ва тафаккури, тарихий анъаналари, ҳаётга бўлган муносабати ва бошқа жиҳатлари мавжудки, демократик жараёнларда албатта буни ҳисобга олиш зарур бўлади. Президентимиз: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиаи натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёвойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»¹⁰, деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

Демократик жараёнларни четдан кўр-кўрона кўчириш эса, юқорида таъкидлаб ўтган миллий маънавий негзлар ёки бўлмаса ўзга халқлар учун хизмат қилган айрим қадриятларнинг бутунлай бошқа жамиятга мос эмаслигидан келиб ҳолда бутунлай жамият беқарорлигига олиб келган ҳолларига тарихий мисоллар ҳам мавжуддир. Шу жиҳатдан олганда айрим Ғарб мамлакатларида бир жинсли никоҳнинг ёки жинсни алмаштиришнинг қонуний йўлга қўйилганлиги ҳамда буни инсон ҳуқуқлари борасида яна бир босқичга кўтарилганлигини таъкидлаши Шарқ жамиятлари учун бутунлай ёд ва бегона эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунинг учун ҳам Шарқ демократиялашув борасида ҳам ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндашади. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона нусха кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва ҳатарли оқибатларга олиб келиши мумкин¹¹, деган эди

¹⁰ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон» 1996 й. 3 т. 9 бет.

¹¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон» 1996 й. 3 т. 10 бет

юртбошимиз Ислом Каримов. Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Бунинг аччиқ натижаларини 1991-1996 йилларда Тожикистон мисолида кўриш мумкин.

Замонавий демократия тарихига назар солсак, демократик институтлар қарор топиш жараёни бир неча асрларни ўз ичига олган. Агар АҚШда либерал - демократик институтларга асосланган республика тузуми XVIII асрда ўрнатилган бўлса, Францияда XIX аср охиридагина шаклланиб бўлди. Италия ва Германияга келсак, бу ерда демократия иккинчи жаҳон урушидан кейингина батамом қарор топди, Юнонистон, Португалия ва Испанияда эса - бу жараён 70 - йилларнинг ўрталарига тўғри келади.

Ғарбда демократия индивиднинг гуруҳ ёки жамоадан устунлиги ғоясига асосланади. Бу ерда индивидуал эркинликлар ва ҳуқуқлар масаласи энг долзарб масала, Шарқда эса, кўпинча гуруҳ, жамоа манфаати ва ҳуқуқлари устун қўйилади.

Ҳар бир халқ менталитети ва жамият заминида муайян шароитларда бозор муносабатлари ва сиёсий демократик қадриятларини ўзлаштиришга тайёр элементлар мавжуд. Бу фикрлар Осий-Тинч океани минтақаси мамлакатларидаги демократик тараққиёт хусусиятларини кузатиш натижасида айтишимиз мумкин. Ушбу мамлакатларда жамоа фаолияти қадриятларга кўпроқ боғлиқлиги кўзга ташланади. Ғарб демократик моделидаги индивидларни жамият ва давлат таъсиридан ҳимоя қилишга уринишлардан фарқи улароқ, Шарқ демократиясида “шахсни ўз - ўзини чеклаши”, уни жиловлаш, уни жамият ва давлат манфаатлари тизимига уйғун киришини таъминлаш вазифасини қўяди. Бу ерда анъана ва замонавийликнинг ўзига хос синтезига эришиш масаласи ётади. Модернизация жараёни ижтимоий-маданий ва сиёсий-маданий соҳалардаги энг муҳим анъаналарни сақлаган ҳолда амалга оширилган. Бу ерда бурч, келишув, жамоага содиқлик, шахс манфаатларининг гуруҳ манфаатларига бўйсунishi каби қадриятлар сақланган. Зиддиятларни ҳал қилишда патернализм руҳидаги норасмий механизмлар қўлланади, ёш-жинсдаги фарқлар ва ижтимоий ва касбий фарқлардаги тенгсизлик сақланади ва бундай ўзига хосликлар жуда кўп.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, демократияни мутлақо индивидуал эркинликка боғлаш тўғри фикр эмас. худди шунингдек, бугунги кунда ислом маданияти мусулмон давлатларда демократик тартиботларни ўрнатишда энг катта тўсиқ деб ҳисоблаш ҳам хатодир. Туркия, Миср, Марокаш, Малайзия каби давлатларнинг ижобий мисоллари мавжуд. Исломда фитна - бирликни емириш хавфи ва умма - жамоа ролини таъкидлаш билан бирга бидоат - янгилашиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Жамият замини, халқ менталитетида демократия қадриятлари, қоидалар, шартларини қабул қилиш ва қайта ишлаб чиқариш учун тайёр элементлар мавжуд бўлиши керак. Япония ва бошқа давлатлар

тажрибаси кўрсатишича, бу ерда модернизация жараёни авторитар тартиботлар шароитида борган. Бу ердаги иқтисодий ўсишни кучли марказлашган давлат таъминлаган. Давлат бозор иқтисодиёти муносабатлари ва қадриятларини қарор топтирувчи катализатор вазифасини ўтаган. Бу ерда бозор ва давлат иштироки ўртасида зарурий мувозанат, нисбат топилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкитлаш жоизки, Ғарб давлатларида бўладими ёки Шарқ давлатларида бўладими, демократияни “Эркинлик”, “Фуқаролик”, “Халқ суверентети”, “Миллий суверентети”, “Миллий давлат” каби тамойиллари борки, улар жамиятни ташкил этувчи озод ва эркин фуқароларнинг иродаси, манфаатлари, эҳтиёжларини рўёбга чиқишида жуда катта аҳамият касб этиб қолаверади.

Таянч сўз ва иборалар

Демократия, замонавий демократия, мумтоз либерализм демократияси, плюралистик демократия, репрезентатив демократия, партиципаторлик демократияси, шарқона демократия.

Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Сиёсий тизимнинг қайси тури барқарорроқ, ҳаётийроқ ҳисобланади?
2. Ҳар қандай монархияни - тоталитар, ҳар қандай республикани - демократик тартиботга асосланади, деб айта оламизми?
3. Демократияни моделлаштириш асосий принциплари нимага асосланади.
4. Демократия моделларининг ўз-ара фарқи нималардан иборат?

Мустақил иш учун мавзулар

- 1. Шарқ демократияси ва ўзига хос хусусиятлари.*
- 2. Демократиянинг умумэтироф этилган тамойиллари.*
- 3. Демократия тараққиёти.*
- 4. Мумтоз либерал демократия модели.*

5-мавзу. Сиёсий етакчи ва унинг функциялари
Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Сиёсий етакчи ва унинг функциялари	
Мақсад ва вазифалар	Талабаларга сиёсий етакчи тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти, сиёсий еткачининг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни, тарихий жараёнлар ва унда сиёсий етакчиларнинг фаолияти, сиёсий етакчиларнинг фаолят турлари, бугунги кунда сиёсий етакчиларнинг ўрни ҳақида ҳамда жамият тараққиёт босқичи ва иккинчи бир тузумга ўтиш жараёнида сиёсий етакчи зарурати ҳақида шунингдек, сиёсий таълимотлар ва қарашларда сиёсий етакчи тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий етакчи (етакчи)нинг сиёсий институтлар ва жараёнларда тутган ўрни борасида илмий назарий жиҳатдан билимлар бериш.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Сиёсий етакчи тушунчаси. 2. Сиёсий етакчига ва раҳбарга хос сифатлар. 3. Ислом Каримовнинг сиёсий етакчи сифатидаги фаолияти	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Сиёсий етакчи ҳақидаги умумий тушунчаларни очиқ бериш жараёни	
Ўқув жараёнини очиқ бериш технологияси	Методи: Тушунчалар методи Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан, дарсга ижодий ёндошишга эришади	Талаба Мавзунини тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш кўникмаси ҳосил қилинади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқларни ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Талабаларга ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган кўрсаткичлари, тушунча ва калитли сўзлари қуйидаги жадвал шаклида тушунчалар методи орқали тарқатилади.

№	Тушунчалар	Ўзингизнинг фикрингиз (қисқа)	Нимани билиб олдим
1.	Сиёсий етакчи деганда нимани тушунаси?		
2.	Сиёсий етакчилиكنинг қандай турларини биласиз?		
3.	Автократ етакчи деганда нимани тушунаси?		
4.	Демократ етакчи деганда нимани тушунаси?		
5.	Сиёсий етакчининг шахсий фазилятлари деганда нимани тушунаси?		

Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

1. Талабаларга мавзу ва унинг режаси эълон қилинади;
2. Ушбу мавзу бўйича талабаларнинг билиши лозим бўлган тушунчалар, калитли сўзлар, юқорида қайд этилган жадвал шаклида тарқатилади.
3. Улардан ушбу мавзу бўйича ўзларининг тушунчалари, билмлари аниқланади ва жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб чиқишади бунинг учун уларга 10 минут вақт ажратилади;
4. Кейинги босқичда эса, талабалар ўзлари ёзиб чиққан тушунчаларга изоҳларини ўқиб беришади.
5. Ушбу мавзу бўйича тарқатма материаллар берилади, дарс жараёни талабаларнинг берган изоҳларини тўлдирилган ҳолда, батафсил тушунтирилади.
6. Бу босқичда “талабаларга билиб олдим” деб номланган устунга ўзларининг тушунчаларга берган изоҳини ёзиш учун вақт берилади.

Ўқитувчи талабаларнинг берган изоҳларига қараб уларни баҳолаб боради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. Т.: «Ўзбекистон», 1997й.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
8. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т.: «Ўзбекистон», 2001 й.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й.
14. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: “Ўзбекистон” 2004й
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: “Ўзбекистон” 2005 й.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
17. Каримов И.А. «Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007 й.
19. Отамуратов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
20. Эргашев И., ва бошқалар. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.

21. Базарбаев Б. Феномен политического лидерства. Т., “Ўзбекистон”, 1993.
22. Блондел Ж. Политическое лидерство. Москва. 1992.
23. Слизовский Д.Е. Политическое лидерство: методологические проблемы исторической интерпретации // Вестник Российского университета дружбы народов. - Сер.: Политология. - 2003. - № 4 - С. 20-33.
24. Жўраев Н. Агар огоҳ сен...”. Портретга чизгилар. Т., “Шарқ”, 1998.
25. Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов - Янги Ўзбекистон Президенти. Т., “Ўзбекистон”. 1996.
26. Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политологию. Учебник для Вузов. - М., “Аспект пресс”, 1999.
27. В. Д. Перевалов. Политология. Учебник для вузов. М.: Издательство НОРМА, 2001 г.
28. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т., “Халқ мероси”, 1993.

**Сиёсий
тушунчаси**

Сиёсий етакчи-жамиятнинг (гуруҳнинг, ташкилотнинг) обрўли аъзоси бўлиб, ўз шахсий таъсири билан сиёсий жараёнларда ва вазиятларда ўзининг фазилати хулқ атвори ва салоҳияти билан муҳим роль ўйнайди.

Сиёсий етакчиликка бир қатор шарқ ва ғарб алломалари ўз фикрларини баён этган. Абу Наср Фаробий асарларида “Фозиллар шаҳри”ни бошқарувчисининг шахсий фазилатларини, алоҳида таъкидлаган ҳолда жамиятни фозиллика бошловчи асосий шахс сифатида қарайди. Н. Макиавилли қарашларида эса сиёсий етакчи ва унинг фазилатлари борасида ўзгача фикри кузатишимиз мумкин. Замонавий сиёсатшуносликда эса сиёсий етакчиликка доир бир қанча ёндашувлар мавжуддир.

1. Етакчи – бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўналтирилган бўлади.

2. Етакчилик – бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

3. Сиёсий етакчилик – бу сиёсат бозорида амалга ошириладиган махсус тадбиркорлик шаклидир. Бундай рақобатчилик қуршовида томонлар ижтимоий вазифаларни ечиш бўйича дастурлар билан алмашинади¹².

Сиёсий етакчи – сиёсий жараёнлар билан бирга бутун жамият, сиёсий ҳаёти ёки ҳаракатни ҳам бошқаради, воқеаларнинг бориши ва сиёсий жараёнларни йўналтиради. Сиёсий етакчилар жамиятдаги сиёсий жараёнларни жонлантирадилар ва жамиятнинг тарихий ривожланишини белгиловчи дастурлар, ғояларни илгари сурадилар.

Ўз қўл остидагиларига бўлган муносабатига кўра авторитар ва демократик етакчиларга бўлинади.

Авторитар етакчилик – танҳо йўналтирилган таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, куч ишлатишни назарда тутаяди.

Демократик етакчилик – раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилот барча аъзоларининг фикрлари, манфаатларини ҳисобга олишда, уларнинг бошқаришда иштирок этишни ифодаляйди.

Етакчилик кўламига кўра: а) умумдавлат етакчиси, б) муайян синф етакчиси в) ижтимоий гуруҳлар, қатламлар етакчиларига бўлинади.

Етакчилик услубига кўра:

а) Байроқбардор етакчи

б) Хизматчи етакчи

¹² Рамазонов И., Мўминов Э. Политология. Т.: «Адолат», 1997, 162-173 б.

- в) Тижоратчи етакчи
- г) Ўт ўчирувчи етакчи
- д) Актёр етакчи (демагог)

Ўз авторитетининг ижтимоий моҳиятига кўра а) анъанавий етакчи б) бюрократик етакчи в) харизматик етакчиларга бўлинади.

Сиёсий етакчига кучли ирода, юксак маънавий фазилят, ёқимлилиқ, қатъиятлилиқ қобилияти, нотиқлик санъати зарур хусусиятлардан ҳисобланади.

Ижтимоий психология ва сиёсатшуносликда сиёсий етакчи ҳақида қатор назариялар мавжуд:

1. Хусусиятлар назарияси. (“ харизматик назария ”- немис тилидан олинган булиб, “ яхши шароит “ деган маънони билдиради). Бу назария етакчининг туғма сифатларига асосланади .Бу назарияга биноан етакчини унинг сифат, ҳислатларига асосланиб танлаш мумкин. 1940 йилда Америка социологлари етакчини аниқлаш учун 79 сифат, ҳислатлардан ташкил топган тестни яратди. Етакчининг сифатларига у инициативлик, муомалалиқ, ҳазилкашлиқ ҳисси, энтузиазм, ўзига ишониш, инсондўстлик қабиларни киритди. Лекин етакчи танлашда фақат сифат, ҳислатлар ёрдам бермаслиги кейинчалиқ Р.Стогдилл ва Г.Отеннингс изланишларида аниқланди.

2. Хусусиятлар назарияси ўрнига “етакчининг ситуатив назарияси ” вужудга келди. (Ж.Пиаже, Е. Хартли).

Бу назария аввалги назарияни бутунлай инкор этмадига унинг муаян қисмига етакчи ситуациянинг натижаси ҳақидаги таълимотни қўшди. Бунда етакчини танлаш учун уни гуруҳ томонидан сайланиб кўрсатилиши зарур.

Тарихда тасодифий етакчилар бўлмади, ҳар бир етакчи ўз даврининг, тарихий вазиятларининг маҳсули. А. Македонский, Оливер Кромвель, Чингизхон, А. Темур, Ж. Мангубердилар ҳам ўз даврининг етакчилари эди. Аммо бир-биридан фарқ қилади.

Сиёсий етакчига қўйиладиган талаб инқирозли ва барқарор ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади. Шўро даврининг инқироzi Б.Ельцин, В.Путин, И.А.Каримов, Н.Назарбоев каби етакчиларни илгари суради. Улар эски тоталитар тузумни емириш ва демократик жамиятни барпо этиш сари халқни етакладилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, вазият ва сиёсий жараёнлар сиёсий етакчи учун муҳим аҳамият касб этади. Лекин сиёсий жараёнларни тўғри баҳолай олиш, унда ўзининг аниқ позициясини белгилаш нўқтаи назардан сиёсий етакчига хос хусусиятлар ҳам муҳим ҳисобланади. Бунга XX асрнинг 90-йилларида энди мустақилликка эришган собиқ иттифоқдош давлатлари етакчиларининг барчаси ҳам сиёсий етакчи даражасига ета олмаганлигида кўришимиз ҳам мумкин.

Аввалги икки йўналиш учинчи - етакчининг тизимли назариясини келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу назариянинг кўрсатмасига кўра, етакчилиқ бу гуруҳдаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш

жараёнидир. Етакчи эса - бу жараённи бошқарадиган субъект ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан етакчилик бу гуруҳнинг функцияси ҳисобланади. Шунинг учун фаолиятини гуруҳ мақсади ва вазифалари нуқтаи назаридан бошлаш керак. Айни шу вақтда етакчи шахси тузилишини ҳам ўрганишни эсдан чиқармаслик лозим.

Ҳозирги вақтда россиялик тадқиқотчи Р.Л.Кричевскийнинг етакчини танлаш бўйича қадриятлар алмашиши механизми назарияси диққатни ўзига жалб этади. Ижтимоий психологияда бу механизмлар О. Хомакс, Д.Тибо, К. Келли томонидан кўриб чиқилган. Бунда етакчилик феноменини изоҳлаб бериш учун қадриятлар алмашиши ғояси ишлатилган. Бу тадқиқот гуруҳ аъзоларининг қадриятлар характеристикасини ўз ичига олади. Масалан, шахснинг қадриятга эга бўлган сифатларини. Бу назариянинг хулосасига кўра, гуруҳ аъзоларининг қадриятлари етакчини танлашда, унинг авторитет, имиджга алмаштирилади. Бу жараёнда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз қадриятларини етакчи қадриятлари билан мужассамлаштиради, етакчи шахсий сифатларида мотивациясига, интилишларида имконият топади. Шундай қилиб, гуруҳ қадриятларига кўпроқ тўғри келадиган шахс сифатлари, ҳислатлари, билим ва малакалари уни етакчи сифатида гуруҳ томонидан сайлашга имкон яратади. Шунинг учун бу типдаги етакчилар кучли таъсир этиш имкониятига эгадирлар.

Умуий қилиб олганда сиёсий етакчиларга қуйидаги характер хусусиятларига эга эканлиги жоздир:

А) кенг ижтимоий қатламлар манфаатларига мос келувчи аниқ сиёсий дастурининг мавжудлиги;

Б) омма ўртасидаги обрў-эътибори (авторитети)нинг юқорилиги, кишиларга ёқиш маҳорати;

В) сиёсий ирода, маъсулият ҳиссини ўз зиммасига олиши;

Г) ўткир ақл ва сиёсий интуиция;

д) Ташкилотчилик қобилияти ва нотиқлик маҳорати.

Етакчининг мумтоз, деб ҳисоблаш мумкин бўлган уч турини М. Вебернинг “Сиёсат - ҳам майл, ҳам касб сифатида” мақоласида берган легитимликнинг уч турига асосланади:

Анъанавий етакчи. Етакчининг бу турлари анъаналар, маросимлар, одат кучи каби механизмларга таянади. Итоат қилиш одати анъаналарнинг муқаддаслигига ва ҳокимиятнинг мерос тариқасида ўтишига асосланган. Етакчининг бу тури дохийлар, оқсоқоллар, шоҳлар бошқаруви учун хосдир.

Харизматик етакчи. Ҳукмдор - етакчининг қудратига халқнинг чексиз ишончига асосланади.

Рационал-ошкора етакчи. Етакчини сайлашнинг тартиби, унга муайян ҳокимлик ваколатларининг оқиллиги, қонунийлиги тўғрисидаги тасаввурларга асосланади.

Америкалик политолог Роберт Такер сиёсий етакчининг уч турини ажратиб кўрсатган:

Консерваторлар. Жамиятни шу ҳолатида сақлаб қолишга қаратилган фаолият олиб борилади.

Реформаторлар. Ҳокимият таркибини кенг қамровли ислохотлар воситасида тубдан ўзгартиришга интилади.

Инқилобчилар. Одатда қурол кучи билан бошқа ижтимоий тузумга тез, сакраш орқали ўтишни режалаштиради.

Сиёсий етакчининг гуруҳлар билан ўзаро муносабати Сиёсий етакчи фаолияти ўзининг ижодкорлиги, бўлиб ўтаётган барча жараёнларни тўғри баҳолай олиши, амалий йўналганлиги билан

ажралиб туради. Шунинг учун етакчи ҳар томонлама чуқур касбий билим ва малакаларга эга бўлмоғи даркор. Агарда бу билимлар паст даражада бўлса, у ўз фаолиятини бугунги давр талабларини қондирадиган даражада бажара олмайди ва унинг тез орада рейтинги кескин даражада пастлаб кетади.

Янги типдаги сиёсий раҳбар, етакчи демократик ҳатти - ҳаракатларни ўзи учун тамойил этиб олиши, чуқур мутахассислик ва махсус билимларга эга бўлмоғи даркор. У ўз фаолиятида ижтимоий ва сиёсий талаб, эҳтиёжларни жорий этишга ҳам қобилиятли бўлиши лозим. Унинг раҳбарликка тайёргарлиги жаҳон андозаларига, рақобатбардошликка жавоб бера олиши зарур.

Инсон муайян гуруҳ, жамоанинг аъзоси бўлиб онгли равишда энг билимдон, виждонли, ор - номусли, ташкилотчилик ва бошқарувга мойил, ростгуй, ташаббускор, масъулиятли, меҳнатсевар, ишбилармон ва рақобатбардош шахсни аввал билиб, ҳар томонлама тушуниб раҳбар, етакчи деб тан олади. Шу вақтдан бошлаб у ўз мақсади, вазифалари, орзу ниятларини етакчи мақсади ва вазифалари билан мустаҳкам боғлайди. Етакчи умумий мақсад учун, уни ҳаётга татбиқ этиш учун бутун кучи, вужуди билан ҳаракат қилади ва етакчига ҳар томонлама ёрдам беради.

Етакчи гуруҳ ва жамоани жамият ривожланиши йўналиши билан ҳамоҳанг ўсиши учун ҳаракат қилади ва бу мақсадга эришиш учун бор кучи, қувватини сарфлайди. Бу жараён етакчи, раҳбарни сайлаш тайёргарлигига муайян талаблар қўяди. Сайловчиларнинг етакчи сайлашга ҳар томонлама тайёргалиги ҳақиқий етакчини вужудга келишига сабаб бўлади.

Айрим гуруҳ аъзолари гуруҳ олдида турган вазифаларни ҳал этишда ўз қобилиятларини намоён этадилар ва бу қобилиятлар гуруҳ томонидан қабул этилади. Шу билан етакчи бошқа гуруҳ аъзоларига таъсирга эга бўлиб, ўз имиджига эга бўла бошлайди.

Етакчи фаолиятига энг кўп таъсир этувчи психик жараёни бу унинг тафаккур этиш қобилиятидир. Етакчиликка тегишли бўлган тафаккурнинг бир хусусияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалар ҳақидаги идрок, тасаввурлар сўзлар ёрдамида пайдо бўлади. Бу жараёнда абстракциялаш хусусияти ишга тушиб, инсонни янгиликлар

яратишига сабаб бўлади. Бу психологик қонуниятга асосланган бошқарув фаолияти илмий асосланган, амалий аҳамиятга эга ва самарали бўлади.

Етакчиликда энг зарур бўлган психик жараёнлардан бири диққатдир. Диққат бу инсон онгини бирон бир нарса ходисага қаратилишидир. Машхур педагог-психолог Ян Амос Каменский диққатни ёруғлик билан тенглаштиради. Унинг айтишича, диққат рухий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган ахборотнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради.

Унинг диққати ҳамма вақт асосий мақсадга қаратилган бўлиб, шу билан бирга у ўз диққатини бутун фаолиятдаги тизимнинг ҳар бир бўлимларига қарата олиши ва ҳамма ўзгаришлардан хабардор бўлиб туриши лозим. Бу ҳолатда етакчига янги техник воситалар (телеахборот, телефон алоқаси, факс, компьютер хизмати ва бошқалар) ёрдам берадилар.

Юзага келган муаммоларга диққатнинг қаратилиши, ўрганиладиган суҳбат маънодорлигини аввалроқ кўриб чиқилиши, мажлисидан олдин кўриб чиқиладиган саволларни текшириши, етакчи диққатлилигини, эътиборлигини талаб этади.

Психологик таъсир бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир. Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади:

1. Вербал таъсир бу жараён давомида етакчи сўзи ва нутқи орқали таъсир ўтказади. Нутқ бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар ҳисобланади. Етакчи ўзининг ҳам монологик, ҳам диалогик нутқида сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, ишчиларга таъсир кўрсатишга ҳаракат этади.

2. Паралингвистик таъсир - бу уни нутқининг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи омилдир. Етакчи нутқининг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляцияси, товушлари, тўхташлари, дудуқланиши, йўтали, нидолари бу воситаларни мохирона ишлата билиши тингловчининг ички дунёсини, онги, тафаккури, ҳиссий туйғуларини қадриятлар билан бойитишини таъминлайди, улар меҳнатсеварлигини оширади, уларни рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширади.

3. Новербал таъсир (нутқсиз таъсир). Бунга суҳбатдошларнинг бир - бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ), мимика, понтомимика, қарашлар, бир - бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфалар киради. Етакчи томонидан бу воситаларнинг барчасини ишлатилиши мулоқот жараёнини янада кучайтиради, суҳбатда бўлганларнинг бир - бирини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Америкалик олим Меграбяннинг тадқиқотларига кўра биринчи маротаба бўлган суҳбатда таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган

гаплар 7%, паралингвистик омиллар 38%, новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан.

Етакчининг сайловчилар билан суҳбат олиб боришини самарадорлигини ошириш учун америкалик олим, нотиқ, психолог Дейл Карнеги сўзларини эсда тутиши лозим. Бу сўзлар: “ Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир “Немис файласуфи А.Шопенгауэрнинг айтишича “одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг”.

Етакчи ва сайловчилар ўртасидаги мулоқот кўп қиррали ва мураккаб жараёндир. Жараёнларда мулоқотнинг бир неча шакллари мавжуд. Шулардан энг асосий, учрайдиганлари қуйидагилар:

1. Авторитар йўналишдаги мулоқот. Бу жараёнда етакчининг роли, моҳияти ниҳоятда кучайтирилган бўлади. Ҳамма муаммоларни у ўзи якка ечишга ҳаракат қилади. Бошқалар фикри уни қизиқтирмайди. У жуда талабчан, бу эса ҳамкасбларнинг мустақиллиги ва ижодий ёндашувига халал беради. Авторитар таъсир натижасида етакчи ишчини доим кўрқитади, унга нисбатан дағал муносабатда бўлади. Бу типдаги етакчи ҳеч қачон тушунтириш ва ишонтириш воситаларидан фойдаланмайди.

2. Либерал таъсир услублари. Бу типдаги етакчи ҳамкасбларнинг иши билан қизиқмайди. Ишчилар қандай хоҳласа шундай ишлайди. Ташкилотчи - либерал ишчиларнинг маъсулиятини сусайтиради ҳамда иш тартибини бўшатиб юборади, натижада маҳсулот сифати ва самараси зарар кўради.

3. Демократик мулоқот. Бу жараёнда ташкилотчи асосий муаммоларни ечишда ҳамкасбларни бор кучи, ақли, идроки ва иродасини ишга солади. У қарор қабул қилишда ҳам бошқалар фикрини, маслаҳатини ишлатади. Бу типдаги бошқарувда ўзаро ҳурмат -иззат, мустақил фикрлаш, мақсадга эришиш учун бир ёқадан ёндошиш, бир - бирига ёрдам, танқид ва ўз - ўзини танқид ҳукмрон бўлади. Демократик етакчилик услуги мустақиллик талабларига тўла жавоб бера олади. У бутун жамоанинг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг иштирок этишни таъминлайди. Бунда энг муҳим қарорлар жамоавий ҳолатда қабул қилинади. Жамоавий муҳокама қилиш ва мувофиқлаштириш шаклларида, жамоавий текширув услубидан кенг фойдаланилади. Иш услубида етакчининг ўз қўл остида ишловчи ходимлар билан ўзаро муносабати, инсонлар билан ишлаш лаёқати муҳим роль ўйнайди. Унинг ҳурмати, обрўси, раҳбарлигининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан унинг ўз ходимлари билан қандай муносабатларда бўлишига, ўзини қандай тутишига, кўрсатмаларни қандай формада беришига боғлиқ.

Ислом Каримовнинг сиёсий етакчи сифатидаги фаолияти

Дунёда ҳар қандай етакчининг номи ҳам ўз мамлакати тимсолига айланавермайди. Бу — фақат ноёб

шахсларнинг ўша давр жараёнларини тўри баҳолай олиши ҳамда тўғри қарорлар қабул қилиши каби муҳим хусусиятларга боғлиқдир. Мустақил Ўзбекистон учун XX аср охири ва XXI аср бошида Ислом Каримов ҳақли равишда ўз мамлакатининг сиёсий етакчисига айланди.

Ўзбекистон тарихан ғоят қисқа фурсатда миллий ривожланишнинг қатор ҳал қилувчи босқичларини бошдан кечирди. Ҳар бир босқични демократия ва тараққиёт сари янги қадам бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Айни пайтда, ҳар бир босқич — бу янги муаммолар, демакки, уларни бартараф этиш билан боғлиқ янги вазифалар сиёсий етакчи сифатида давлат раҳбаридан ўта оқила сиёсатни талаб этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ортга қайтмас тус олиши, барча янгиланишларнинг ташаббускори ва амалга оширувчиси Президент Ислом Каримов бўлди. Унинг юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни ривожлантириш назарияси бутун дунёда тан олинди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эга бўлиб, халқнинг миллий тарихий турмуш тарзидан, тафаккур йўсинидан, дунёқарашидан, анъана ва урф-одатларидан, кўпконфессияли республиканинг ўзига хос хусусиятларидан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, жаҳон миқёсида эътироф этилган Йўлбошчиси сиймосида миллий тараққиёт йўлини излади. Демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос ва ўзига мос моделини ишлаб чиқди. «Янги уй қурмасдан туриб эскисини бузманг» деган тамойил асосида барқарор ривожланиш йўлига тадрижий тарзда ўтиш тараққиётининг ўзбек модели асосини ташкил этди. Машҳур беш тамойил Ўзбекистон жамияти ривожининг назарий ва амалий асосига айланди. Тараққиёт истиқболининг аниқ концептуал стратегиясини ишлаб чиқишда И. Каримов сохта обрў, сиёсий ҳаёлпарастлик каби ўзини оқламаган амалий ҳаракатлардан бутунлай воз кечди.

Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар онги ва тафаккурида ўзгариш яшаш асосида Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини ишлаб чиқди:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ватанпарварлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

Президент Ислом Каримовнинг давлатчилик борасидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда турли даврларда фаолият кўрсатган арбоблар гавдаланади. Хусусан, яқин ўтмишимизда Ер юзининг турли минтақаларида миллий-озодлик ҳаракатларига бошчилик қилган, ўз ватанини мустамлакачилик исканжасидан озод этиб, миллий давлатчилигига асос солган инсонлар диққатимизни тортади. Ана шу жихатдан қараганда, миллий

давлатчилик барпо этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тарихида кечган оламшумул жараёнларга қиёслаш мумкин.

Машхур давлат арбоби **Жорж Вашингтон** Шимолий Америкадаги инглиз колониялари мустақиллиги учун уруш бошланганда фаол қатнашган, уларга қўмондонлик қилиб, саркардалик истеъдодини ёрқин намоён этган, Америка Кўшма Штатлари давлатининг асосчиси ҳамда унинг биринчи Президенти сифатида тарихда қолган сиймодир.

Индонезиянинг давлат ва жамоат арбоби **Аҳмад Сукарно** мамлакат озодлиги учун беқиёс курашчи сифатида жаҳон жамоатчилиги диққатини тортган. 1945 йил 17 августда Индонезия Республика деб эълон қилинган, у мамлакатнинг биринчи Президенти қилиб сайланди. Мустамлакачиликка қарши кураш, миллий бирлик ва мамлакат тараққиётининг турли босқичлари тўғрисида қатор асарлар ёзган.

Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби, ҳинд миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири Жавоҳар-лаъл Неру мамлакат мустақиллиги учун толмас курашчи сифатида майдонга чиқди. У билан елкама-елка туриб, ҳинд истиқлоли учун фаол курашчи бўлган Маҳатма Ганди жаҳон озодлик ҳаракатида ўзига хос мактаб яратди. М. Ганди ва Ж. Неру инглиз мустамлакачиларига қарши курашда, ҳинд давлатчилигини тиклашда беқиёс азму ши-жоат кўрсатдилар. Улар ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга, табақачиликни (кастачиликни) барҳам топтиришда қаттиқ курашдилар.

Цейлон озодлик ҳаракатининг раҳбари ва миллий давлат қурилишининг кўзга кўринган арбоби **Саломон Бан-Даранайке** жаҳон давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Миср Республикаси миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилган Жамол Абдул Носирнинг сиёсий фаолияти ана шу минтақа давлатчилигининг янги даврига асос солиниши билан боғлиқ.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳали СССР таркибида турган пайтдаёқ миллий озодлик учун бошлаган ҳаракати, мустақилликка эришиш, мустақилликни таъминлаш ва ниҳоят, миллий давлатчиликни тиклаш борасидаги фаолияти юқорида тилга олинган, оламга машхур давлат ва сиёсат арбобларининг фаолиятини эслатади. Бу эса Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон давлатчилиги қурилиши тажрибасини бойитаётганлиги, унга янги мазмун, янги шакл бераётганидан далолатдир. Зеро, Ўзбекистондаги ислохотларга дунёнинг энг илғор давлатчилик тажрибалари ва демократик тамойилларига мос келадиган, айти пайтда ниҳоятда миллий, тағ заминли давлат қурилатганлигини хорижий атоқли сиёсатдонлар тан олмоқда ва юқори баҳоламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатчилик фақат миллий асосда қурилгандагина туб халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб барпо этилган тақдирдагина яшовчан бўлади. Айти пайтда у миллий равнақ учун кенг имкониятлар яратади. Чунки, ҳар бир халқ ўзининг бой ўтмишини, тарихини, анъаналарини ва

хуллас ўзлигини бевосита давлат тимсолида кўриши керак. Бу ўзини билган, ўзини таниган халқучун жуда катта маънавий-руҳий эҳтиёж ҳисобланади. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари, жамият тафаккурини ўзгартириш ҳамма вақт кучли зиддиятлар, тўқнашувлар, қарама-қаршиликлар, ва тушунмовчиликларга олиб келган. И. Каримовнинг сиёсий етакчи сифтида Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ислохотларини тадрижийлик асосида ва халқимиз менталилети ва урф одатлари, қадриятлари, анъаналарини инобатга олган ҳолда амалга ошириши ғояси натижаси ўлароқ мамлакатбарқарорлиги ва турли соҳалардаги натижаларининг асоси бўлди. Айнан бу борада йўл қўйилган камчиликлар оқибатида қўшни Тожикистон ва Қирғизистондаги жараёнлар бунинг яққол далилиди.

Янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар бўлиб ўгади. Таассуфки, ҳаётда кўпинча янгиликдан кўра эскилик, яхшиликдан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик яшовчан бўлади. Айни пайтда Ўзбекистон худди ана шундай жараённи бошдан кечирмоқда. Ислом Каримов эса ислохотлар самараларини бевосита янгилик билан эскилик ўртасидаги жарликни тўлдириш, яъни энг аввало аста-секинлик билан бўлса-да, одамлар онги ва дунёқарашида бурилиш яшаш, шу асосда янгича яшаш афзалликларини кўрсатиш йўлини тутди.

Мамлакатимизда демократик соҳадаги ислохотларнинг бир йўналиши сиёсий соҳани эркинлаштириш аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни назарда тутар эди. Ислом Каримов бу вазифани жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантиришдан иборат, деб билди. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, таркибий ва ташкилий ислохотларни чуқурлаштириш кейинги йилларда қонуний равишда бош мавзуга айланди. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда, жумладан, халқимиз 2004 йилнинг охиридан бошлаб доимий фаолият юритадиган икки палатали профессионал парламент ташкил этилишини қўллабқувватлади.

Ўзбекистон етакчисининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотида инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш назарияси ва амалиёти алоҳида ўринтутади. Бу туб ислохотлар ва жамиятни янгилаш жараёнининг бутун кўламини қамраб олган бош стратегик мақсад бўлгани учун қонуний тарзда давлат ва жамият қурилишининг ҳал қилувчи марказий вазифасига айланмоқда. Шу жиҳатдан, сиёсий назариянинг барча ғоялари, барча янгиликлари бевосита ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ўзбекистон раҳбарининг тинчликпарвар фаолияти минтақа давлатлари ўртасидаги аниқ ҳамкорлик доирасида яққол намоён бўлди. Жумладан, Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотининг Душанбе ва Остонадаги саммитида қуролсизланиш, марказий ҳокимиятни

мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда миллий армияни шакллантириш масалаларида Афғонистонга ёрдам беришга катта эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари нафақат назарий қарашлари, айтиш пайтда, аниқ амалий ишлари билан ҳам ўзининг тинчликпарвар, дунёда хавфсизлик ва барқарорлик учун умумэътироф этилган курашчи имиджини яратди. Ўзбекистон ўз Президентининг теран ғояларига асосланиб, ислохотлар ва янгиланишларнинг танланган йўлидан чекинмай, «Биз дунёда, албатта, муносиб ўрнимизни эгаллаймиз», деган сўзларни ҳаётга жорий қилиб, олдига қўйган мақсадлар сари интиломоқда.

Замонавий президентлик ҳокимияти институтининг ташкил этилиши Ислом Каримовнинг изчил демократик ўзгаришларни амалга оширишга, мавжуд тизимни тубдан ўзгартиришга киришгани билан изоҳланади. Пировард мақсад мустақил давлат қуриш ва мустаҳкамлаш, унинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сифатидаги конституциявий мақомини белгилашдан иборат эди. Ислом Каримов янги конституциявий тизим томонидан белгиланган доирада иш олиб борди. Президент бутун ҳокимиятни онгли равишда ўз қўлида тутиб турар экан, агар давлат раҳбари ва ҳукумат бошлиғи сифатида, ўтиш даври шароитида, бошқарув тизгинини қўлга олмаса, бундай вазиятда давлат бош ислохотчи бўлмаса, жамиятда сиёсий бошбошдоқлик, талотўплар ва беқарорлик пайдо бўлиши мумкинлигини яхши тасаввур қилар эди.

Ана шундай вазмин ва кейинчалик ўзини оқлаган бошқарув усули жамиятни турли сиёсий инқирозлардан, беқарорликдан ҳалос қилди. Ислом Каримовнинг сиёсий масалага айланган мустақил, баъзида кескин принципиал позицияси жамиятни «инқилобий» портлашлардан, қон тўкилишлардан асради ва амалиётчи сифатидаги фазилатлари туфайли шунча нарсага, яъни буюк халқнинг етакчиси, мустақил Ўзбекистон асосчиси бўлишга эришди, миллатлараро низолар оловининг аланга олишига йўл қўймади, республикани фуқаролар урушидан сақлаб қолди, ўтиш даврининг даҳшатли тўфон ва суронларидан соғ-омон олиб чиқди. Ўта мураккаб вазиятларда бир маромдаги ҳаётни йўлга қўйди, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи давлатлардан бирига айлантирди.

Ислом Каримов халқнинг ўзлигини англаб етиши, ўзлигини топишининг негизини ташкил этган “Ўзбек модели”нинг назарий ва амалий асосланган концепциясини ишлаб чиқишда демократия масаласига диалектик ёндашиш ҳамда шўро давридан кейинги давлат ва жамиятнинг бир шаклдан иккинчисига ўтиши билан боғлиқ ўта мураккаб жараёнларга изчиллик нуқтаи назаридан қараш тамойилларидан келиб чиқди. Ўзбекистонда мустабид тузум асоратларидан демократик қадриятлар сари бориш жараёни трансформация йўли билан кечмоқда, яъни демократлаштириш

ташаббуси, аввало, ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, ўша томонидан амалга оширилмоқда.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик дунёвий давлат барпо этиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистон олдида турган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, республика раҳбари мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви қонуниятларини ўз вақтида аниқ тасаввур қилди. «Ўзбек модели» глобаллашув жараёнларига самарали мослашиши ва ўз тараққиётида жамият қурилишида янги сифат босқичига ўтиш учун ҳал қилувчи асос бўлиб хизмат қиладиган янгича интилишга рағбат олиши керак.

Давлатимиз раҳбари ўтган вақт давомида дунёнинг кўпгина нотинч минтақаларида, жумладан, Афғонистон ҳудудида илдиз отган диний ақидапарастлик ва терроризм хавфидан жаҳон жамоатчилигини биринчилардан бўлиб мунтазам огоҳ этиб келди. 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48сессиясида, 1995 йил 2 мартда Копенгагендаги халқаро конференцияда, 1995 йил 15 сентябрда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Тошкент семинаркенгашида, 1995 йил 24 октябрда БМТнинг 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишда, 1999 йил 18 ноябрда ЕХХТнинг Истанбул саммитида, 2000 йили БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик саммитида ва бошқа нуфузли анжуманлардаги чиқишларида Ўзбекистон раҳбари Афғонистоннинг даҳшатли вайронкорлик кучига эга халқаро терроризм ўчоғига айланиб қолганидан дунё жамоатчилигини тинимсиз огоҳлантирди ва бу балоқазонинг олдини олишга чақирди. Боз устига, у ялпи хавфсизликка таҳдид солувчи бу ҳатарнинг олдини олиш бўйича кўплаб амалий чораларни таклиф қилди, биринчи галда халқаро терроризмга қарши курашда барча давлатларни бирлашишга даъват этди. Айнан ушбу ғоянинг амалий натижаси улароқ 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида террорчиликка қарши кураш кўмитасининг ташкил этилиши билан амалда ўз ифодасини топди. Афғонистон минтақа ва халқаро хавфсизлигига энг катта хавфлардан бири эканлигини таъкидлаб, узоқ йилладан буён ушбу масала юзидан И. Каримов томонидан илгари сурилиб келаётган 6+2 дастурини 6+3 (+НАТО. Ушбу ташаббуси И. Каримовнинг 2008 йил 3-4 апрел кунлари НАТОнинг Бухаристдаги самитида илгари сурилди) дастури тарзда амалга оширишга жаҳон жамоатчилигини ундамоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Сиёсий етакчи, сиёсий етакчи турлари, анъанавий етакчи, харизматик етакчи, рационал – ошкора етакчи, сиёсий етакчи, консерватор, реформатор, инқилобчи, сиёсий етакчи ривожланишининг янги тенденциялари.

Мустақил иш учун саволлар.

1. Жамият бошқарувида сиёсий етакчининг ўрни.
2. Президент И.А. Каримовнинг сиёсий етакчи сифатидаги фаолияти.
3. Сиёсий етакчи турлари.
4. Сиёсий етакчини тарбиялаш.

Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Маърузадан олган маълумотларингиз асосида бирорта сиёсий етакчининг сиёсий қиёфасини таҳлил қилиб беринг. Танлаган қаҳрамонингизнинг белгилари, сиёсий дастурлари, фаолиятига эътибор беринг.

2. Ўзингизни сиёсий етакчи, деб тасаввур қилинг. Ўз дастурингиз Сизни қўллаб-қувватловчи ижтимоий қатламлар тўғрисида маълумот беринг.

4-мавзу. Сиёсий ҳокимият ва кўппартиявийлик
Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Сиёсий ҳокимият ва кўппартиявийлик	
Мақсад ва вазифалар	Талабаларнинг «Ҳокимият», «Сиёсий ҳокимият», «Давлат ҳокимияти» тушунчаси ўзаро муносабати, умумий ва фарқли жиҳатлари. Сиёсий ҳокимият субъектлари: Фуқаро, давлат ва нодавлат институтлари, сиёсий-ижтимоий ташкилотлар, сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар уларнинг ўзаро муносабатлари, уларни идора этиш ёки таъсир доирасига эга бўлиш имкониятлари. «Ҳокимият»га эга бўлиш омиллари: шахсий сифатлар, ҳуқ-атвор нормалари, ижтимоий-сиёсий фазилатлар, сиёсий обрў, легитимлик, «Ҳокимият»га эга бўлишнинг ошкора, расмий ва яширин кўринишлари, кўппартиявийлик ва димократик давлат учун зарур хусусиятлари борасида илмий билимларини бойитиш.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 6. «Ҳокимият», «Сиёсий ҳокимият», «Давлат ҳокимияти» тушунчаси ўзаро муносабати, умумий ва фарқли жиҳатлари. 7. Ҳокимиятнинг тузилиши ва кўринишлари. 8. Сиёсий партия тушунчаси ва партиялар классификацияси ва партиявий тизим. 9. Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг шаклланиш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар.	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Сиёсий ҳокимият ва кўппартиявийлик ҳақидаги умумий тушунчаларни очиб бериш жараёни	
Ўқув жараёнини очиб бериш технологияси	Методи: Тушунчалар методи Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан, дарсга	Талаба Мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш кўникмаси ҳосил қилинади

	иждодий ёндошишга эришади	ва мустақил ишлашга тегишли топшириклари ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Талабаларга ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган кўрсаткичлари, тушунча ва калитли сўзлари қуйидаги жадвал шаклида тушунчалар методи орқали тарқатилади.

№	Тушунчалар	Ўзингизнинг фикрингиз (қисқа)	Нимани билиб олдим
1.	Ҳокимият нима?		
2.	Сиёсий ҳокимият нима?		
3.	Давлат ҳокимияти нима?		
4.	Ҳокимиятнинг қандай турларини биласиз?		
5.	Сиёсий партия нима?		
6.	Партиялар классификацияси нима?		
7.	Партиявий тизим нима?		
8.	Ўзбекистонда кўппартиявийлиги борасида нималарни биласиз		

Бу жараён қуйидаги босқичда амалга оширилади:

1. табаларга мавзу ва унинг режаси эълон қилинади;
2. Ушбу мавзу бўйича талабаларнинг билиши лозим бўлган тушунчалар, калитли сўзлар, юқорида қайд этилган жадвал шаклида тарқатилади.
3. Улардан ушбу мавзу бўйича ўзларининг тушунчалари, билмлари аниқланади ва жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб чиқишади бунинг учун уларга 10 минут вақт ажратилади;
4. Кейинги босқичда эса, талабалар ўзлари ёзиб чиққан тушунчаларга изоҳларини ўқиб беришади.
5. Ушбу мавзу бўйича тарқатма материаллар берилади, дарс жараёни талабаларнинг берган изоҳларини тўлдирилган ҳолда, батафсил тушунтирилади.
6. Бу босқичда “талабаларга билиб олдим” деб номланган устунга ўзларининг тушунчаларга берган изоҳини ёзиш учун вақт берилади. Ўқитувчи талабаларнинг берган изоҳларига қараб уларни баҳолаб боради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
Т.: «Ўзбекистон», 2008 й.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
3. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
4. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
5. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: «Ўзбекистон» 2004й
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: «Ўзбекистон» 2005 й.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: «Ўзбекистон» 2006 й.
8. Каримов И.А. «Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: «Ўзбекистон». 2007 й.
9. Мухаев Р. Т. Сиёсатшунослик. - М.: «Приор», 1997.
10. Парсонс Т. Система современных обществ. - М.: 1998.
11. Пугачев В. И., А. И. Соловьев. Введение в политологию. Учебник для ВУЗов. - М.: «Аспект пресс», 1999.
12. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.; «Халқ мероси», 1993.
13. Отамуродов С., Эргашев И., Акрамов Ш. Қодиров А., Сиёсатшунослик. - Т., «Ўзбекистон», 1999.
14. Энциклопедический словарь. -М., 1993.
15. Мальцев В. Основы политологии (учебник для вузов; издание 4-е, доработанное) Издательство – ИТРК. М. 2002
16. Соловьёв А.И. Политология. Политическая теория. Политические технологии. – М.: Аспект – Пресс, 2001.
17. М. Қирғизбоев Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мавқуралар ва маданиятлар. Т: Шарқ. 1998 й
18. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999.
19. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001.

**«Ҳокимият», «Сиёсий ҳокимият»,
«Давлат ҳокимияти» тушунчалари
уларнинг ўзаро муносабати, умумий
ва фарқли жиҳатлари.**

Ҳокимият тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлган мураккаб тушунча бўлиб, унинг қўлланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари,

турли ҳолат ва шароитларда турлича ўзига хос маъно ва мазмунга эга бўлади. Масалан, “Сиёсий ҳокимият”, “Иқтисодий ҳокимият”, “Давлат ҳокимияти”, “Суд ҳокимияти”, “Илоҳий ҳокимият” ва бошқалар қаби тушунчаларда “Ҳокимият” тушунчаси турли хил маъноларни англатади.

“Ҳокимият” тушунчасининг асл моҳияти нуқтаи назардан гап юритадиган бўлсак, ушбу мавзуда “ҳокимият” тушунчасининг фақат сиёсий моҳияти жиҳатдан таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Демак, Сиёсий ҳокимият - бу сиёсат субъектларнинг сиёсатни ифодалайдиган турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида амалга ошириш фаолиятининг ўзига хос шаклидир.

Сиёсий ҳокимият сиёсат орқали намоён бўлади, сиёсат эса ҳокимият орқали ишлаб чиқилади ва амалга оширалади. Ҳозирги мураккаб ижтимоий жараёнлар сиёсий ҳокимият фаолиятини давр талаби нуқтаи назардан янгиламасдан тўғридан-тўғри ва оқилона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин эмас.

“Сиёсий ҳокимият” тушунчаси кенг маъноли ва кўп қирралидир. У қўйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

Биринчидан ҳокимият-бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир.

Иккинчидан ҳокимият-бу кишилар устидан сиёсий ҳукмронликдир.

Учинчидан, ҳокимият-бу маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идоралардир.

Ҳокимият тўғрисидаги юқорида таъкидлаб ўтган қарашлар ҳокимиятни амалга оширишни тушунтиради, аммо унинг моҳиятини очиб бера олмайди.

Ҳокимият-бу одамлар, катта гуруҳларининг ўзаро ижтимоий муносабатлари шакли ҳамда бу муайян ижтимоий гуруҳ, синф, қатлам, шахснинг сиёсатдан ҳуқуқий мезонлар доирасида ўз ҳошиш-иродасини ўткази билиш қобилиятлидир.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шаклларида бири давлат ҳокимиятидир. Давлат сиёсий ҳокимият бўлганлиги учун ҳам унинг фаолияти сиёсий моҳият касб этади.

Давлат ҳокимиятининг сиёсий моҳияти, аввало унинг, сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатларида фаол иштирок этиши билан белгиланади. Чунки давлат мамлакатнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган муаммоларни хал қилишда етикчи куч сифатида фаолият кўрсатади. Давлат ҳокимияти томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати

ишлаб чиқилади, дунёнинг турли мамлакатлари билан сиёсий алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ташкил қилинади ва амалга оширилади, давлат билан сиёсатнинг бошқа субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар олиб борилади.

Сиёсий фаолият фақат давлат томонидан амалга оширилмайди, балки у сиёсий тизимнинг бошқа таркибий элементлари бўлган сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади.

Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шакллари эса ўз иродасини дастурлар, низомлар, қарорлар ва бошқа шулар сингари мажбурий характерга эга бўлмаган ҳужжатлари асосида амалга оширади.

Давлат ҳокимияти алоҳида кўринишдаги ҳокимият бўлиб, бу ҳокимият махсус давлат аппарати орқали амалга оширилади. Давлат ҳокимияти ҳамма учун мажбурий кучга эга бўлиб, бутун давлат ҳудудида амал қилинади. Давлат ҳокимияти аҳолининг барча қисмлари учун мажбурий ҳисобланган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш каби фаолиятда яққол намоён бўлади.

Давлат ҳокимияти - (давлат аппарати) - бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилма асосида бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир. Давлат ҳокимияти - халқ ҳокимиятининг махсус тузилма - давлат орқали амалга оширилади. Ҳокимият фаолияти давлат томонидан амалга оширилганда унинг самарали механизми йўлга қўйилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида ўзининг таъсир чораларини қўллайди. Давлат ҳокимияти ҳаётнинг ҳамма соҳаларига таъсир қилиб турувчи, ижтимоий жараёнларни тартибга солувчи етакчи сиёсий куч ҳисобланади. Сиёсий ҳокимиятнинг бошқа бирон-бир шакли давлат ҳокимияти сингари кенг имкониятга эга эмас.

Давлат ҳокимияти ихтиёрида, армия, милиция, прокуратура, суд сингари давлат фаолиятини амалга оширувчи механизмлар тўпланган бўлиб, давлат уларнинг кучи билан ҳокимиятини амалга оширади. Бироқ давлат ҳокимияти жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказиш ёки жамият ишларини бошқаришни амалга оширишда фақат ана шу зўрлик аппаратларининг кучидан фойдаланмайди. У бундан ташқари жамият ҳаётига иқтисодий, сиёсий, маданий, ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Давлатнинг бу воситалардан қандай фойдаланиши давлат ҳокимиятини амалга оширувчи кучларнинг фаолиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти мажбурлаш, рағбатлантириш, ишонтириш, тарбиялаш усулларида ҳам фойдаланади.

Демак, давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимият ҳисобланса-да, лекин шу билан бирга, у сиёсий ҳокимиятнинг бошқа шаклларида ўзининг кўпгина белги хусусиятларига кўра фарқ қилади. Бунда фақр қилувчи хусусиятлар қуйидагилар:

1. “Давлат ҳокимияти” тушунчаси “сиёсий ҳокимият” тушунчасига нисбатан тор маънога эга. Сиёсий фаолият фақат давлат доирасида ёки фақат давлат томонидан амалга оширилиб қолмай, балки, у сиёсатнинг бошқа субъектлари бўлган сиёсий партиялар, ижтимоий ҳамда оммавий жамоат ташкилотлари томонидан ҳам амалга оширилади.

2. Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятдан ўзининг иш услубига кўра ҳам фарқ қилади. Масалан, агар давлат ҳокимияти ўз мақсадларига эришиш учун мажбур қилиш усуллари ва воситаларидан фойдаланса, сиёсий ҳокимият бундай имкониятларга эга бўлмайди.

3. Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимиятдан фарқ қилиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади.

Лекин, шунга қарамай, сиёсий ҳокимият билан давлат ҳокимият ўртасида кўпгина ўхшаш, умумий томонлар ҳам мавжуд бўлади.

Булар қуйидаги ҳолларда кўриш мумкин:

1. Сиёсий ҳокимият ҳам, давлат ҳокимияти ҳам сиёсий ходисалардир;

2. Ҳар иккаласида ҳам сиёсий аҳамият касб этади;

3. Сиёсий ҳокимиятнинг ҳам давлат ҳокимиятининг ҳам асосини халқ оммаси ташкил этади;

4. Сиёсий ҳокимият ҳам, давлат ҳокимияти ҳам жамият ҳаётида рўй берадиган ўзгаришларга у ёки бу даражада таъсир кўрсаттади.

Бундай умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлар фақат сиёсий ва давлат ҳокимиятларигагина хос бўлиб қолмай, балки, бу хусусият ҳокимиятнинг бошқа шакллариغا ҳам хосдир. Масалан, сиёсий ҳокимият давлат ҳокимиятидан фарқ қилса, у диний ёки илоҳий ҳокимиятидан ҳам шунчалик кўп фарқ қилади. Чунончи агар сиёсий ҳокимиятнинг субъектлари жуда хилма-хил бўлса, илоҳий ҳокимиятнинг субъект битта-диний ташкилот ҳисобланади. Бундан ташқари сиёсий ҳокимият ўзининг тузилиши ва моҳиятига кўра ҳокимиятнинг барча шакллари ифода қилса, диний ҳокимият бундай хусусиятга эга бўлмайди.

Сиёсий ҳокимият ўзининг тузилишига кўра турли хил шаклларда бўлади. Бу эса жамият ҳаётида кўплаб ҳокимиятларнинг ҳаракатда бўилиши билан белгиланади. Бундай ҳокимиятлар ўзларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли мақсад ва вазифаларига кўра бир-бирларидан фарқ қилади.

Сиёсий ҳокимият илоҳий ёки диний ҳокимият шаклида ҳам намоён бўлади. Ҳокимиятнинг бу шакли унинг бошқа шакллариغا қараганда анча илгари шаклланган. Ҳали давлат ҳокимияти вужудга келмаган пайтларда ҳам жамият ҳаётидаги хилма-хил муносабатлар ҳокимиятнинг шу шакли томонидан тартибга солинган ва унинг бевосита амалий фаолият натижасида амалга оширилган.

Фарб уйғониш даври мутафаккирларидан Н. Макиавелли илоҳий ҳокимият камчиликларини очиб беришга ҳаракат қилган ва бундай

ҳокимият жамоани бир мақсадга бирлаштиришга қодир эмас деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, бундай вазифани илоҳийлик хусусиятидан ҳоли бўлган ҳукмдор ҳокимияти амалга оширади. Лекин турли даврларда илоҳий ҳокимиятга қарши ҳаракатлар бўлишига қарамай бу ҳокимият ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бундай ҳолатни дунёнинг кўплаб мамлакатларида учратиш мумкин.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шаклларида яна бир сиёсий партиялар ҳокимиятидир. Бу ҳокимиятнинг жамият ҳаётидаги имкониятлари давлат ҳокимиятини сингари эмас. Сиёсий партиялар ўз ҳокимияти кучидан фойдаланиб, жамият ҳаётига таъсир қиладилар. Бу таъсир улар олиб борадиган сиёсатга ва унинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Сиёсий партия ҳокимияти партия ташкилотининг иродасини ифода этиб, партиянинг маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идоралари ишини ташкил этиш ва уларни бошқаришни амалга оширади. Шу жиҳатдан қараганда, сиёсий партия ҳокимияти билан сиёсий партия ташкилотининг функциялари бир-биридан фарқ қилади. Агар сиёсий партия ташкилотлари ўз аъзоларини тарбиялаш, уларга ғоявий таъсир кўрсатиш сингари вазифаларни бажарса сиёсий партиялар ҳокимияти партия ташкилоти тизимини тартибга солиш уларни бошқариш ва сиёсий раҳбарликни амалга ошириш сингари вазифаларини бажаради.

Давлат – сиёсий ҳокимиятнинг асосий ташкилоти сифатида

Давлат – ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим

роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди¹³.

Давлат жамият сиёсий тизимида марказий ўринни эгаллайди. Негаки, у сиёсий ҳокимиятни ўзига энг кўп мужассамлаштирган сиёсий ташкилот бўлиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ечишнинг кенг имкониятларига ҳам эгадир. Шу туфайли жамият сиёсий тизимини ташкил этувчи бошқа институт ва ташкилотлар ҳам айнан давлат атрофида бирлашадилар. «Давлат» кенг маъноли тушунчадир. Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндашув мавжуд: **ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий.**

Давлат моҳиятини тушунишдаги биринчи ёндашувга кўра, **давлат** – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. Иккинчи ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага

¹³ Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳли луғат. Т.: «Академия» 2001, 27-бет.

келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилган. Учинчи ёндашувнинг асоси кўйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўз ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир¹⁴. Албатта, учала ёндашувда ҳам етарли даражада асослар мавжуд. Юқоридаги ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда давлатни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Давлат – ўз суверенитетга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилотидир.

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурият аппаратига, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилотдир.

Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади. «Ҳокимият», «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари ўзаро жуда яқин бўлиб, бир-бирларини белгилаб беради.

Давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар қуйидагилардан иборат:

1. Теологик назария («бутун ҳокимият худоники» деган қоидага асосланади).

2. Патриархал назария (давлат катталашиб кетган оиладан келиб чиккан).

3. Шартнома назарияси (XVII-XVIII асрларда ёйилган, давлат – оғли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси).

4. Зўрлик назарияси (давлат зўрликдаги ғолибнинг ҳокимияти).

5. Ирригация назарияси (Шарқда улкан ирригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан келиб чиққан).

6. Синфий назария (К.Маркс, Ф.Энгелс, В.И.Ленин – фикрларича давлат иқтисодий сабаблар, ижтимоий меҳнат тақсимооти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиккан).

Давлат тўғрисидаги қарашларни энг қадимги даврлардан учратсак-да, уни ҳозирги маънода тушуниш, яъни жамиятнинг сиёсий ташкилоти тарзида ўрганиш Н.Макиавеллидан бошланган.

Сиёсий партия тушунчаси ва партиялар классификацияси ва

роль ўйнайди. Сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий сиёсий институт сиёсий институт ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар замонавий демократиянинг ажралмас қисми ҳисобланди. Сиёсий партияларнинг шаклланиши узоқ муддат давом этиб, тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида жамиятда ижтимоий-иқтисодий табақаланиш рўй берган ва бунинг оқибатида

¹⁴ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1999, 9–10-бетлар.

манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ифода қилувчи сиёсий партиялар вужудга кела бошлаган.

Жамият тараққиётида инсоният турли туман муаммоларга дуч келдилар. Ана шу муаммолардан айримлар бир ўзи, бошқалар эса фақатгина ўзгалар билан уюшган ҳолда фаолият олиб бордилар. Бу эса ўз навбатида бирор муаммога нисбатан гуруҳларнинг турли ёндашувларни шакллантира бошладилар. Бунинг натижасида ўз қарашлари ва ғоялари бир бирларига яқин бўлган инсонларни маълум бир гуруҳ доирасида бирлашиш имкониятини ва мажбуриятни ошира бошлади. Бу эса ўз ўрнида сиёсий партияларнинг илк ибтидоси сифатида намоён бўла бошлади.

«Партия» сўзининг ўзи латинча «part» - “қисм”, “бўлак” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий синф, табақа, гуруҳларнинг бир қисмини, уларнинг энг илғор фаол қисмини бирлаштирган сиёсий ташкилот маъносини англата бошлади.

Сиёсий партияларга нисбатан бир неча таърифлар мавжуд. Э. Берк партияни қуйидагича таърифлаган эди: «Партия миллий манфаатлар учун ҳамкорлик қилиш мақсадларида уюшган, баъзи-бир принциплар юзасидан бир хил қарашларга эга кишиларнинг ташкилотидир.» Немис тадқиқотчиси В. Хасбах эса партияни қуйидагича тушунган: «Партия бир хил сиёсий қарашлар ва мақсадларга эга бўлган, ўз шахсий манфаатларини қондириш мақсадларида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга интилаётган кишиларнинг иттифоқидир».

М. Вибер партиялар аъзоликка қабул қилишниши ихтиёрийлигига асосланган, ўз олдига фаол аъзоларининг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар олиши учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш ҳамда ўз раҳбарияти учун сиёсий ҳокимиятни эгаллаш мақсадини қўйган жамоат ташкилотларидир»¹⁵.

Сиёсий партия – бу ижтимоий синф ёки гуруҳнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларнинг энг илғор ва энг фаол вакиллари ўз атрофида жипслаштирувчи, ҳамда уларнинг муайян мақсад – манфаатлари, орзу-умидларига эришишлари учун курашадиган ва уларга сиёсий раҳбарлик қилувчи сиёсий ташкилотдир. Сиёсий қабул қилинган фирқалар ҳозирги кунда белгиланганидек, сиёсий уюшишнинг сиёсий ташкилотнинг энг аниқ шаклидир¹⁶.

Умумий олганда сиёсий партия мамлакат ички қонунчилигига зид бўлмаган ғоялар асосида атрофида ихтиёрий равишда кишиларни маълум бир мақсад йўлида бирлаштирувчи ва шу йўлда ҳокимият учун

¹⁵ М. Қирғизбоев Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мавқуралар ва маданиятлар. Т: Шарқ. 1998 й.30-31 б.

кураш олиб борувчи, ўзининг дастури, низоми, таркибий тузилишига эга бўлган сиёсий ташкилотдир.

Сиёсий партиялар халқ ва ҳокимият ўртасида асосий воситачи, “кўприк” вазифасини амалга оширувчи сиёсий институтдир. Сиёсий партия фаолияти давлат ҳокимиятининг амал қилиши, мавжуд сиёсий тузумларга ва уларда амалда бўлган тартибларга, шарт-шароитларга боғлиқдир. Қайси мамлакатда демократик сиёсий партиялар ҳокимияти мустаҳкам бўлса, улар жамият ҳаётида эркин фаолият кўрсатади. Тоталитар сиёсий тузумларда эса сиёсий партиялар ҳокимияти, давлат ҳокимияти томонидан сиқиб қўйилади ва уларнинг кўплари таъқиб остида бўлади. Бу сиёсий тузумларда давлат ҳокимияти билан ҳамкорликда бўлмаган ёки унга қарши партия ҳокимиятлари фаолияти батамом тақиқланади. Партиялик ўзларининг ташкилий тузилиши бошқарув ва раҳбарлик усулларига кўра бир-биридан фарқ қрилади. Масалан: АҚШ демократлар партияси ўз ҳокимиятини штатлардаги партия ташкилотларининг федерацияси сифатида амалга оширилади. Федерация партиянинг миллий комитети бошчилик қилди. Республикачилар партияси эса, ўз ҳокимиятини миллий, шаҳар, округ ва штат партия ташкилотларида ташкил топган перархия тизими орқали амалга оширилади. Республикачилар партияси партия ҳокимиятнинг чекланган шаклидир, чунки унда доимий аъзолар йўқ. Шунга кўра бу партия ўз ҳаракатини турли хилдаги жамоат ташкилотлари фаолияти орқали амалга оширилади ёки Японияда Либерал Демократик партия маъмурий тузулмалар орқали олиб борса, Япония социал-демократик партия эса ўз ҳокимиятини ҳудудий бўлиниши принципларига асосланган ҳолда амалга оширади.

Сиёсий партияларнинг таснифи деганда уларнинг ўз ғояларида акс этган қарашлари ва дастурлари бирор жараёнга ва воқеяликка билдирган фикри назанда тутилади. Демократик мамлакатларда ҳар бир сиёсий партия кенгроқ ижтимоий қатламни қамраб олишга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракат аввало ўз ҳаракат дастурларига мувофиқ сиёсий мақсад ва вазифалари хилма-хил бўлиши ҳамда фаолиятларини турли сиёсий восита ва усуллар билан мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширадилар. Партиялар бир қанча типларга бўлинади. Узоқ вақтлардан буён ўнглар ва сўллар деган икки таснифи алоҳида кўрсатилиб келинади.

Илғор демократик мамлакатлар жамиятида турли сайловчилар гуруҳларининг овоз бериш характери билан ижтимоий-сиёсий мавқейлари ўртасида кучли алоқадорлик мавжуд. Аҳолининг йўқсил қатлами кўпроқ сўл йўналишдаги партияларга, юқори даромадли қатлами эса консерватив ва ўнг йўналишдаги партияларга овоз беришга мойилдир. Ўтган асрнинг 70—80-йилларда бундай фарқланишлар АҚШда ҳам кузатилди. Ғарбий Европада ижтимоий-сиёсий ҳаёт бирмунча мураккаброқ бўлишига қарамасдан, бу ҳудуддаги мамлакатлар ишчилари ва йўқсил қатламлари асосан социал-

демократик ва бошқа сўл партияларга, аҳолининг даромадли қатлами вакиллари эса либерал ва консерватив партияларга ҳайрихоҳдирлар¹⁷.

Шу жиҳатдан олганда ўнг партиялар ўз дастурларида жамиятнинг кўпроқ бойроқ табақалари манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилса, сўл партиялар ўрта ва кам таъминланган қатламлари манфаатини ифода этишга ҳаракат қиладилар. Лекин шу ўринда айтиб ўтиш керакки, социалистик тузумнинг инқироzi туфайли ХХI аср бошларида партияларнинг таснифи борасидаги “девор”нинг юпқалашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Сўнги ўн йилликда узоқ вақтлар ҳукмрон ғоялардан бири бўлиб келган социалистик партиялар ва бошқа сўл кучлар ўзларининг аниқ мақсадларини жамият ва замон талаблари асосида шакллантириш ва айрим классик тамойиллардан воз кечишларига тўғри келиб, ўз дастурларини қайта кўриб чиқишди. Айрим жиҳатлари билан сўлларнинг дастурлари ўнг партиялар дастурларига яқинроқ кўриниш касб этди. Шунинг учун ҳам 90-йиллардан кўпчилик сайловчилар ўнг ва сўл блоklar ўртасидаги фарқнинг йўқолиб бораётганлигини таъкидлашмоқда. Масалан, Францияда 1981 йилнинг март ойида ўказилган сўровларда 33 фоиз киши бу фикрни ёқлаган бўлса, 1991 йили бу кўрсаткич 55 фоизни ташкил этган.¹⁸

Сиёсатшунослик фанининг сиёсий партиялар борасида яна бир муҳим жиҳати партиявий тизим масаласидир. Партиявий тизим тушунчаси, бу — муайян сон ва улчовлар (сайловчилар ҳажми, ички тизимлар турлари ва бошқа масалалар), шунингдек, бир-бири билан ҳамкорлик қила олиш имкониятларига эга бўлган мустақил субъект (партия)лар мажмуасидан иборат сиёсий кенглик демакдир. Ҳозирги даврда партиявий тизимларнинг туртта тури мавжуд: бир партиявийлик, бипартизм, «икки ярим партиявийлик» ва кўппартиявийлик¹⁹.

Айрим адабиётларда бир партиявий, икки партиявий ва кўппартиявий тизимларга бўлинган. Бир партиявий тизим тоталитар авторитар ва тоталитар давлатлар учун хосдир. Бундай режимда ягона партия бутун сиёсий ҳокимиятни ўз тасарруфига олади, шунингдек, у жамиятга ўз тазйиқини ўтказишга интилади.

Икки партиявийлик тизимда ҳокимият учун кўрашиш қобилиятига эга бўлган икки партия фаолият олиб боради. Бипартизм тизими Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва бошқа давлатларда ҳукм суриб келмоқда.

“Икки ярим партиявийлик тизим” узоқ йиллар Германия Федератив Республикасида амал қилиниб келинди, яъни ҳокимият учун

¹⁷ М. Қирғизбоев Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мавкуралар ва маданиятлар. Т: Шарқ. 1998 й.55 б.

¹⁸ қаранг: “SOFRES. L’Etat de l’opinion. Clés pour 1992”. Pari 1992, p. 59; “Le Figaro ”, 14.III. 1991.

¹⁹ М. Қирғизбоев Фуқаролик жамияти: Сиёсий партиялар, мавкуралар ва маданиятлар. Т: Шарқ. 1998 й.47 б.

асосан икки партия (Германия социал-демократик партияси ва Христиан-демократлар иттифоқи) курашиб келди. Уларнинг ғалаба қозониши эса Озод демократик партия (ОДП) билан икки партиядан қайси бири иттифоқ тузушига боғлиқ кечган эди. Лекин сўнги йиллардаги сайловларда бу тажрибанинг истесно ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Кўппартиявийлик эса жамиятда сиёсий ҳокимият учун курашиш қобилиятига эга бўлган партияларнинг сони кўплиги кўппартиявийлик тизимини англатади. Бугунги кунда ўзини демократик давлат деб эълон қилган бир қанча мамлакатларда кўппартиявийлик тизими амал қилиб келмоқда.

Жаҳон демократик тараққиёт тамойиллари ривожини шуни кўрсатиб келмоқдаки, кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик туфайли ўзига хос сиёсий тизим ва кўппартиявийлик тамойилига амал қилиб, уни амалга оширишда дунёвий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқда. Ўзбекистон Республикасида янги жамият қуришнинг ҳозирги босқичида кўппартиявийликнинг фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим омили сифатида сиёсий тизимдан чуқурроқ ҳисоб олишига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Мустақиллик йилларининг сиёсий партиялар фаолияти билан боғлиқ энг муҳим ютуқларидан бири, бир партияли тизимга барҳам берилиб, кўппартияли тизимга ўтилгани бўлди. Кўппартиявийлик омилининг афзаллигини шундаки, сиёсий партиялар мамлакатдаги турли-хил масала, фикр, қараш ва манфаатларни англашда ўзига хос дунёқараш, муносабат тамойиллари билан фарқланадиган ижтимоий гуруҳ қатламларни бирлаштириб, уларга таянган ҳолда мамлакат олдида турган умумий мақсад йўлида мамлакат ҳар бир фуқаросининг хоҳиш-иродасини, ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини ҳимоя қилади. Якка партиялик тизимида эса “партия” тушунчаси ўз моҳиятини йўқотади. Якка партиялик қисм эмас бутун бўлиб, оқибат натижада сиёсий партия гегемон мафкуранинг воситасига айланади.

Жамиятнинг барча ижтимоий-сиёсий жараёнлари ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг бевоқиф фаолиятига таъсир кўрсатади. Жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги жамият манфаатлари ва турли гуруҳ қатламлар ўртасидаги мувозанатини сиёсий партиялар таъминлайди. Сиёсий партиялар аввало жамият аъзоларининг сиёсий қарашларини ифода этувчи ташкилот бўлиб, жамият сиёсий ҳаётидаги ўзгаришларни ва унинг асосида содир бўладиган ижтимоий ҳаракатларни маданий ва маърифий йўналишларда олиб бориш учун уюшган сиёсий институт ҳисобланади. Айни пайтда партиялар фаолияти даражаси жамият аъзоларининг маърифий-маданий салоҳияти ва интилишлари билан ҳам белгиланади.

Бугун сиёсий партиялар жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши аввало, сиёсий мақомини аниқ тасаввур этиши, жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мақсад ва вазифаларига мос амалий фаолият қўсатилиши билан белгиланади. Сиёсий партияларнинг фаолиятларини такомиллаштиришдан асосий мақсад жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини уйғун тарзда таъминлаш ва ҳимоя қилишдир. Сиёсий ва ижтимоий соҳада давлат тизимларида соғлом муқобил куч сифатида адолатни мустаҳкамлаш, қонун устиворлигига амалда эришиш, ҳуқуқий, демократик жамият фуқаролик жамиятини қуришга ҳисса қўшишдан иборат.

Партия жамият ҳаётини демократиялаштиришда ва ҳар бир мамлакат олдида турган вазифаларни белгилашда ва амалга оширишда ўзига хос ўрнига эга бўлади, ҳамда муайян функцияларни бажаради.

Биринчидан: жамоатчилик фикрини шакллантириш,

Иккинчидан: сиёсий фаолиятда иштирок этиш.

Учинчидан: фуқаролар сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Тўртинчидан: сиёсий маданиятни ошириш.

Бешинчидан: парламент ва ҳукумат фаолиятига сиёсий мақсадлари орқали таъсир кўрсатиш.

Олтинчидан, давлат олдида турган мақсадларнинг шаклланиши ва амалга оширишда фаол иштирок этиш.

Партия дастурлари сиёсий-ижтимоий аниқ мақсад ва функцияларга қаратилган бўлиб, улар икки турга бўлинади.

Ички функциясига:

1) жипслаштирувчи, 2) мувофиқлаштирувчи, 3) рағбатлантирувчи, 4) етакчиликка интилиш, 5) ўз мавқеига мослиги. **Ташқи функциясига:** 1) тарғибот ва ташвиқот, 2) маълум сиёсий йўналишга мослаштириш, 3) сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифалар киради. Сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнларини, воқеаларни олдиндан билиб олиш, мавжуд сиёсий жараёнларга, инсонларнинг ҳаётига бевосита даҳлдор бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда халқнинг фаол иштирок этишларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар янги жамият қуришда инсонларнинг олдида турган энг долзарб муаммоларни илгари суришда, уни ҳал этишнинг йўлларини кўрсатишда, давлат ва жамият қурилишида амалий таклифлар билан чиқишда ташаббускор бўлишлари зарур. Шу ўринда сиёсий партиялар фаолият кўлами ва даражасини белгиловчи фаолият бу сиёсий партиялар фракцияларининг парламентдаги фаолияти билан белгиланади.

Жамият сиёсий тизимида муҳим демократик институт ҳисобланган парламент йиғилишларида ўзларининг муқобил таклифлари билан чиқишга шарт-шароит яратиб бераётганлиги, муқобиллик асосида Президент сайлови, кўппартиявийлик тизимининг

жорий этилганлиги жамият сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётининг тобора демократлашиб бораётганлигини, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг Президентлик Республикаси шакли билан бошқаришнинг демократик асослари ўртасида тўла мувофиқлик мавжудлигини кўрсатади. Бу давлат ҳокимиятини бошқаришнинг жамоатчиликка асосланган шарқона демократик кўринишига тўла мувофиқ келади. Шарқда жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқаришда шахснинг муайян партияга, синфга мансублигига қараб эмас, аксинча фозиллик, юсак маърифатлилик, комиллик каби фазилатлари кўпроқ қадрланган ва унга зарур хислатлар сифатида ёндошилган.

Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг шаклланиш ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар

Собиқ СССРда 1988-1990 йилларда ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг интенсив равишда сон жиҳатдан

кўпайиб бориш жараёни пайдо бўлди. Иттифоқ миқёсида бошланган бундай ҳаракатларга ўрта Осиё Республикалари ҳам қўшилдилар. Ўзбекистонда бир қатор халқ ҳаракатлари, партиялар, жамоат ташкилотлари ташкил топди. Жумладан “Бирлик” халқ ҳаракати ва “Эрк” партияси ўзларининг фаолиятида сиёсий нуфуз ва ақл идрок билан сиёсий маданият доирасида иш кўрмадилар. Улар демократияни даҳанки жанглар ибтидоий ҳайқириклардан иборат деб биладилар.

Мамлакатимиз Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилингандан кейин сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар, халқ ҳаракатларининг ҳуқуқий асоси яратилди ва қисқа давр мобайнида кўппартиявийлик тизими шакллари ҳамда давлатни демократик барқарор ривожланиши учун улкан имконият яратилди.

Ўзбекистонда сиёсий муҳолифатнинг бўлиши ва сиёсий жараёнларда эркин, фаол иштирок этиши учун Конституцияда жаҳон меъёрлари даражасида ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, Асосий қомусизмнинг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» деб ёзилган бўлса, 34-моддада: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас»¹ дейилиши фикримизнинг далили ҳисобланади.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топишида Сиёсий партияларнинг такимиллашувида 1996 йил 25 декабрда Олий

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 2008, 11-16-бетлар.

Мажлис томонидан қабул қилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун катта аҳамиятга эга бўлди. қонун 17-моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қонунлар асосида фаолият юритишлари учун етакчи ва илғор мамлакатлар мезонлари талабларидаги ҳуқуқий асослар яратилди. Масалан, қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Ушбу қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, партияга аъзолик, партия фаолиятининг кафолатлари, унинг устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкӣ муносабатларига доир барча ҳуқуқий моқомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топширишнинг кафолатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятни барпо этиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштиришга 2005 йилнинг 28 январдаги Олий Мажлис қўшма палатаси мажлисидадаги маърузаси жамиятга янги демократик руҳ бағишлашнинг дастур-аъмоли бўлиб тарихга кирди. Маърузада эътироф этилишича, жамиятда ҳақий демократиянинг зарур ва қонунӣ белгиси бўлган туб маънодаги кўппартиявийликни шакллантириш учун жамиятимизнинг сиёсий тузумини мутлақо янгилаш асослари яратилди.

Шундай қилиб, ислохотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди, деб хулоса чиқариш мумкин. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкурава фикрларнинг турли-туманлиги асосида қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлайди

Маърузада шунингдек жамиятда демократик ислохотларни жорий этиш кўппартиявийлик тизими такомиллаштириш тўғрисида қатор асосли мулоҳазалар билдирилган. Шунингдек, сиёсий партияларнинг шаклланиш, жараённинг суств кечаётганлиги, уларнинг сиёсий ва иқтисодий дастурлари заифли алоҳида эътироф этилади.

Ҳар қандай, демократик мамлакатда муҳолиф партиялар фаолият кўрсатади ва давлат бошқарув усулларини демократлаштиришда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бешта сиёсий партия, ва битта жамоатчилик ҳаракат фаолият кўрсатмоқда:

1.Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП). 1991 йил 1 ноябрда Тошкент бўлиб ўтган таъсис қурултойида ташкил топган. Ушбу қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинган. ХДП 1991 йил 15 ноябрда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 420 мингдан зиёд аъзоси бўлиб, “Ўзбекистон овози”, “Голос Ўзбекистон”, газеталари ва “Мулоқот” журнаliga эга. Партиянинг 69 кишидан иборат Олий Мажлисида депутатлар фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон Халқ Демократик партияси халқимиз меҳнат аҳли, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий, баркамол бўлишига кенг имкониятлар яратиш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқлари, фуқаролар эркинликларни кафолатлаш, дини, мазҳаби, миллатидан қатъий назар, бориша фуқаролар шаъни, қадри-қиймати, тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш-мазкур партиянинг бош сиёсати, унинг кундалик фаолиятининг муҳим вазифаси, ҳамда Олий дастурий мақсади, деб белгиланган”.

2. “Адолат” социал демократик партияси “Адолат” (СДП). 1995 йил 18 февралда ташкил топган. 1995 йил 18 февралда “Адолат” (СДП) Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 30 мингга ортиқ аъзоси бўлиб, “Адолат” номли ҳафталик газетасига эга. Партиянинг 47 кишидан иборат Олий мажлис депутатлари фракцияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мақсади-мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий демократик тамойилларига асосланган янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришдир”

3. Миллий тикланиш демократик партияси. (МТДП) 1995 йил 3 июнда тузилган. Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 9 июнда рўйхатга олинган 6 мингдан ошiq аъзоси бор. МТДП “Миллий тикланиш” ҳафталик газетасига эга. Партиянинг Олий мажлисда 10 кишилик депутатлар фракцияси иш олиб бормоқда.

Партияни олий мақсади-миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатларини асосий йўналишлари деб қуйидагиларни белгилайди.

- Миллатларнинг маънавий бирлиги;
- Ватан (Туркистон)-ягона оила;
- Кучли демократик давлат;
- Миллий қадриятлар;
- Илмий-техникавий тараққиёт ва умумжаҳоний интеграция;
- Замон кишиси;
- Миллий истиқлол;

4. “Фидокорлар” миллий демократик партияси (ФМДП). Партия 1998 йил декабрь ойида ташкил топган. Газетаси “Фидокор” деб номланади. Бу партиянинг Парламентда 34 кишидан иборат депутатлар фракцияси мавжуд.

2000 йил 14 апрелдан Ватан тараққиёти ва “Фидокорлар” партияси қўшилиб “Фидокорлар” Миллий демократик партия сифатида фаолият кўрсатмоқда. Айти пайтда Партиянинг парламентда 54 депутатдан иборат фракцияси ва фаолият кўрсатмоқда.

Партия ўзининг дастурида мамлакатда долзарб муаммоларни ҳал этишда фидоийлик кўрсатиш вазифасини қўйган. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик одил фуқаролик жамиятини яратишдаги барча ижтимоий, социал-сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этилишида ва

халқимизни маънавиятли, маърифатли қилиб тарбиялашда ҳамда жамиятда ҳалоллик фидокорлик кўрсатишдек улкан вазифани ўз дастуриларига киритганлар”.

5. Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал демократик партияси (ЎзЛиДеП) 2003 йилнинг 15 ноябрида ташкил топган бўлиб, 150 мингдан ортиқ аъзоси бор. Шулардан 41 киши мамлакат парламенти Қонунчилик палатаси депутатидир.

Ушбу партиясининг умумийллий сиёсий ташкилот сифатида, мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Сиёсий партияларнинг олий мақсади мамлакатни ижтимоий-сиёсий барқарорлигини сақлаган ҳолда мавжуд тузумни ҳар тамонлама юқори босқичга кўтариш иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва халқнинг ҳукумат билан бўладиган алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг хоҳиш иродасини амалга ошириш учун хизмат қилишдан иборатдир.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг муқобил (амалий) турларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишда мавжуд сиёсий партиялар кўрсатмалари ҳозирги босқичнинг энг муҳим вазифаларидандир”.³

Шу боисдан Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ўз олдида кўппартиявийликка асосланган демократик жамиятни қуришни асосий мақсад қилиб танлади. Кўппартиявийликнинг шаклланиши ҳам барча соҳаларда бўлгани каби босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилиши устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айниқса, бу борада Президентимиз И.А. Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ва Сенат томонидан маъқулланган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди.

³ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқи Тошкент ҳақиқати, 1996 й. 31 август.

Ушбу қонун давлат ва жамият қурилиши тизими ва бошқарувида, мамлакатни янгилаш ва демократлаштиришда сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини тубдан кенгайтиришга қаратилган бўлиб, сайлов жараёнларида фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлашнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда демократик ислохотларни чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишни, демократик ҳуқуқий давлат қурилиши, ижтимоий тараққиётнинг бугунги реал ҳолати ва талабини ҳисобга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган янги қарорлар қабул қилишни, инсон манфаатлари, аҳолининг хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини тўла инobatга олишни тақозо этмоқда.

Сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида ролини кучайтириш бугун ҳаётнинг ўзи оддимизга долзарб қилиб қўяётган демократик ва фуқаролик жамияти талаблардан келиб чиққан ҳолда, қонуннинг энг муҳим мақсадлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, демократиянинг асосий шартларидан бири бўлган бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг кучайтириш.

Иккинчидан, жамият ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш. Ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш. Шунингдек, жойларда фаолият кўрсатаётган партия ташкилотлари ва фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш.

Учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш.

Тўртинчидан, Ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши нафақат сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кенгайтиришга балки, давлат ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ўзаро мувозанатини сақлашга ҳамда мамлакат парламентининг ҳукумат фаолияти устидан назорат функциясининг амалга оширилишига ҳам катта имконият яратади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг узвий давоми бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда кўппартиявийлик механизмларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган бу ислохотлар Ўзбекистоннинг бу борада жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда ўз қарашлари ва ислохот стратегияси мавжуд эканлигидан далолат беради.

Иккинчидан эса, бугунги кунда айрим мамлакатларда мавжуд бўлган партиялар ўртасидаги носоғлом муҳолифат ва куч ишлатиш ҳаракатларидан воз кечган ҳолда соғлом партиявий муҳолифатнинг шакллантирилишига эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Таянч сўз ва иборалар

Ҳокимият ва унинг талқинлари, ҳокимият субъекти, ҳокимият объекти, ҳокимият ресурслари, сиёсий ҳокимият, иқтисодий ҳокимият, социал ҳокимият, маданий-ахборот ҳокимияти, мажбурловчи ҳокимият, анъанавий легитимлик, харизматик легитимлик, оқилона – ҳуқуқий легитимлик. Сиёсий партия, сиёсий партияларнинг классификацияси, сиёсий партиянинг функциялари, партиявий тизим, бирпартиявийлик, кўппартиявийлик, ижтимоий- сиёсий ҳаракатлар, Ўзбекистонда сиёсий партиялар.

Мустақил иш учун топшириқлар

1. Сиёсий партиянинг моҳияти ва тушунчасини ёритинг.
2. Сиёсий партиялар жамият сиёсий ҳаётида қандай ўрин тутишини сиёсий таҳлил қилинг.
3. Кўппартиялик тизимининг сиёсий ҳаётни демократиялашда афзалликлари нималарда намоён бўлишини аниқланг.
4. Ўзбекистонда кўппартиялик тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат эканлигини партиялар мисолида қиёсий таҳлил этинг.
5. Ҳокимиятнинг манбаи нимақ
6. Ҳокимият жамиятда тартиб-интизомни сақлаб туриш учун нима учун мажбурлаш ресурсларидан фойдаланади? ҳокимиятнинг зўрликдан фойдаланиши унинг легитимлиги билан қандай келиша оладиқ

6-мавзу. Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар

Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар	
Мақсад ва вазифалар	Талабаларга Сиёсатшунослик фанида сиёсат ва миллатлараро муносабатлар, унинг ўзаро боғлиқлиги, сиёсат ва сиёсий жараёнларда миллий этник гуруҳ манфаатларининг акс этиши ҳамда бугунги кунда этник гуруҳлар ва миллий давлатчилик масаласи, давлат тили, миллатлар ва этник гуруҳлар ўзаро муносабатларида уйғунлик сиёсий барқарорлик омили эканлигини атрофлича илмий асосда тушунтириш. Уларнинг полиэтник ва моноэтник давлатларда миллий сиёсатнинг ўзига хослиги, миллий ўзликни англаш жамиятни демократлаштиришга ундовчи куч эканлиги ва сиёсатда миллий хусусиятларни инкор этишнинг салбий оқибатлари ҳақидаги билимларини ошириш.	
	Асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Миллат тушунчаси. 2. Сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар. 3. Миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўли.	
Ўқув жараёнининг мазмуни	Сиёсат ва миллат ҳақидаги умумий тушунчаларни ва унинг сиёсий жараёнларга таъсирини очиб бериш жараёни	
Ўқув жараёнини очиб бериш технологияси	Методи: Тренинг «мулоқот» Шакли: Маъруза Воситаси: компьютер, слайдлар, тарқатма материаллар Назорат: оғзаки савол жавоб, суҳбат. Баҳолаш: рейтинг тизимида	
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда интерактив усулни қўллаб, жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан, дарсга ижодий ёндошишга эришади	Талаба Мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли таҳлилий усулларни ўрганишга мувоффақ бўлади, бир-бирини тинглаш кўникмаси ҳосил қилинади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқларни ўзлари аниқлайди
Келгуси режалар	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб боради	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради

Тренинг «Мулоқот»

Тренинг хақида тушунча

Ушбу тренинг талабаларда дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот Талабаларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

МАҚСАД.

Танланган мавзу, муаммо асосида талабаларнинг фикрларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш.

ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ.

Ўқитувчи машғулотни бошлашдан аввал тингловчиларини мулоқот, бахс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу тренинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради.

1-БОСҚИЧ.

Ўқитувчи машғулотни ўтказиладиган мулоқотнинг мавзусини аниқлашдан бошлайди. «Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар». Шу мавзуни ўртага ташлаб талабалардан билдирилган фикрларга қараб тарафдорларини аниқлаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга бўлади.

2-БОСҚИЧ.

Ҳар бир гуруҳдаги талабалар ўз мавзулари асосида керакли материаллар: далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкони бўлса видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва бошқаларни тайёрлайдилар. Гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганларини эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни тайёргарлик кўришлари учун шароит ва имкониятга қараб вақт беради.

3-БОСҚИЧ.

Гуруҳлар ҳимояга тайёр бўлгач, ўқитувчи гуруҳларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гуруҳ вакили гуруҳ номидан сўзга чиқиб уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гуруҳ вакили сўзини тутатгач, гуруҳнинг қолган аъзолари ўз фикрлари билан қўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

4-БОСҚИЧ.

Машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гуруҳ вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи гуруҳ ҳам биринчи гуруҳ каби ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоя тутагач, Ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар иккала гуруҳнинг ҳимояси вақтида Ўқитувчи иложи борича уларга ҳалақит бермасликка, ўз фикр ва мулоҳазасини билдирмасликка, савол

бермасликка ҳаракат қилади, ҳеч қайси гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради, гуруҳлар ҳимояси вақтида тартиб сақланишига ва мулоқотни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажарилишига эришишга ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, икки гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

5-БОСҚИЧ

Гуруҳлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида, шунингдек, ўз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Талабалар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратади, яъни у баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6-БОСҚИЧ

Ўқитувчи ҳар икки томоннинг бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, ҳар икки гуруҳ томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзининг бу масала ҳақидаги фикр ва мулоҳазасини баён этади ва гуруҳ талабалари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлайди.

Ушбу тренингнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. Т.: «Ўзбекистон», 1996 й.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. Т.: «Ўзбекистон», 1997й.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т.6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
8. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 6. Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: «Ўзбекистон», 1999 й.

10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон турмуш-пировард мақсадимиз. Т.8. Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т.: «Ўзбекистон», 2001 й.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
13. Каримов И.А. Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й.
14. Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: “Ўзбекистон” 2004й
15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. Т.: “Ўзбекистон” 2005 й.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
17. И.А Каримовнинг Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. Ўзбекистон овози 2007 йил 25 август.
18. «Шарқ гавҳари, замин сайқали» Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 25 август куни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбелейига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. «Халқ сўзи» 2007 йил 26 август.
19. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2007 й.
20. Отамуратов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
21. Эргашев И., ва бошқалар. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланма). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
- 22.
23. Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политологию. Учебник для Вузов. - М., “Аспект пресс”, 1999.
24. Гаджиев. К. С. “Политическая наука”. М. 1994.
25. Отамуратов С. Миллат, Миллий онг, Миллий қурур, ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши. (Мақоллар).- Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луқат. Т., “Шарқ”; 1998. Отамуратов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Сиёсатшунослик (ўқув қўлланмаси). Т., “Ўзбекистон”, 1999

Миллат тушунчаси Миллат тушунчаси, унинг хусусиятлари ва белгилари борасида турли хил ёндашувлар мавжуд. Миллат—узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ ҳудудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий birlik шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир. Унгача ижтимоий тараққиётнинг этнос (халқ) шакли ҳам мавжуд бўлиб, халқ атамаси жуда кенг ва тор маънода ишлатилади.²⁰

Улардан умумий тарзда хулоса чиқарган ҳолда миллат тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Миллат - бу ўзида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий яхлитликни (ҳудудий яхлитлик) акс эттирган, шунингдек муайян бир ҳудуд доирасида, умумий иқтисодий алоқалар, этник келиб чиқиш, маданият, тил, психологик хусусиятлар, ҳамда этник ўзлик асосида тарихий шаклланиб келган кишилар йиғиндиси.

Миллатнинг асосий ўзига хос қуйидаги хусусиятлари мавжуд.

Биринчидан, тарихан таркиб топган давлати. Миллат номи билан юритилади. Иккинчидан, унинг аниқ ҳудудий чегарасида муомалада бўлган умуммиллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади. Учинчидан, давлат ҳудудининг бутунлиги ва чегарасининг дахлсизлиги тан олинади. Тўртинчидан, миллат ва унга хос менталитет шаклланган бўлиб, фуқароларнинг ўзликни англаш даражаси уларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади. Ниҳоят бешинчидан, давлат жамият томонидан бошқарилади²¹.

Ҳозирги жамиятлар ижтимоий тузилишининг муҳим бир хусусиятларидан бири, бу уларнинг кўп миллатлилигидир. Замонавий дунёда бир неча минг миллат ва халқлар яшаб келмоқдалар. Ваҳоланки, дунёнинг сиёсий харитасида икки юздан ортиқ яқин давлатларни топиш мумкин. Демак, мамлакатларининг аксарияти кўп миллатли давлатларда истиқомат қиладилар. Бундай давлатларда етакчи (ҳукмрон) миллат - яъни миллий-давлат бирлашмасига ном берган халқ билан бир қаторда турли миллий диаспоралар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Диаспора бу халқ ёки этник гуруҳни муайян бир қисмининг турли хил сабабларга кўра ўз тарихий ватанидан ташқари бўлган давлатда истиқомат қилишидир.

Бугунги кунда дунё ҳамжамятининг аксарият қисми томонидан, миллатлараро муносабатларга инсонпарвар ёндошувининг устуворлиги тан олинмоқда. Бунинг моҳияти эса, биринчидан, барқарорлик ва тотувликка интилиши ҳамда миллий зўравонлик ва унинг ҳар қандай

²⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-том. 659-бет.

²¹ Ўша жойда.

кўринишларидан воз кечишда, иккинчидан, демократик тамойилларни жамият ҳаётига янада ҳам кенгроқ тадбиқ этиш ҳуқуқларининг устуворлигида мужассамлашган. Ушбу йўлда ҳар қандай халқнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун, давлат миллатчилиқ, муайян бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш, унга нисбатан ишончсизлик, камситиш ва чеклаш ҳаракатларни амалга ошириши лозимлигини тарғиб қилувчи мафкура ва шунга ўхшаш, жамиятда турли можароларни келтириб чиқарадиган ирқчилик ва шовинизм каби хавфли ҳодисаларни олдини олиши ва вужудга келтирмаслиги лозим. Бунинг учун, у ҳар томонлама илмий ва амалий асосланган, мамлакатда яшаётган турли халқларнинг манфаатларини ҳисобга олган, улар орасидаги муносабатларни тартибга соладиган ва бошқарадиган, шунингдек, миллатлараро тинчлик, тотувлик ва бирдамликни таъминлайдаган миллий сиёсатни амалиётда тадбиқ этиши лозим.

Миллий муносабатларни таъминлаш ва унинг сиёсий жиҳатлари

Ҳар қандай давлатда ҳам миллатлараро муносабатларни барқарорлаштирмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди.

Миллатлараро можаролар авж олган мамлакатларда барча соҳадаги беқарорлик вужудга келади.

Дунё мамлакатлари миллий таркибига кўра икки турга икки турга - полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Моноэтник мамлакатлар дунё харитасида жуда камчиликни ташкил этади. Кўпмиллатлилик ва унинг ўзига хос хусусиятларини Президентимиз И.А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида илмий ва асосли равшда кўрсатиб берган.

Ички сиёсий аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш динамикаси кўп миллатли давлатда яшаётган бошқа миллатлар вакиллариининг сиёсий хайрихоҳлигига бевосита боғлиқ бўлади. Жаҳон тажрибасидан миллатлар ёки этник гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда анъанавий уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп элатлилик омили давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига самарали, рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу мамлакатларда этник гуруҳлар ва ирқлар ўртасида маълум муаммолар мавжуд. Шунга қарамай, кўп элатлилик омили уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлидаги тўғаноққа айланиб қолмаган. Аксинча, тараққиётнинг жадаллашувига ёрдам берган. Миллатларнинг ва маданиятларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиши бу давлатларда яшаётган халқларнинг маънавий-ақлий бойиши учун яхши манбага айланган. Шундай қилиб, бу мамлакатларда кўп элатлилик омили демократик ўзгаришларни жадаллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий

таракқиётнинг, фуқаролик жамияти куришнинг таъсирчан воситасига айланиб қолган²².

Миллатларнинг мавжудлиги уларнинг ўзига хос сиёсий манфаатларининг мавжудлигини ҳам билдиради. Ана шу манфаатларнинг қайси даражада амалга ошганлигини жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнлар ҳолатида ўз ифодасини топади. Сиёсий жараёнлар сиёсий институтларнинг фаолияти ва уларнинг жамият сиёсий ҳолатини барқарор ишлашини таъминлаш ижтимоий гуруҳлар, шу жумладан миллатлар ўрталаридаги муносабатларнинг барқарор ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Агар давлат ҳокимияти тармоқларининг барқарор ишлаши бузилса, албатта у барча муносабатлар, шу жумладан миллий муносабатларнинг бузилишига ҳам олиб келади. Давлат ўз фаолиятида миллатларнинг сиёсий манфаатларини хусусан ўзаро тенглигини кафолатлай олмаса, у ёки бу миллатнинг давлат ҳокимиятида иштирок қилишини ташкил қила олмаса жамият ҳаётида сиёсий танглик вужудга келади.

Агарда дунёда 1600 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётганликларини ҳамда дунё давлатлари сонининг бунга нисбатан анча чекланганлигининг инобатга олсак, миллатлараро муносабатни таъминлаш қанчалик муҳим эканлиги янада ойдинлашади.

Демак, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ўзаро муносабатларининг ҳолати миллатлар ва улар ўртасидаги муносабатларга ҳам боғлиқ бўлади. Чунки миллатлараро муносабатларни барқарор ривожлантиришни ташкил қилмасдан туриб сиёсий жараёнларнинг барқарор ривожланишини ташкил қилиб бўлмайди. Агар Собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитидаги сиёсий жараёнлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, миллий манфаатлар давлат манфаатларига бўйсундирилган эди. У ёки бу миллатнинг ўз манфаатларини ўртага қўйиши давлатга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланар эди. Шунинг учун давлат бундай ҳаракатларни куч ишлатиб бўлса ҳам “тинчитилган” ҳаракат қилар эди. Аммо, давлатнинг бундай ҳаракатлари миллий жараёнларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмади, аксинча зимдан бу жараён катта куч сифатида шаклланиб келди ва давлат ҳокимиятининг ичидан емирилиш жараёнини тезлаштирди.

Бу аччиқ “тажрибадан” келиб чиқадиган хулоса шуки, давлат жамиятда бўладиган муносабатларнинг табиий ривожланиш қонунларига асосланган ҳолда ўзининг фаолият йўналишларини белгилаб олиши зарур.

Айниқса, миллатлараро муносабатларни барқарор ривожланиши учун ҳар бир миллатнинг сиёсий манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор бўлиши амалий аҳамиятга эгадир. Шунинг билан бирга миллатлараро муносабатларга сиёсий тус бериш ҳатарли

²² I.A. Karimov. O‘zbekiston XXI asr bo‘lag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik sharlari va taraqqiyot kafolatlari. T: “O‘zbekiston” 2003. 64 b.

эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Яъни миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу салбий ҳолатлар давлат ҳокимиятини қўлга киритиш учун кураш даражасига кўтарилмаслиги керак. Чунки бундай жараён албатта давлатни ҳалокатга ва миллатлар манфаатларини паймол бўлишига олиб келади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши миллатлараро муносабатларнинг барқарор тараққиёт этишига хизмат қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг барқарор тараққий этишига хизмат қилади.

Миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг сиёсий йўли

Миллат мавжуд экан, албатта миллий масала ҳам, миллатлар ўрталарида турли муносабатлар ҳам мавжуд бўлади. Миллий

масала деганда турли миллат ва элатларнинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг ўзага келиши тушунилади. Улар кўп миллатлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу миллатларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик ҳолатларидан келиб чиқади.

Миллий муносабатлар эса турли миллатлар яшайдиган мамлакатларда улар ўртасида моддий ва маънавий соҳада ўзаро ёрдамлашиш ва ижобий маънодаги таъсир кўрсатиш орқали намоён бўлади. Адолат ва қонун устуворлиги қарор топган мамлакатларда миллий масала барҳам топиши мумкин. Аммо миллий муносабатлар мавжуд бўлиб қолаверади. У миллатнинг абадийлиги ва улар манфаатларининг сақланиб қолиши билан боғлиқдир. Тўғри, миллий манфаатларни тўла қондириш жуда мураккаб ҳисобланади. Чунки эҳтиёжлар миллатларнинг ўзи каби ўсиб боради, унинг тўхташи миллий тараққиётнинг тўхтаганлигини ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам миллий муносабатларни барқарорлаштиришнинг куйидаги кўринишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Биринчи ва асосий йўли давлат сиёсатида барча миллатларнинг эҳтиёжларни ҳисобга олиш ҳисобланади;

Иккинчидан, қабул қилинадиган қонунлар ва қарорларда барча миллатларнинг тенглиги, уларнинг барча яратиладиган моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланиши кабилар ўз ифодасини топиши лозим;

Учинчидан, кўп миллатли давлатларда қандайдир сабаблар хусусан ташқи кучларнинг аралашуви ёки ўзларини миллатпарвар қилиб кўрсатувчи аслида ўзининг жирканч мақсадларини амалга ошириш йўлида атайлаб миллатлараро муносабатлар омилидан фойдаланишга интилишга уринувчи ички кучларнинг айби билан ҳам юзага келиши мумкин бўлган миллатлараро можароларни ҳал қилишда сиёсий воситалардан фойдаланиш йўлидан бориш зарур бўлади. Чунки миллий можароларни ҳал қилишнинг куч ишлатиш йўли ҳеч қачон ўзининг ижобий натижасини топмаган. Аксинча, куч ишлатиш йўли – бу давлат ҳалокатга, миллатларни жаҳолатга олиб келувчи энг ҳатарли йўли

ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агар миллатлараро можаролар келиб чиққудай бўлса, уни ҳал қилишнинг ягона йўли сиёсий воситалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, миллатлараро муносабатлар ниҳоятда мураккаб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат фаолиятида миллий сиёсат устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундан бўлиб қолаверади.

Миллий сиёсат деганда давлат томонидан жамиятдаги турли миллатлар ва этник гуруҳларнинг ривожига, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга ва шу асосида барқарор ривожланиши ташкил қилишга қаратилган аниқ мақсад асосида олиб бориладиган фаолият тушунилади.

Миллий сиёсатда барча миллат ва этник гуруҳлар манфаат ҳамда эҳтиёжларнинг қондирилиши адолатли ташкил қилинган бўлса, миллатлараро можаролар келиб чиқмаслиги учун имконият яратилган бўлади. Бу ўз навбатида жамиятнинг барқарор ривожланишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Миллат, тил, маънавий омиллар, ҳудуд, давлат, миллий ўзликни англаш, миллат тушунчасига қарашлар, сиёсий жараён, сиёсий муносабатлар, сиёсий институтлар, сиёсий манфаатлар, миллий муносабат, давлат фаолияти, миллий масала, миллий эҳтиёж, миллий манфаат, миллатлараро можароларни ҳал қилиш, сиёсий йўл, сиёсий восита, миллий сиёсат устуворлиги.

Маърузани мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллат тушунчасига қандай таърифлар берилган?
2. Сиёсий жараёнлар билан миллий муносабатлар ўртасидаги алоқадорлик нималарда ўз ифодасини топган?
3. Миллатлараро можароларни ҳал этишнинг сиёсий воситалари нимадан иборат?

Мустақил иш учун саволлар

1. Сиёсатшунослик фанида мииллат ва давлат тушунчалари.
2. Полиэтник мамлакатлар ва уларда миллий ўзликни англаш масаласи.
3. Кашмир можароси ва унда этник ва диний муаммолар.
4. Якин Шарқ муаммоси ва унда миллий можаролар.

7-мавзу. Халқаро хавфсизликнинг дунё барқарорлиги ва тараққиётнинг фундаментал омилига айланиши. Халқаро терроризм ва экстремизм
Дарснинг технологик харитаси.

Мавзу	Халқаро хавфсизликнинг дунё барқарорлиги ва тараққиётнинг фундаментал омилига айланиши. Халқаро терроризм ва экстремизм
Мақсад, вазифалар	Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти бугунги кундаги унинг муҳим хусусиятларини ўргатишдан иборат
Ўқув жараёнининг мазмуни	1. Халқаро хавфсизлик: тизим, тартибот 2. Халқаро хавфсизликнинг дунё барқарорлиги ва тараққиётнинг фундаментал омилига айланиши 3. ишлаб чиқиш жараёни, амалиёти 4. Халқаро терроризмнинг сиёсий ҳодиса эканлиги ва унинг инсоният ҳаётига таҳдиди. 5. Халқаро терроризмни бартараф қилиш амалиётида «Ўзбекистон омили»
	Метод: Оғзаки баён қилиш, суҳбат-мунозара. «Тушунарли» технологияси. Форма: Маъруза, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Восита: Тарқатма материаллар: матнлар, таян сўз ва иборалар. Усул: Тайёр ёзма материаллар ва слайд, жадваллар асосида Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш. Баҳолаш: Рағбатлантириш, 1 балли система асосида
Ўқитувчи	
Кутиладиган натижа	Мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан кизиқиш уйғотади. Ҳар бир талаба билан ишлашга эришади. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади.
Талаба	
	Янги билимларни эгаллайди. Нутқ ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Ўз-

Кутиладиган натижа	Ўзини назорат қилишни ўрганади. Қисқа вақт ичида кўп маълумот- га эга бўлади
Ўқитувчи	
Келгуси режа	Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.
Талаба	
Келгуси режа	Матн билан мустақил ишлашни ўрганиш. Ўз фикрини равон баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикри ва гуруҳ, фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилиш. Тушунмаган жойларини савол тарзида ёзиб келиш.

Тушунчалар таҳлили

Тушунча	Сизнингча ушбу тушунча нимани билдиради?	Ушбу тушунча сизнинг қарашларингиз да ва фаолиятингизда қандай ўрин тутади?	Қўшимча маълумот ?
Халқаро хавфсизлик			
Халқаро ҳуқуқ			
Халқаро хавфсизликка таъсир этувчи омиллар нималар			
БМТ			
Терроризм			
Халқаро терроризм			
Диний экстремизм			

Юқорида келтирилган жадвалга ўтиладиган мавзуга оид таян сўз иборалар кетма-кетликда ёзилади ва тарқатма материал тарзида талабаларга тарқатилади, ёки мултимедия ёрдамида экранда кўрсатса ҳам бўлади. Талабалар маълум вақт давомида жадвални тўлдириб ўз фикрларини баён қилади. Бу аввало ўқитувчига нима беради? Мавзуни асосан нимадан бошлаш кераклини, бир тушунчани такрорлашнинг олди олинади, мавзуни қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабаларни дарсга нисбатан қизиқиши, фаоллигини ортади. Ҳар бир талаба билан ишлашга эришади. Талабалар

Ўзаро бир бирларининг фикрини эшитиши орқали қўйилган масаланинг моҳиятига етиб боради. Бир вақтнинг ўзида кўпчилик талабаларни баҳолайди. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришади.

Талабаларга ушбу мавзу бўйича билиши лозим бўлган кўрсаткичлари, тушунча ва калитли сўзлари қуйидаги жадвал шаклида тушунчалар методи орқали тарқатилади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т,: «Ўзбекистон», 2003, 7-8-бетлар.
2. Каримов И А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т, 1 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 50-51-бетлар.
3. Каримов И А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т, 2 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 47-57, 327-331-бетлар.
4. Каримов И А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т, 3 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 55-69-бетлар.
5. Каримов И А. Бунёдкорлик йўлидан. Т, 4 -Т,: Ўзбекистон, 1996, 30-38, 56-84-бетлар.
6. Каримов И А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т, 5 -Т,: Ўзбекистон, 1997, 249-252-бетлар.
7. Каримов И А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т, 6 -Т,: Ўзбекистон, 1998, 31-124, 353-361-бетлар.
8. Каримов И А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т, 7 -Т,: Ўзбекистон, 1999, 338-345, 401-404-бетлар.
9. Каримов И А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т, 8 -Т,: Ўзбекистон, 2000, 18-38, 83-86, 272-291, 345-351, 462-474, 489-509-бетлар.
10. Каримов И А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т, 9 -Т,: Ўзбекистон, 2001, 105-112, 220-225, 375-385-бетлар.
11. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ Т.12. Т.: “Ўзбекистон” 2004й
- Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.
12. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. Т.: “Ўзбекистон” 2006 й.
13. Каримов И.А. «Демократик ҳуқуқий давлат эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир» 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Т.: “Ўзбекистон”. 2007 й.
14. Политология асослари. Т,: «Университет», 1992.

15. Шарипов Ф. Сиёсатшунослик. Т,: «Ўзбекистон», 1992.
16. Рамазонов И, Мўминов Э. Политология. Т,: «Адолат», 1997
17. Отамуродов С, Эргашев И, Акрамов Ш, Қодиров А. Политология. Т,: «Ўзбекистон», 1999,
18. Машарипов О, Хошимов Т Р, Рафиков Ғ А. Политология. Қўлланма. Тошкент: ТошДИУ, 2000,
19. Рафиков Ғ, Содиқов А, Рахмонов Б. Сиёсатшунослик фанидан маърузалар матнлари. Тошкент: ТошДИУ, 2000,
20. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулохазалари. Тошкент: «Ўзбекистон», 2001

Халқаро хавфсизлик тушунчаси XX асрнинг охириги ўн йиллигини Ер шарида шу қадар улкан силжишлар содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва маънавий асосларини кескин ўзгартирди. Батамом янги давлатлар жаҳон сиёсати майдонига кириб келди. Дунё халқларининг яшаш тарзи, онги, олам моҳиятига бўлган қарашларида ҳам маълум ўзгаришлар юз бериш жараёни бошланди.

Инсонда бу ёруғ дунёда кимлиги ва не сиру-синоат эканлиги, вазифа, бурчи нимадан иборат эканлиги билан боғлиқ муаммони қайта кўриб чиқишга бўлган улкан истак ва интилиш ўзини баралла намоён қила бошлади. Шунинг учун унинг онги ва фаолиятини йўлга солиб, «бошқариб» турган қадриятлар тизими қайта кўриб чиқилмоқда. Эскириб, бутун инсонлар манфаатларига ижобий таъсири бир қадар пасайган қадриятлар янги қадриятлар тизимига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Объектив ва субъектив сабаблар, ўзгаришлар таъсирида индивидда уни қаноатлантириш нуқтаи назаридан янги яшаш услуби даражасига интилиш кучайди. Онг ва тафаккурда рўй берган ўзгаришлар табиий ҳолда ижтимоий, сиёсий жараёнларда ҳам кескин бурилиш, янгиликларни келтириб чиқарди.

Табиийки, бундай шароитда кўпгина анъанавий ижтимоий ва сиёсий қадриятлар, шу жумладан, хавфсизлик, унинг моҳияти ва функциясида ҳам батамом бошқача ёндашув ва муносабатлар шаклланимоқда. Зотан, ҳар қандай энг улкан қадрият ҳам давр муддаосига қулоқ солса, унинг билан хавфсизликда, ўзаро ҳаракатда бўлиш қобилияти кучайтирилсагина барҳаётликка йўғрилиш мумкин. Унинг кўплаб, керак бўлса, сон-саноксиз сабаблардан бири анъанавий халқаро хавфсизлик институтлари тизимининг бугунги кун талабига жавоб бериш ёки бера олмаслиги, билан боғлиқ. Зеро, макон тубдан ўзгарса-ю, уларнинг вазифалари иерархиясига кескин ўзгаришлар кириб келсаю, аммо тизим эскилигича қолиб кетаверса - бу ва халқаро ҳамжамиятлар ва на ҳар бир давлат манфаатларига мос тушмайди.

Хар бир давлат ўзининг суверен давлат сифатида сақлаб қолиш, ҳудудий яхлидлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасида чора-тадбирларини кўради. Замонавий қурол-яроғларнинг ривожланиб бориши халқаро хавфсизликни таъминлашни янада долзарб қилиб қўйди. Ҳеч бир давлатга ҳарбий-техник воситаларни, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни такомиллаштириш йўли билан ўзининг миллий хавфсизлигини тўла таъминлаш имконини бермайди. Чунки ядровий урушда, қолаверса, қуролланиш пойгасида ҳеч ким ғалаба қозона олмайди. Шунинг учун миллий хавфсизликни таъминлашда ХХI асрда сиёсий, халқаро-ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланиш биринчи ўринга чиқиши зарур.

Тўғри, дунёда халқаро хавфсизликни, тинчликни сиёсий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида таъминлаш ягона йўл эмас. Агар шундай бўлганида эди қуролланиш, армия ва бошқа воситаларга ҳожат қолмас эди. Лекин фақат кучига ишониб ўзини ҳимоя қилиш ҳам етарли эмас. Бунгадай дейишимизга сабаб эса аввало, ХХ аср охири ва янги аср бошларида хавфсизликни таъминлаш фақатгина давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатгагина боғлиқ бўлмай қолганлигидир. Масалан, агарда ХХ аср бошларида халқаро хавфсизлик кўпроқ давлатлар ёки давлатларнинг ўзаро иттифоқи ўртасидаги муносабат ва мувозанатга боғлиқ бўлган бўлса, бугунги кунга келиб турли хил экстремистик кайфиятдаги гуруҳларнинг кўпайиши, террористик гуруҳлар фаолиятининг кескин тус олиши бунга асосий сабабдир. Шу жиҳатларни инобатга олганда миллий хавфсизликни таъминлаш учун минтақавий хавфсизликни таъминлаш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун эса, халқаро хавфсизликни таъминлаш зарур ва бунга барча давлатлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозимлигини кўрсатмоқда. Айниқса, ядровий қуролга эга бўлган давлатлар ушбу сермасъулият ишларда бошқаларга ўрнатилган бўлиши лозим. Фақат умумий ялпи хавфсизлик таъминлаб берилган тақдирдагина минтақавий ва миллий хавфсизлик кафолатланиши мумкин. Бу ерда барча давлатларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиши ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг барча давлатлар томонидан тан олиниши ҳамда унга қатъий амал қилиниши назарда тутилиши назарда тутилмоқда.

Халқаро ялпи хавфсизлик миллий манфаатлар мувозанати асосига — пойдеворига қурилади ва ушбу мувозанатни сақламай туриб мустаҳкам хавфсизликни таъминлаб бўлмайди.

Замонавий қуроллар ва қуролли кучлар миллий хавфсизликни таъминлаб бера олмаслигини ҳисобга олиб, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, қуролланиш даражасини камайтириш, оммавий қирғин қуролларни, айниқса, ядровий қуролларни тулиқ ман этиш орқали таъминлаб бериш мумкин.

Хавфсизликни таъминлашга бўлган янгича ёндашув умумий-ялпи халқаро хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ушбу концепциянинг мазмуни шундан иборатки, халқаро муносабатлар уруш бошланишининг олдини олиши зарурлигидадир. Унинг асосий хусусияти, мустаҳкам, ялпи тинчликни ўрнатишга қаратилган чоратadbирларнинг умумий мавқеъига эга эканлигидир. Ушбу ҳол ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар, экологик, маданий ва бошқа муносабатларга тааллуқлидир. Халқаро хавфсизлик муаммосини самарали ҳал этиш ҳар томонлама ёндашувни талаб этади. Ушбу вазиятда асосий эътибор ҳар қандай тўқнашувларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

Халқаро хавфсизлик макони бугунги кунда, унинг ҳаракатида зарур даражада синхронликка эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улкан бир тизим шаклида намоён бўлмоқда. Зеро, дунёдаги барча катта кичик давлатлар, борди-ю уларда ўзларини асраб қолиш истаги ва ҳоҳиш иродаси бўлса, бир-бири билан турли-туман ўзаро муносабатлар доирасида, яъни ҳамжихатликда яшашга маҳкумдирлар. Шундай экан, халқаро хавфсизлик тизимига кирган ҳар бир давлатнинг барқарорлиги ва такомиллашишидан туб манфаатдордирлар. Уларнинг ҳар бири ана шу тизимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади ва умумий мақсад ҳамда манфаат олдида ва қолаверса, бир-бирининг олдида масъулдирлар. Демак, тизим сифатида халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларни ҳоҳиш иродаси, ҳуқ-атвори ва мўлжалларига боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, халқаро тизимнинг истиқболи ҳар бир давлат томонидан юқорида зикр этилган ҳақиқатни аниқ тушуниши, унга нисбатан самимий муносабатнинг шаклланишига бориб тақалади. Табиийки, тизимда барча субъектларнинг у ёки бу глобал муаммога нисбатан фикрлари, курашлари ҳеч қачон бир хиллик касб этмайди. Гап қарашлар, ёндошувлар, баҳолашларнинг, турли хиллиги ҳақида бормоқда. Мана шу турли-туманлик ўз навбатида умумтизимий мақсад ва вазифалардан чиққан ҳолда ўзаро келишувини тақозо этади. Акс ҳолда, халқаро хавфсизлик тизимини фаолиятидаги таъсир этиш инструменти сифатида асраб қолиш иши хавф остида қолади. Умумий консенсус принципи, амалий ҳамкорликка ўтиш халқаро хавфсизлик тизимига ҳаёт бахш этувчи бош омиллигича қолади. Ана шу асосдагина бугунги хавфсизлик тизимига дахлдор бўлган катта-кичик элементларнинг, қисмларнинг ўзаро ҳаракатида синхронликка эришиш мумкин.

Ягона халқаро хавфсизликка инсоният учун муносиб истиқбол яратиш йўлида турли-туман манфаатлар Яхлитлиги деб қарар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Сўз ана шу тизимда имманент равишда мавжуд бўлган тесқари таъсир этувчи жараёнлар борки, улар билан ҳисоблашмаслик улкан сиёсий хато эканлиги тўғрисида бормоқда. Бинобарин ҳар қандай, жумладан, халқаро хавфсизлик тизимида ҳам юқорида келтирилган ижобий тенденция ва жараёнларга зид бўлган омиллар мавжуд. Муҳим жиҳати

шундаки бу ўткинчи бир тенденция бўлмасдан унда доимийлик хос бўлиб, тизимнинг ички мантиғи ва Яхлитлигини ишдан чиқаришга қаратилгандир. Улар қандайдир бошқа муҳитга мансуб бўлмасдан, балки ана шу ички муносабатлар тизимида шаклланади.

Халқаро хавфсизлик тизимининг манфаатлари ва ҳоҳиш иродасидан қатъий назар, кучлар ва гуруҳлараро муносабатлардан келиб чиқадиган тизимбузар омиллар мавжудки, улар жумласига ўз миллий манфаатларини бошқаларнинг миллий манфаатларига қарши қўйиш амалиёти ўзгаларни менсимаслик кайфияти, гетеманизм, империявий тафаккур, ўз социал тизимини барчадан устун ҳисолаб, бошқаларни эса уни қабул қилишга турли-туман йўллар билан мажбурлаш сингари субъектив омиллар билан биргаликда, эскидан инсониятга мерос қолиб, бугунги кунда янада даҳшатлироқ тус олаётган дунёнинг моддий, ҳарбий, сиёсий салоҳиятига кўра қутбларга ажратилиш амалиёти, диний, миллий этник ва цивилизацион зиддиятлар, ўта бадавлат ва ночор мамлакатларга ажратилиш ва ядровий васваса сингари объектив таҳдидлар ҳам киради. Улар халқаро хавфсизлик тизимини заифлаштириб қолмасдан, балки умуман жаҳон барқарорлиги ва тараққиётга очикдан-очик хавф-ҳатар ва таҳдид сифатида ўзини намоён этмоқда.

Халқаро хавфсизликнинг дунё барқарорлиги ва тараққиётининг фундаментал омилига айланиши

Жадал сураъатлар билан ривожланишда давом этаётган илм фан тараққиёти ҳар томонлама барқарор ва кафолатланган

халқаро хавфсизликни тақазо этмоқда. Халқаро ҳамжамият бугун ўзида шу қадар улкан яратувчилик, куч-қудрат ва салоҳиятга эгаки, уни рўёбга чиқариш учун бутун дунёда хавфсизлик таъминланиши лозим.

Халқаро хавфсизлик ва тараққиётга унинг таъсири борасида турли-туман фикрлар ҳам айтилмоқда. Айримларнинг фикрига кўра, барқарорлик ва тараққиёт бўлса хавфсизлик ҳам ўз-ўзидан таъминлашда дейилади. Иккинчи бир тоифа мутахассислар, сиёсатчилар бугунги кунда барқарорлик ва тараққиётнинг фундаментал омиллар сифатида мавжудлиги биринчи навбатда хавфсизликка боғлиқ, дейишмоқда. Лекин бугунги кундаги ривожланиш даражасидан қатъий назар халқаро хавфсизликка солаётган хавлар барча давлатларга тегишли бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Бунга АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь, Испаниядаги 2004 йил март ойидаги воқеаларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ҳар иккала фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, хусусан бугунги кунда инсоният учун шу қадар улкан хавф-ҳатар ва таҳдидлар пайдо бўлдики, мустаҳкам ва энг муҳими узоққа мўлжалланган халқаро хавфсизликка асос солинмас экан, на барқарорлик ва на тараққиёт тўғрисида жиддий сўз юритиш қийин ва бир томонламаликдир.

Эътиборга лойиқ жихати шундаки, бугунги кунда хавфсизликни фақат ҳарбий-сиёсий соҳага оид деб тушунмасдан шунингдек, уни инсон мавжудлиги ва ўз-ўзини қайта ишлаб чиқариш барча жабҳаларга тааллуқли деб қараш барча мамлакатларда шаклланимоқда. Зеро, президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, хавфсизлик том маънода ҳадсиз-худудсиздир. Халқаро хавфсизлик стратегиясига келадиган бўлса айтиш жоизки, уни ишлаб чиқиш ҳар доимгидек бугун ҳам мушкуллигича қолмоқда. Агар уни айрим олинган миллий давлат хавфсизлик стратегиясига қиёсан оладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, ҳозирча халқаро хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни расман ўз зиммасига олган бирон бир халқаро ташкилот ёки муассаса йўқ. Тўғри, халқаро хавфсизлик таъминланишини кузатиб, унга қаратилган у ёки бу фикрни шакллантириш, огохлантириш нуқтаи назаридан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти баъзи бир ишларни амалга ошириш мумкин ва шундай ҳам. Лекин миллий давлатларда фаолият кўрсатаётган тегишли институтлардан фарқ қилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қабул қилган ҳужжатлари мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

Шу боис, кейинги мураккаб даврда унинг тавсия ва кўргазмалари айрим қудратли давлатлар ва ҳарбий-сиёсий блоklar томонидан кўр-кўрона менсимаслик, ҳатто унинг фундаментал функцияларини ўз зиммасига олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан, унинг фаолиятини ошкора бузган ҳолда иш тутиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Лекин, бундай ҳолатдан бутун дунёда хавфсизликни кафолатлаш йўлида бирон-бир реал фаолият олиб бориш шарт эмас ва бесамар деган хулоса келиб чиқмаслик керак. Аксинча, бу йўлда барча давлатлар халқаро ҳуқуқ яратган имкониятларидан фойдаланиб бетиним ишлашлари керак. У ёки бу таҳдидни олдиндан кўра билиш, унинг оқибатларидан халқаро ҳамжамиятни огоҳ қилиш, мавжуд таҳдидларни бартараф этиш бўйича мақсадга мувофиқ. Афсуски, юқорида таъкидланганидек, бу борада қилинаётган жонбозлик, ўртага ташланаётган ташаббуслар дунёнинг баъзи бир минтақаларда фаолият кўрсатиб келаётган бадавлат лоббист гуруҳларнинг кескин қаршилигига дуч келиб, ўз таъсир кучини йўқотиш ҳоллари рўй бермоқда.

Хавфсизликнинг халқаро тизим ва шунинг билан биргаликда, жараён эканлиги тан олинар ҳамда бу борада қилинадиган ҳар бир саъй-ҳаракатга ижобий баҳо берилар экан, унинг самараси ва истиқболи нуқтаи назаридан муҳим бир жихатни эътиборга олиш керак бўлади. Сўзда халқаро хавфсизлик бугунги куннинг энг долзарб иши чиқаётганлигини ҳар қадамда таъкидлагани ҳолда, айрим гуруҳлар амалда унга батамом зид иш тутишаётганлигини назарда тутаётирмиз.

Жумладан, миллий хавфсизликнинг устувор йўналишини белгилаш ёки ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммони оладиган бўлсак, айтиш керакки, бир томондан ҳар бир давлатнинг миллий манфаатлари

ва иккинчи томондан эса, халқаро ҳамжамият манфаатлари тизимини бутунлай уйғунлаштириш ёки айнанликка олиб келиш мумкин эмас. Зеро, уларнинг социал, сиёсий асослари, мотивлари турлича.

Миллий хавфсизлик стратегияси, миллий кўргазмалар, манфаатлар ҳамда конкрет шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилса, халқаро хавфсизликни таъминлашда бош мезон қилиб дунё барқарорлиги ва тараққиёти манфаатлари асос қилиб олинади. Демак, қайси бир мамлакат миллий манфаатларининг барча параметрлари асосий халқаро ҳужжатда бир текис ва ҳар томонлама акс эттирилмаслиги эҳтимоли пайдо бўладики, бу табиий. Шунингдек унда эътиборга олинadиган маконий-географик омиллар барча давлатлар учун, табиийки, бир хил эмас. Халқаро хавфсизликка асосий таҳдидлардан бири минтақавий можаролар деб олайлик. Бир томондан, Афғонистонда давом этаётган можаролар, унинг атрофида рўй бераётган ноҳуш силжишлар бутун дунёга хавф-ҳатар бўлиб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли, унинг ечимидан жаҳон ҳамжамиятининг барча аъзолари бир хил манфаатдордирлар. Иккинчи томондан қарайдиган бўлсак, географик маконий параметрлари нуқтаи назаридан унинг ечимидан, биринчи навбатда Марказий осий, Яқин Шарқ, ҳамда Каспий Денгизи давлатлари асосий манфаатдор ҳисобланади. Акс ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг ноҳуш йўналиш касб этиши айнан шу минтақаларнинг сиёсий кайфиятига сезиларли салбий таъсир қилиши турган гап.

Можародан энг кўп ташвишланаётган ва талофат кўраётган давлатлар ҳам ана шу юқорида номлари келтирилган минтақаларда жойлашган. Бу масаланинг географик маконий жиҳати. Аммо дунёнинг қайси минтақасида жойлашганлигидан қатъий назар, иқтисодий, ахборот-коммуникатив нуқтаи назаридан аллақачон глобаллашган бугунги босқичда ер юзининг бирон бир жойида юз берган ноҳуш жараёнлар Президент томонидан таъкидланганидек, бир зумда барча давлатлар хавфсизлигига таҳдидга айланишидан на халқаро ҳамжамият, ва на алоҳида олинган бирон бир миллий давлат тўла қафолатланган эмас.

Ядровий қуролнинг ер юзининг бирон бир жойида юз берган ноҳуш жараёнлар Президент томонидан таъкидланганидек, бир зумда барча давлатлар хавфсизлигига таҳдидга айланишидан на халқаро ҳамжамият, ва на алоҳида олинган бирон бир миллий давлат тўла қафолатланган эмас.

Худди шундай вазиятни ядровий қуролнинг ер юзининг бирон бир жойида жойлашган террорчи гуруҳнинг қўлига тушиб қолиши эҳтимоли билан боғлиқ кўз олдимизга келтиришимиз қийин эмас. Зеро, ядровий қуролни ер юзида тарқатмаслик, ундан биринчи бўлиб фойдаланмасликка қаратилган кўплаб халқаро келишувлар бугунги ноаниқ, дунёда иш бермай қолиш ҳолати ҳам кутилмоқда. Япония қуролнинг ёйилишини эҳтимол назорат қилиш мумкиндир, бироқ ундан

биринчи бўлиб фойдаланишга бўлган интилишлар ҳамда бу борада кўрилатган тайёргарлик билан боғлиқ тенденция янги асосда давом этмоқда. У жараённинг олдини оладиган ёки бартараф қила оладиган бирон-бир воситага халқаро ҳамжамият бугун бундай имкониятга эмас.

Шу муносабат билан, назоратсиз, ҳадсиз-худудсиз, лекин ўта яширин йўллар билан ўзаро боғланган халқаро террорчилик ва диний экстремизмни эътибордан четда қолдириш улкан ҳатодир. Дунёнинг деярли барча қитъаларидаги ўтиш қийин бўлган жойларда уларнинг қароргоҳлари мавжудки, унга таяниб ўз сиёсий манфаатларини амалга ошириш ниятида юрган гуруҳлар ҳам йўқ эмас.

Демак, бугунги кунда халқаро хавфсизликни қандайдир «минтақалаштириш амалиёти» прагматик нуқтаи назардан жозибадор ва бир мунча самарали кўринсада, аслида ҳар бир алоҳида минтақа хавфсизлиги биринчи навбатда халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Демак ҳар бир мамлакат халқининг барқарорлиги равнақи ва истиқболи устувор даражада сайёранинг барча жойида хавфсизликнинг ишонарли тизими шаклланишига бориб тақалади.

**Халқаро терроризмнинг сиёсий
ҳодиса эканлиги ва унинг
инсоният ҳаётига таҳдиди**

Жаҳон жамоатчилиги дунёда
тинчлик ҳукмрон бўлиши, ҳар
қандай хавфнинг олди
олинишидан манфаатдор

эканликларини ва бунинг учун барча куч, имкониятларни сафарбар этмоқдалар. Таасуфлар бўлсинки, ўтган оғир жиноят бутун дунёга инсонлар бошига катта хавф-ҳатар солмоқда, заминимиз тинчини бузмоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" ва бошқа асарлари ҳамда нутқларида халқаро терроризмнинг моҳияти, ёвуз жиноятлари кўрсатиб берганлар.

Террор (лот. terror - кўрқитиш, даҳшат солиш маъносини англатади) - зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан ўз сиёсий мақсадларига эришишни кўзда тутати. Терроризм одамларнинг ҳаётига чанг солиш, суиқасд қилиш, уларни кўрқитиш, даҳшат солиш, тазйиқ ўтказиш демакдир.

Таъсир кўрсатиш кўлами жиҳатидан терроризм худудий, минтақавий ва халқаро терроризм кўринишларига эга. Айрим мамлакат ёки худудда содир қилинадиган терроризм худудий, бир неча мамлакатларни ўз ичига олган, Ер юзининг алоҳида минтақасида содир қилинадиган террористик фаолият минтақавий кўринишда бўлади. Ер юзининг кўплаб мамлакатларида, қитъалараро фаолият кўрсатувчи террористик ташкилотлар халқаро терроризмни ташкил қилади.

Халқаро терроризм – давлатлар ичида бошбошдоқлик келтириб чиқариш, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бузиш,

халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар, гуруҳлар, алоҳида сиёсий арбобларни йўқ қилиш ва ижтимоий-сиёсий оқибатлар келтириб чиқариш мақсадида амалга ошириладиган сиёсий қўпоровчилик фаолиятидир. У ўз сафига ёлланган жангариларни, экстремистик уюшмаларни жалб қилиб, дунёнинг турли давлатларида террористик ҳаракатларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Террорчилар турли сабаблар ва вазиятлар оқибатида асосан, бойлик тўплаш мақсадида, нафс туфайли, шунингдек, ҳокимиятни эгаллаш илинжида бош кўтаради. Улар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни қўрқитиш, даҳшатга солишдан фойдаланади. Яъни террорчилар одамлардан қўрқув, ваҳима туйғусидан усталик билан фойдаланади. Дастлабки даврларда террорчи гуруҳлар бойлик тўплаш мақсадида ҳаракат қилган бўлса, XX аср охирида ўнлаб халқаро террористик ташкилотлар юзага келди.

Халқаро терроризм- бирон бир давлатдаги террорчиларнинг ўз ҳаракатларини у ёки бу давлат ҳудудидан ташқарига чиқиб, давом эттиришдир.

Халқаро терроризмнинг ўзига хос жиҳатлари куйидагича намоён бўлади:

1) Террорчилар ҳам, жиноят қурбонлари ҳам бир давлатга мансуб ёки бир неча давлатга тегишли бўлиши мумкин.

2) Аксарият халқаро террорчилик ҳаракати халқаро ҳимоя остидаги шахсларга қаратилган бўлади.

3) Аксарият ҳолларда террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик бир давлатда амалга оширилиб, жиноятнинг ўзи эса иккинчи давлат ҳудудида содир этилади.

4) Террорчилар бир давлат ҳудудида террорчилик ҳаракатини содир этиб, иккинчи давлат ҳудудига ўтиб яшириниши мумкин. Бир йилда дунё бўйича 320 тадан 660 тагача террорчилик ҳаракатлари содир этилиб, минглаб бегуноҳ аҳоли қурбон бўлди

Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан тортиб то ҳозирга қадар дунё миқёсида турли хилдаги террорчилик ҳаракатлари авж олди. Террорчиларни, террорчи гуруҳларни назоратга олмаётган, назорат эта олмайдиган, аксинча уларга хайрихоҳ бўлаётган давлатларнинг бундай хатти-ҳаракати Ер юзидаги соф ниятли инсонларни ташвишга солмоқда. Дунёдаги ёвуз кучлар синтезлашуви давом этар экан: "Нима учун уларга қарши курашувчи кучлар бирлашмайди?" деган саволлар ер юзидаги соф ниятли халқларни ўйлантириб келади. Дарвоқе, бундай бирлашишни истамаётганлар ҳам йўқ эмас.

Терроризмнинг асл моҳиятини сиёсатшунослик нуқтаи назаридан олиб қараш, уни чуқур илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, жамият ҳаётида юзага келиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва уни бартараф этиш усуллари, воситаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Зеро, терроризм бугунда инсоният равнақига энг катта ҳавф солаётган таҳдид бўлиб қолмоқда. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган терроризмга

қарши дунё прогрессив кучлари бирлашиб кураш олиб бормаса, бу офат Ер юзида инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, бундай ижтимоий-сиёсий балодан ҳеч бир давлат четда эмас.

Маълумотларга кўра, юр юзида террорчилик ҳаракатлари, урушлар оқибатида бир кунда 547 нафар бола вафот этади.²³ Агарда минтақалар доирасида террористик ҳаракатларнинг 2003 йилдаги ҳолатини қарайдиган бўлсак, Осиё қитъасида – 80 та, Европада – 33 та, Лотин Америкасида – 20 та, Африкада – 6 та, Яқин Шарқда – 67 та теракт амалга оширилди. Рақамлар тасдиқлаб турибдики, Осиё қитъаси, хусусан, Яқин Шарқ ҳудуди террордан энг кўп жабр кўраётган минтақа бўлиб қолмоқда²⁴.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ҳозирда дунё миқёсида 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар мавжуд. Улар дунёнинг деярли барча мамлакатларида ўзларининг манфур қиёфасини намоиш қилмоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлакати терроризм офатидан ўзларини тўла муҳофазаланган, деб ҳисоблай олмайди²⁵.

Дарҳақиқат, дунёдаги эзгу кучлар билан ёзузлик ҳам ёнма-ён яшамоқда. Бу икки қутб мудом курашмоқда. Инсон қалбини, табиатини, фарзандларимизни бу ёвуз кучлар таъсиридан асраш – бизнинг муқаддас бурчимиз. Олам ёвуз кучлар қўлида қолиб кетмаслиги, аксинча, дунёни эзгу кучлар бошқариши керак. Тинчликсевар инсоният томонидан янграётган бу чақириқ, бонг барча инсонларни хушёрликка да'ват этмоқда. Тажовузор кучларга қарши курашмоқ ва бунда эзгуликнинг тантана қилиш учун янги таъсирчан йўллар, воситалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш талаб этилади.

Терроризм мавжуд тузумга қарши сиёсий кураш олиб бориш, одам ўдириш, уларнинг маълум мақсадларига тўсқинлик қилаётган гуруҳ (жамият) раҳбари жонига суиқасд қилиш билан характерланади. Унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳалифа Абу Бакр Сиддиқ (632-634) вафотларидан сўнг ҳалифалик қилган Ҳазрат Умарнинг ўлими (634-644) ва ҳазрат Усмоннинг (644-656) ўлдирилиши бунга мисол бўлади. Ҳазрати Алига қарши чиққан диний экстремистлар, яъни 12000 кишилиқ ҳорижийлар “Бизнинг йўлимиздан бормаганлар кофирдирлар”-дедилар. Улар ҳазрати Алини (656-661) намоз ўқигани келаётганида орқасидан ханжар уриб ўлдирдилар.

Миллий айирмачилик, этник характердаги терроризм нисбатан оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳукмрон миллатга қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланилмоқда. Терроризмнинг бундай кўриниши дунёнинг жуда кўп минтақаларида, мамлакатларида авж олган, азалий давом этиб келаётган ижтимоий-

²³ <http://ziyo-uz.narod.ru/News/19.10.2004e.html>

²⁴ http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task=view&id=495&Itemid=30

²⁵ Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изохли луғати. ЖИДУ Т.: 2005

сиёсий офатдир. Қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётган турли этник гуруҳларнинг ўзаро муроса қилиб яшай олмаётганлиги ва геосиёсий, диний эътиқод жиҳатдан фарқи каби омиллар оқибатида юзага келаётган бундай террористик хуружлардан тинч аҳоли жабр кўрмоқда ва қурбон бўлмоқда.

Этник характердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар билан қоришиб кетган. Яқин Шарқ Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террористик хуружлар шулар жумласидандир.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар асосида содир бўлмоқда. Айниқ-са, ислом дини байроғи остида уюшган ваҳобийлик, «Ҳизбут-таҳ-рир», «Ҳизбуллоҳ», «Мусулмон биродарлари», «Ислом озодлик партияси», «Ат-такфир вал-ҳижра», «Жунуд Аллоҳ», «Жиход», «Туркистон ислом ҳаракати» каби диний-экстремистик руҳдаги оқим ва террористик ташкилотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кўпуровчилик хуружларини амалга оширмоқдалар.

Шу ўринда экстремизм тушунчасига тўхталадиган бўлсак, экстремизм тушунчаси лотинча "ашаддий", "кескин" сўзидан олинган. Бундай дунёқарашга эга бўлган киши бошқача нуқтаи назарлар билан умуман келишмайди ва ўз қарашларини амалга ошириш учун сўнгги чора-мавжуд тузумни ағдариб ташлаш, ўз ғояларини куч ишлатиш ёрдамида сингдириш, бошқача фикрлайдиган кишиларни йўқ қилишгача бўлган амалиётни қўллайди. Экстремистик оқим фақат ўзининг диний ва сиёсий қарашларида қатъий туриб, бошқа ғояларни бутунлай инкор этади ҳамда ўз раҳнамосининг барча буйруқларини сўзсиз бажаради.

Диний экстремистлар ўз ғояларини ҳали шаклланиб улгурмаган ёшлар онгига сингдиришга интилади. Улар кишиларнинг хиссиётларига таъсир этувчи нутқлар, даъватлар, чақириқлар воситасида тарғибот олиб боради. Терроризм ва экстремизм кучайган жойларда гиёҳвандлик моддалар етиштириш, истеъмол қилиш ва ундан фойда олиш ҳам авж олади. Экстремистлар, террористлар ўз фаолиятларини молиялаштириш ва даромад олиш учун наркотик моддалар етиштириш ва даромад олиш, сотишни йўлга қўяди. Жумладан, Афғонистондаги "Толибон" ҳаракати ҳам гиёҳванд моддалар етиштириш ва сотиш воситасида шаклланган эди.

Бу ёвуз кучлар ўз мақсадларига эришиш мақсадида биринчидан, қурол-аслаҳалар ёрдамида жаҳоннинг турли жойларида террорчилик ҳаракатларини, давлат тўнтаришларини амалга ошириш, машҳур давлат ва жамоат арбоблари ҳаётига суиқасд уюштиришга интилади.

Иккинчидан, қурол ёрдамида ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларни мафкурафий усуллар ёрдамида ҳал этишга интилади. Айниқса, террористик уюшмалар томонидан амалга ошириладиган конституциявий тузумга қарши қаратилган жиноятлар ҳар қандай давлатга энг оғир жиноят ҳисобланади ва унга яраша жазо берилади. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш мақсадидаги барча ҳаракатлар – давлат суверенитетига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қилинадиган тажовуз деб баҳоланади. Ҳеч бир онгли инсон ўз эркига, мамлакат хавфсизлигига қилинадиган бундай тажовузга бефарқ қарай олмайди.

Энг хавфлиси шундаки, бундай тажовузор кучлар экстремистик тўдалар ўзларининг асл мақсадларини усталик билан ниқоблаб, унга диний тус бериб, ислом шиорларини ниқоб қилиб олмоқда. Уларнинг номларига, шиорларига четдан қараганда, гўё террористик тўдалар эмас, балки диний ташкилотдай кўринади. Улар усталик билан ўзларига шундай номлар қўядики, кишида булар фақат тоат-ибодат билан шуғулланадиган диний ташкилот деган тушунча пайдо бўлади. Масалан, "Ислом уйғониш партияси", "Нур" ва бошқалар...

Бугунги кунда дунёда юзлаб кучли жиҳозланган "Абу Нидол" ташкилоти, "Абу сайёф" гуруҳи (яқин Шарқ), "қуролланган Ислом" гуруҳи (Жазоир), "Ал қоида" (асос база), (Афғонистон), "Ал жиҳод" (Миср), "Жамоа ал исломий" (Миср), "Ҳаракт ал мужоҳид" (Кашмир), "Хамас" (Яқин Шарқ), "Хизбуллоҳ" (Яқин Шарқ), "Туркистон ислом партияси" (Марказий Осиё), "Фаластин ислом жиҳоди", "фаластин озодлиги фронти", "Фаластин озодлиги халқ фронти", "фаластин озодлиги халқ фронти-умумий қўмондонлик"

"АУМ Синрикё" (Япония, унинг раҳбари хибсга олинган, ташкилотнинг фаоллиги пасайди), "Баск озодлик ҳаракати" "Эта" (Испания), "қаҳане Хай" (Хитой), "Қурдистон ишчилар партияси" (Туркия), "Инқилобий халқ кураши" (Туркия), "инқилобий ҳалаши"-ЭЛА (Греция), "17 ноябр инқилобий ташкилоти" (Греция), "Тамил Иламани озод қилувчи йўлбарслар" (Шри-Ланка), "Мужоҳиддини Халд" (Эрон), "Миллий озодлик армияси" (Венесуелла), "Колумбия инқилобий қуролли кучлари" "ФАРС" (Колумбия), "Колумбия ўзининг ўзи мудофа қилиш Бирлашган Кучлари"- "АУГ" (Колумбия), "Ойдин йўл"- "Сендеро" (Перу) каби террористик гуруҳлар мавжуд.

Террорчилик ташкилотларининг аксари яширин фаолият кўрсатади.

Ҳозирги кунда дунёга хавф солиб турган қуйидаги террорчилик ташкилотлари мавжуд:

"Доғистон халқлари конгресси"

1998 йил Ш. Басаев ва М. Удугов томонидан Чеченистонда тузилган. Унинг фаолияти Россиянинг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида экстремистик ва айирмачилик ғояларини ёйишга ва

террорчилик ҳаракатлари содир этишга қаратилган. Пировард мақсади ва Кавказда ислом ҳалифалигини тузиш.

“Ал-қоида” (Асос,База)

1988 йилда Усома-бин Ладен томонидан тузилган. Ташкилотнинг ўзаги Афғонистондаги жанговор ҳаракатларда иштирок этган араблардан иборат бўлган. 1990 йил ўрталарида халқаро террорчилик тузилмасига айланди. Ал-қоиданинг жангарилари кўплаб халқаро террорчилик ҳаракатларига алоқадордир.

“Асбат ал-Ансор”ташкilotи

1985 йилда шайх Ҳишом Шрейда томонидан тузилди. Унинг штаби Ливанда жойлашган, яширин фаолият кўрсатади. Асосан буюртмаларни бажаради ва бошқа экстремистик ташкилотларга махсус тайёргарликка эга жангарилар етказиб беради. Усома-бин Ладеннинг ташаббусига кўра “Асбат ал-Ансор” лагерида жангарилар ва кўнгиллилар қайта тайёргарликдан ўтиб, қайноқ нуқталарга жумладан Чеченистонга жўнатилган. Ташкилот АҚШ, Исроил ва Ғарбий Европанинг қатор давлатларини ўзининг душмани деб эълон қилди.

“Муқаддас уруш ташкilotи”

Мақсади Мисрда дунёвий бошқарувни йўқ қилишдир. У кўплаб мамлакатларда, хусусан Яқин Шарқда, шунингдек, Россиянинг мусулмонлар зич яшайдиган минтақаларда ўз эмиссарларга эга. Бу шахслар шуғулланаяпти. Ташкилот аъзолари 1984 йилда мамлакат ички Ишлар вазирига, 1990 йилда эса парламент раисига суиқасд уюштирганлар.

“Ислом гуруҳи” (Ал-Жамол ал-Исломия)

Усома бин-Ладен тузган ислом fronti таркибига киради. Фаолияти Мисрда дунёвий бошқарувни йўқотишга қаратилган Чеченистондаги ноқонуний курулли гуруҳларга молиявий ёрдам кўрсатади. Жангарилар тайёрлаб дунёнинг қайноқ нуқталарига юборади, хайрия фондлари ва ташкилотлари ниқоби остида ташвиқот-тарғибот разведка-қўпоровчилик ишлари билан шуғулланади.

“Мусулмон биродарлар”

Бутун дунёда исломий бўлмаган ҳукуматларни ағдариб, “буюк ислом ҳалифати” тузишни мақсад қилиб қўйган. Унинг фаолияти қатор Яқин Шарқ мамлакатлари (Сурия ва Иордания) да тақиқланган. Фаолиятининг асосий кўринишлари диний келишмовчиликларни авж олдириш, ҳар қандай ҳудудда ҳарбий жиход эълон қилиш.

“Лашкари Тоиба”

Покистондаги ҳарбийлашган, экстремистик ваҳҳобийлар гуруҳи. Мақсади Жамма ва кашмир вилоятларини Покистонга қўшиб олиш, Хиндистон ҳудудида жоҳид ҳаракатларини ёйиш. Турли террорчилик ташкилотларига молиявий кўмак бериш, унинг ўқув марказларида покистонлик, афғонистонлик, суданлик йўриқчилар раҳбарлиги остида 500 нафардан зиёд жангарилар тайёргарлик кўрган.

“Ислом гуруҳи”

Ўтган асрнинг 40-йилларида ташкил этилган. Покистон Афғонистон чегарасида жойлашган лагерда жангарилар лагерда жангарилар тайёрлайди. Бу ташкилотнинг эмиссарлари Россиянинг мусулмонлар кўпчилигини ташкил этадиган минтақаларида айримачилик кайфиятини тарқатиш бўйича ташкилий-ташвиқот ишлари олиб бордилар.

“Толибон”

1994 йилда Афғонистонда экстремистик ҳаракат сифатида ташкил топди. Ўз фаолиятида террорчилик усулларида фойдаланади. Усома-бин Ладен кўмагида толибонлар Марказий осий давлатларида диний-экстремистик ҳаракатларини кенг ёйишга уриндилар.

“Ижтимоий ислохотлар жамияти”

Штаби қувайтда жойлашган. Жамият у ерда нодавлат ташкилот мақомига эга. Аслида эса хайрия дастурлари ниқоби остида “Мусулмон биродарлар” уюшмасининг бош мақсади каби-бутун дунёда ислом ҳалифалигини тузишга ҳаракат қилишдир. Асосий фаолият шакллари-диний келишмовчиликларни ёйиш, жамиятни бўлиб ташлаш, Шимолий кавказда ҳарбий жиҳодни яширин тарзда молиявий таъминлаш.

“Ислом меросини тиклаш жамияти”

Штаби қувайтда жойлашган бўлиб, нодавлат ташкилот сифатида, хайрия фаолияти ниқоби остида “Ижтимоий ислохотлар жамияти” билан бир хил мақсадлар учун курашди.

“Хизбут-тахрир ал-исломий” (“Ислом озодлиги партияси”)

Бу партиянинг ҳам мақсадлари “Мусулмон биродарлар” ташкилотиники билан бир хил. Яқин шарқ ва қатор МДХ давлатлари ҳудудида унинг фаолияти тақиқланган.

“Хизбут-тахрир ал-исломий” (“ислом озодлиги партиясининг”)

Москванинг бўлинмасини Россия Федеацияси ИИВ ва Федерал хавфсизлик хизмати (ФХХ) ҳамкорликда зарарсизлантирди. Бу партия ўз таъсирини Россия ҳудудида ёйишга интиланган.

Ташкилот дастлаб Ўзбекистонда, унга қўшни давлатларда шариат бошқарувини жорий этиш, кейинроқ бу тартибни Россиянинг мусулмонлар кўпчилигини ташкил этадиган ҳудудларга ёйишни режалаштирган. Россия ФХХ жамоатчиликлари билан алоқа қилиш маркази раҳбарининг айтишича, “ислом озодлиги партияси” (ИОП) тузилмалари мамлакатнинг катта қисмига тарқалган. Унинг таъкидлашича бу гуруҳ ноқонуний қуролли тузилмалар учун одам ёдлаш, уларни моддий таъминлаш билан шуғулланган.

“Ўзбекистонга хавф солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар”

1. “Ислом уйғониш партияси” (1989-1991)

2. “Адолат”, “ислом лашкарлари” (1990-1992)

3. “Тавба”, “Хизбуллоҳ” (1991-1995) Мухолиф кучлар

томонидан таъминланиб фаолият кўрсатмоқда.

4. “Акримийлар” (1997-1999) Андижонлик Акрим Йўлдошев (1960 йилда туғилган) “Имонга йўл” (1992) номоли дастур тузган.

5. “Ваҳхобийлик” Диний экстремистик оқимнинг ташкилий тизими бўлимиш “Ўзбекистон Ислом ҳаракати” жаҳоннинг етакчи халқаро террористик ташкилотлари-“Толибон ҳаракати” Усома бин Ладеннинг “Ал-қоида” ташкилоти, “Ҳаракат ул Ансор”, “Ал-Жиход” қабила билан тил бириктириб, уларнинг бевосита раҳнамолигида ташкил этилган.

6. “Ҳизбут таҳрир ал-исломий” диний экстремистик партияси суннийлик доирасидаги сиёсий партия бўлиб, 1953 йилда Қуддус шаҳрида фаластинлик Тақиюддин Наҳабоний томонидан ташкил этилган.

Халқаро терроризмни бартараф қилиш амалиётида «Ўзбекистон омили»

Марказий Осиё минтақаси террорчилик билан боғлиқ қайноқ нуқталар бири ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикаси билан чегарадош Афғонистон ва бир минтақада жойлашган Покистон каби давлатлар ҳудудида жоноятчи-террорчилар ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистонга киришишга ҳаракат қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикаси террорчиликни бартараф қилиш билан боғлиқ ишларга дунё жамоатчилигини жалб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов халқаро ташкилотлар – БМТ, ЕХХТ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ ва бошқа ташкилотларнинг минбарларидан сўзлаган нутқларида минтақавий ва миллий кўламлардаги халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш лозимлигини бир неча бор таъкидлаган эди.

1999 йил ноябр ойида ЕХХТнинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида Президент И.А.Каримов БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини айтган эди.

Ана шу ташаббус 2000 йилнинг 7-8 сентябр кунлари БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган минг йиллик саммитида ҳам яна айtilди.

2002 йилнинг октябр ойида БМТ, ЕХХТ ва Ўзбекистон ҳукумати Тошкент шаҳрида чақирган халқаро конференцияда “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга бирлашиб ёндашиш” мавзуси муҳокама қилинди. 70 та мамлакат ва 40 та халқаро ташкилотлардан келган экспертлар халқаро терроризмга қарши туриш стратегиясига умумий ёндашувлар хусусида таклифларни тайёрладилар. Қарши туриш чора-тадбирлари кўриб чиқиладиганида экспертлар ташқи дағдаға ва таҳдидларни алоҳида эътиборга олиш лозимлигини таъкидладилар.

Миллий хавфсизликни таъминлашда 2000 йилнинг декабр ойида қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни катта аҳамият касб этади. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирча барча мамлакатларда ҳам ана шундай қонунлар қабул қилинмаган.

Марказий Осиё давлатлари учун диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг хавфи 1990 йилда Наманган ва Андижонда, 1990-1996 йилларда Тожикистондаги фуқаролик уруши ва можаролар давомида, 1999 йилда Тошкент шаҳрида, 1999 йил 19- февралда Тошкент шаҳрида, 1999-2001 йиллари Қирғизистоннинг Бодкен, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятида, 2004 йил март-апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида амалга оширган террорчилик ҳаракатлари тимсолида ўзини кўрсатди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1998 йилда ташкил топган 6+2 гуруҳининг Афғонистон масаласини ҳал қилишда ва Тошкент Декларациясининг аҳамияти жуда муҳимдир.

Афғонистондаги вазият юзасидан мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан 2008 йилнинг апрел ойида Бухарестда бўлиб ўтган НАТО самитидаги маърузасида илгари сурилган таклифлари ниҳоятда ўринлидир. Улар қуйидагилар:

Биринчидан – ғоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга ега.

Бунда биз энг асосий вазифа – аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини кўрамиз.

Айни пайтда буларнинг барчаси жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан – кўпмиллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

Нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор.

Учинчидан – давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислохотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бунда, биринчи навбатда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка еришиш ислохотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини еътиборга олиш зарур.

Тўртинчидан – қўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон ҳудудида, ҳал этиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан – 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, Америка Қўшма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларида ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка еришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман...

2001 йилгача фаолият кўрсатган “6+2” мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, “6+2”ни “6+3” гуруҳига айлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз²⁶.

2001 йил 28-сентябрда БМТ нинг Ҳавфсизлик Кенгаши 1373-сонли резолюциясини қабул қилиб, Ҳавфсизлик Кенгаши ҳузурида терроризмга қарши кураш комитетини тузди. Бу ҳам Ўзбекистон ташаббуси эди.

Ўзбекистон БМТ хавфсизлик кенгаши ҳузуридаги терроризмга қарши кураш қўмитаси ишида МДҲдаги антитеррор маркази ишида қатнашиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида тегишли ишларни адо этмоқда, антитеррор кучлар халқаро уюшмаси куч-ғайратларига ҳамқадам бўлмоқда.

Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти(МОҲТ) иш режаларига ҳам хавфсизликнинг умумий муҳитини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кирган. Шу жумладан, терроризмга қарши туриш чора-тадбирлари ҳам бу режаларда акс этган.

Ҳозир БМТнинг терроризмга қарши туришга қаратилган 13 та ҳужжати бор.

Ўзбекистон ана шундай халқаро шартномаларни ратификация қилди. Улар қаторида:

1971 йилдаги фуқаро авиациясининг хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш:

1973 йилдаги халқаро химоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятлар учун жазолаш ва уларни бартараф этиш:

1979 йилдаги гаровга олиш ҳаракатларига қарши кураш:

1980 йилдаги ядровий материалларнинг химояси:

1988 йилдаги денгиз кемалари ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган ноқонуний актларга қарши кураш:

1997 йилдаги бомбавий терроризмга қарши кураш:

²⁶ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайтидан <http://uza.uz/uz/politics/2989/>

1999 йилдаги терроризмни молиялаштиришга қарши кураш халқаро конвенсиялари борлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Европа Кенгаши доирасида ҳам терроризмга қарши 7 та халқаро шартномани имзолаган.

Жамиятнинг барқарор ривожланишида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тадрижий ва тизимли равишда амалга ошириладиган ислохотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, туб, сифатий ўзгаришларнинг асосини ташкил этади.

Хуқуқий давлат қуриш борасида республикамызда кенг миқёсли ишлар амалга оширилиб, бу йўналишда катта ютуқларга эришилди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган ва миллий ўзлигимзини акс эттирадиган Конституция қабул қилинди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган, жаҳон миқёсида эътироф этилган кўплаб халқаро декларация, конвенция ва ҳужжатларга қўшилди ва шундан келиб чиқадиган сиёсий ва ҳуқуқий қоидалар республикамызнинг сиёсий тараққиётида ва ҳуқуқий меъёрий тизимни ривожлантириш жараёнида инобатга олинмоқда. Лекин бу борада ҳали муайян муаммолар мавжуд. Чунки қисқа вақт мобайнида бундай ҳар томонлама ва чуқур ўзгаришларни амалга ошириш уда қийин. Айни пайтда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қамров доираси кенгайиб, ривожланиб бораётганини ва ҳар бир мамлакатда ўзога хос тарзда намоён бўлаётганини таъкидлаш лозим. Толерантлик (бағрикенглик) муносабати барча ижтимоий гуруҳлар ва шахслар орасида амалга оширилган тақдирдагина дунёвий давлат ва жамият барпо этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига биноан миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ҳамда жаомат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланган. Жаҳон ҳуқуқшунослик фани тажрибаси асосида қабул қилинган бу қоида давлатимизда миллий ва диний асосда низо пайдо бўлишининг олдини олиш учун хизмат қилувчи конституциявий кафолатдир.

Жамият барқарорлигига тўсиқ бўлувчи иллатларнинг яна бири терроризмдир. Нега инсон уни дунёга келтирган Она Юрти, Ватани, миллатига қарши чиқади? Нега ғайриинсоний фаолият юритиб, ўз юртдошларини ўлдиради, бутун халқ меҳнати билан яратилган биноларни, иншоотларни вайрон қилади? Бундай ваҳшиёна фаолият кўпинча сиёсий мақсадларда –ҳокимиятни эгаллаш учун амалга оширилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бозор иқтисодиётини шакллантиришда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, дунёвий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояси ва комил инсонни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ислохотлар-юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, барқарор ривожланишининг асосий омиллари ҳисобланади.

Халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш учун дадил ҳаракат қилаётган Ўзбекистон Республикаси олий сиёсий раҳбарияти мустақилликнинг биринчи сонияларидан халқаро терроризмнинг инсоният ва қолаверса, эндигина мустақилликни қўлга киритиб демократик ривожланиш сари қадам нечоғлик хавфли эканлигини чуқур англаб етди. Кейинги пайтда диний экстремизга таяниб иш юритаётган халқаро терроризмга кескин зарба бериш миллий хавфсизлик стратегиямизнинг устувор йўналиши сифатида ҳаёт-мамот манфаатлари тизимидан алоҳида ўрин эгаллаганлиги ҳам давлатимизнинг бу умумпланетар азму-қарорда турган ўрнининг ўзига хослигининг яққол исботи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва жаҳон халқи осойишталиги ва ривожланишига қарши қаратилган халқаро терроризмни бугун ҳарқачонгидан кўра кучайганлигини эътиборга олиб сиёсий раҳбарият муҳим таклиф ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди ҳамда бу борада барча хайрихоҳ кучлар, сиёсий блоклар ва давлатлар билан ҳамкорликка тайёр. Улар орасида ён қўшни давлатлар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса ўз-ўзидан равшан. «тинчлик ва барқарорликка, миллатлараро тотувлик ва минтақамиз халқлари ҳамда давлатларининг анъанавий дўстлигига, ҳамжиҳатлигига таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўриш-бугунги кунда энг долзарб вазифамиздир» - деб таъкидланади Президентимизнинг Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясида нутқида. Шу муносабат билан бир неча муҳим жиҳатларни алоҳида таъкидлаш ўринлики; у ҳам бўлса айнан ён қўшни худудий туташдавлатлар билан ҳамкорлик масаласи билан боғлиқ.

Тўғри, бошқа узоқ ва яқин давлатлар билан ҳам ҳамкорлик албатта зарур. Аммо бир томони алоҳида эътиборга сазовор. Сўз сиёсатда, ташқи сиёсатда, хусусан ташқи сиёсий ва миллий манфаатларни таъминлашда замон ва макон зайли туфайли объектив худудий тугаш бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш. Ўзаро ишонч асосида иш юритиш ҳар доим катта самаралар бериб келган.

Бу исбот талаб қилмайдиган аксиоматик томони бўлса, унинг иккинчи муҳим, керак бўлса сиёсий жиҳати азалдан қон-қариндош бўлиб, оламга муносабат, сиёсий жараёнларни ҳазм этиш, ўзга халқларга бўлган муносабат ва қолаверса, кундалик ҳаёт ва тафаккур тарзида ўхшашалик, яъни синхронлик кўпроқ бўлган субъектлар (бу айниқса давлатларга хос) у ёки бу муаммони бартараф этишда бирлашиш, жипслашиш нуқтаи назаридан ҳали муомалага киритилмаган чексиз имкониятлар майдони эканлиги тўғрисида бороқда. Бу жараёни Ғарбий Европа, Евроатлантика, Осиё ва Тинч океан ва араб дунёси сингари геотарихий минтақаларда нафақат сиёсатда балки, маданий-маънавий қадриятларга нисбатан ўзаро яқин

бўлган мамлакатлар сиёсий фаолияти, хулқи-атвори ва келажак режаларида кузатиш имконига эгамиз.

Ва, ниҳоят, учинчи, балки бугунги кун нуқтаи назаридан энг муҳим жиҳат, халқаро терроризм эндиликда, барча Марказий Осиё давлатларига баробар хавф солаётганлиги ҳамда энг муҳими хавфни фақатгина бир жон ва бир тан бўлиб бартараф этилишининг расмий эътироф этилаётганлиги билан боғлиқ.

Давлатимиз ташқи сиёсий стратегиясини кузатиб борар эканмиз, кейинги йилларда президентимизнинг ана шу жиҳатга устивор ва жиддий аҳамият бераётганлигининг гувоҳи бўламиз. У, жумладан, 2000 йилнинг ўзида МДХ давлатлари бошлиқларининг олий даражадаги саммитларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Душанбе ва Бишкек учрашувлари «Шанхай Бирлиги ҳаракати» (2001 йил) давлатлари бошлиқлари ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган матбуот-конференцияларда диний экстремизм ва халқаро терроризм бир марказдан бошқарилаётганлиги, минтақа давлатлари бу борада керак бўлса, тарихий яқдилликка аҳду-паймон қилишлари ва, энг зарури, бу офатни бирлашган ҳолда даф этиш борасида зудлик билан аниқ чорақтадбирлар ишлаб чиқиши лозимлигини қайта-қайта таъкидлаганлар.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига суқилиб кирган бир гуруҳ ватангадо жангарилар тўдасига қарши кураш ҳамда Қирғизистон ҳудудига яширин йўллар билан кириб келиб нафақат Қирғизистонга, балки Ўзбекистонга ҳам бевосита хавф солаётган ҳарбий тўқнашувларга нисбатан қўшни, иттифоқдош давлат ва Ўзбекистон ўртасида қарор топаётган яқдилликнинг амалдаги кўринишлари Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг ҳар томонлама пухта ўйланганлигининг исботи бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти халқаро терроризмга қарши курашнинг бошқа муҳим йўл ва воситаларидан ҳам унумли фойдаланишга интилмоқда. Жумладан, И. Каримов жаҳон ҳамжамияти (1999 й. Истамбул) ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган давлатлар раҳбарлигининг (2000 й. Москва) эътиборини халқаро терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказга асос солиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ушбу ташаббус унинг россия давлат бошлиғи ҳамда минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган олий даражадаги музокараларга маъқулланиб, бу борада аниқ ишлар амалга оширилмоқда.

Кўриб турганимиздек, халқаро терроризмга Ўзбекистон раҳбарияти томонидан берилаётган кескин сиёсий баҳо, майдонига сурилаётган аниқ сиёсий ташаббус ва ниҳоят, давлатимиз намоиш этаётган қатъият терроризмга қарши бошланган кураш кескин, доимий, узоқ муддатли ва ҳал қилувчи босқичга ўтаётганлигидан далолат беради. Демак, бир томондан-адолат ва эзгулик ва жаҳолат ўртасида кучаяётган ҳаёт-мамот кураши демократия ва мустақилликнинг узил-

кесил ғалабаси билан якунланиши учун зарур сиёсий иқлим ва шарт-шароит вужудга келмоқдаки, бу барчамизда буюк келажагимизга бўлган ишонч туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Таянч сўз ва иборалар

Террор лотинча- қўрқитиш, даҳшат, тажовуз, таҳлика маъноларини билдиради.

Терроризм-рақибларни зўравонлик йўли билан йўқ қилиш. Жамиятдаги барқарорликни йўқотиш, аҳолини қўрқувга солиш.

Ҳорижийлар араб тилида ажралишганлар маъносини билдиради-ислом дини тарихида биринчи ажралиб чиққан тармоқ оқими.

Глобаллашув-ҳозирги дунёнинг комплексли, тизмли бирлигининг ўсишини билдиради.

Конфессия лотинча- диний, чековий тушунчани билдиради. Ўзбекистонда ҳозир 16 хил конфессия мавжуд.

Камикадзе японча ҳарбий учувчи- иккинчи жаҳон урушида самалётни душманларга қарши ташлаб ҳалок бўлган. Ҳозирги кунда терроризмда ўзини-ўзи қурбон қилганлар камикадзе дейилади.

Шаҳид арабча гувоҳ-исломда дин йўлида ҳалок бўлган шахс. Ҳадисларга кўра Шаҳид имонини кофирларга қарши урушда ҳалок бўлиши билан тасдиқлайди.

Жохид арабча ғайрат қилиш, кучни ишга солиш-дин йўлида кураш. Дастлаб жиход дейилганда исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушунилган. Ҳозирги кунда халқаро майдонда ислом дини билан ниқобланган террорчилар жиходдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганлар.

Иерархия грекча- бир бутун нарса қисмлари ёки элементларнинг тартиб бўйича юқоридан пастга қараб жойлашуви.

Халқаро хавфсизлик - тинчликни сақлашнинг халқаро манбаларидан бири бўлиб, унга эришиш учун халқаро ташкилотлар ўзаро ёхуд бир ёки бир неча давлатлар билан шартнома тузади

Хавфсизлик муҳити - давлатлар ўртасидаги ҳамжихатликка, барқарорликка, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилишга боғлиқ бўлган жараён. Халқаро хавфсизлик тизими - халқаро хавфсизлик тизимига кирган ҳар бир давлатнинг барқарорлик ва такомиллашишидан туб манфаатдор бўлиб, шу тизимни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ёки тизим сифатида халқаро хавфсизлик унга дахлдор бўлган барча субъектларни хоҳиш иродаси, ҳулқ-атвори ва мўлжалларига боғлиқ.

Хавфсизлик ресурслари - умумий консенсус принципи, амалий ҳамкорликка ўтиш билан, давлатларнинг хавфсизликни сақлаш борасида биргаликда қабул қиладиган халқаро ҳужжат, пакт, акт ва шартнома кабилар билан белгиланади.

Консенсус - розилик, келишув, умумий фикр, халқаро конференциялар, йиғилишлар ва халқаро ташкилотларда қарор ёки

шартнома матнини, мазкур форумда иштирок этаётганларнинг ҳеч бири қарши овоз билдирмаган ҳолатларда уларнинг умумий розилиги асосида овозга қўймасдан қабул қилиш.

Асосий стратегия - иқтисод, сиёсат ва маданиятнинг ҳаётий муҳим тармоқлари тараққиёти асосий йўналишлари ва қонуниятларини акс эттирувчи тизимли ҳужжатлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқаро хавфсизликнинг тизими ва тартиботини изоҳлаб беринг?

2. Анъанавий хавфсизлик билан минтақавий хавфсизликнинг хусусиятларини баён этинг.

3. Миллий хавфсизлик ва уни барқарорлаштирувчи омиллар ҳақида гапириб беринг.

4. Миллий хавфсизлик стратегиясида унинг қандай даражаларини ҳисобга олиш лозим бўлади?

5. Консенсус нима ва унинг мақсад, хусусиятларини изоҳланг.

6. Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлашда Президент Ислом Каримовнинг ролини қандай таҳлил қиласиз?

7. Президент Ислом Каримов ўзининг қайси асарида умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка таҳдид ҳақида гапиради. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари деганда Юртбошимиз нималарни назарда тутган эди?

8. Хавфсизликнинг умумбашарийлашувининг объектив васубъектлар ҳамда ундан келадиган самарани нималарда кўрасиз?

9. Тараққиёт билан барқарорлик ўртасида қандай мутаносиблик бор?

10. Ўзбекистоннинг хавфсизлигига салбий таъсир этаётган жараён ва тенденцияларни нимада кўрасиз, уларни бартараф этишни қандай йўллари тавсия эта оласиз?

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёнотида қандай минтақавий кескин вазият ҳақида фикр юритилади ва уни шарҳлаб беринг?

12. Президент Ислом Каримов қандай халқаро ташкилотларда халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалаларини илгари сурди ва унинг конструктив таклифлари нималардан иборат эди?

Қўшимча маълумотлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

“Бирлашган миллатлар” атамаси илк бор 1942 йилнинг 1 январида Вашингтон декларациясида пайдо бўлди. Ушбу атамани АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Франклин Делано Рузвелт таклиф қилган. 1945 йил 24 октябрда Сан-Франсиско шаҳрида БМТ устави уни

имзолаган 51 давлат томонидан ратификация қилинган. Шундан бери ҳар йили 24 октябрни жаҳон ҳамжамияти БМТ кунини сифатида нишонлайди. Дастлаб Бирлашган миллатлар ташкилотига 51 давлат аъзо бўлган. Ҳозирги кунга келиб аъзолари сони 188 та. БМТга энг охири қўшилган давлатлар Шарқий Тимор Республикаси ва Швейцария Конфедерациясидир. БМТ қароргоҳи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Худди шу ерда 1946 йилда Бош Ассамблея Манхеттен оролининг Шарқий чегарасида 18 акр ер майдонига эга бўлган жойни эгаллаган. Ҳозир бу жой - БМТ мулки ва халқаро ҳудуд ҳисобланади. БМТ ўз расмий нишони ва байроғига эга. БМТ нишонида зайтун шохлари билан ўралган ер шари ифодаланган. Байроғи кўк матоли бўлиб, унинг марказида БМТ нишони оқ рангда ифодаланган. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари БМТнинг расмий тиллари ҳисобланади. БМТнинг бош органлари Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши, Халқаро Суд ва Котибият ҳисобланади. Ҳозирги кунда БМТнинг 16 та ихтисослашган муассасаси мавжуд. Улар орасида энг таниқлилари: ЮНЕСКО, ЮНИДО, ХВФ (*халқаро валюта фонди*), МАГАТЕ. Ташкилотнинг тинчликпарвар қуролли кучлари норасмий равишда мовий каскалар деб номланади. Ватикан Муқаддас тахти (*Ватикан давлатининг расмий номи*) БМТга аъзо эмас, у кузатувчи мақомида иштирок этади. 1947 йилда БМТ ўз фаолиятини Би-Би-Си орқали реклама қилган.

БМТ томонидан белгиланган тадбирлар

1990-1999 йиллар - БМТнинг халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги;

1999 - Халқаро қариялар йили;

2004 йил - Халқаро гуруч йили;

2005 йил - Халқаро микрокредитлар йили.

Бош Ассамблея

Бош Ассамблея асосий маслаҳат органи ҳисобланади. Бош Ассамблея барча аъзо давлатлар вакилларида таркиб топган бўлиб, унда ҳар бир давлат бир овозга эга. Тинчлик ва хавфсизлик, янги аъзоларни қабул қилиш ва бюджет муаммолари каби муҳим масалаларни ҳал қилишда учдан икки овоз талаб қилинади. Бош масалалар эса кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинаверади.

Вазифа ва ваколатлари

Низомга мувофиқ Бош Ассамблея қуйидаги вазифа ва ваколатларга эга:

- Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ҳамкорлик тамойилларини назарда тутган ҳолда қуролсизланишни белгилайди ва қуролланишни бошқариб боради, шу жумладан ушбу тамойилларга муносабат борасидаги таклифларни ишлаб чиқади;

- Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ҳар қандай масалаларни муҳокама қилади ва бу масалалар юзасидан тавсияларни

тайёрлайди, булардан Хавфсизлик Кенгаши кўриб чиқиши лозим бўлган мунозара ёки вазиятлар мустаснодир;

- Низом доирасидаги ҳар қандай масалага ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир органи ваколати ва вазифасига тегишли муаммоларни муҳокама қилади, таклифлар беради;

- Сиёсий соҳада халқаро ҳамкорликка кўмаклашади, халқаро ҳуқуқни кодификация қилади ва ривожлантиради, инсон ҳуқуқларини ва барчанинг эркинлиги асосларини амалга оширади, иқтисодий ва ижтимоий соҳада халқаро ҳамкорликка кўмаклашади, шунингдек маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш мақсадларида тадқиқотларни ташкил қилади ва бу борада тавсиялар беради;

- Миллатлар ўртасидаги дўстона алоқаларга зиён етказувчи ҳар қандай вазиятнинг келиб чиқишидан қатъий назар уни тинч йўл билан ҳал қилиш учун чора-тадбирлар таклиф этади;

- Хавфсизлик Кенгаши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари маърузаларини олиб, кўриб чиқади;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюджетини кўриб чиқади, тасдиқлайди ва айрим аъзолар бадаллари миқдорини аниқлайди;

- Хавфсизлик кенгашининг доимий бўлмаган аъзолари, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва Васийлик Кенгаши аъзоларини сайлайди;

- Хавфсизлик кенгаши билан биргаликда Халқаро Суд судьяларини сайлашда иштирок этади. Хавфсизлик Кенгаши таклифига кўра Бош котибни тайинлайди.

Сессиялар

Бош Ассамблеянинг навбатдаги сессиялари одатда ҳар йили сентябр ойида чақирилади. Ассамблеянинг ҳар бир навбатдаги сессияси очилишидан олдин янги Раис, Раиснинг 21 ўринбосари ва Ассамблеянинг олти асосий комитет раислари сайланади. Жуғрофий жиҳатдан ваколатларнинг адолатли ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ассамблея раислиги лавозимини ҳар йили навбатма-навбат беш гуруҳ давлатлар вакиллари эгаллайдилар. Бу гуруҳлар Африка, Осиё, Шарқий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси, Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа давлатлардан ташкил топган.

Бундан ташқари Ассамблея Хавфсизлик Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг кўпчилиги талабига мувофиқ махсус сессияга тўпланиши ёки у Ташкилот бир аъзосининг кўпчилик аъзолар билан келишгани ҳолда ҳам чақирилиши мумкин. Фавқулодда махсус сессия Кенгашнинг ҳар қандай тўққиз аъзоси овози қабул қилинганда Хавфсизлик Кенгаши талаби билан 24 соат ичида чақирилиши мумкин ёки бундай сессия БМТ аъзолари кўпчилигининг талабига кўра ҳамда бир аъзонинг бошқа кўпчилик аъзолар билан келишган ҳолатида ҳам чақирилиши мумкин.

Ассамблеянинг ҳар бир навбатдаги сессияси бошланишида умумий музокаралар ўтказилади, кўпинча уларда давлат ва ҳукуматларнинг бошлиқлари сўзга чиқади. Сессия ишида аъзо давлатлар халқаро масалалар бўйича ўз қарашларини кенг доирада баён қилади. Сўнгра кўпгина масалалар олти асосий қўмитада муҳокама қилинади. Бу қўмиталар қуйидагилар:

- Биринчи Қўмита (қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича);
- Иккинчи Қўмита (иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича);
- Учинчи Қўмита (ижтимоий ва инсонпарварлик масалалари ҳамда маданият масалалари бўйича);
- Тўртинчи Қўмита (махсус сиёсий масалалар ва мустамлакачиликдан қутилиш муаммолари бўйича);
- Бешинчи Қўмита (маъмурий ва бюджет масалалари бўйича);
- Олтинчи Қўмита (ҳуқуқий масалалар бўйича).

Айрим масалалар асосий қўмиталарда эмас, балки одатдаги йиғилишларда кўриб чиқилади. Барча масалаларга, одатда, навбатдаги сессия охиригача резолюция бўйича овоз берилади, шундан сўнг қўмиталардаги каби уларнинг кўриб чиқилиши яқунланиб, резолюция лойиҳаси йиғилишга тақдим қилинади.

Қўмиталарда овоз бериш - оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ялпи йиғилишларда резолюция қаршиликларсиз, овозга қўйилмасдан оддий маъқуллаш орқали қабул қилиниши ҳам мумкин, қарорга ёзиш ёки номма-ном овоз бериш йўли билан ҳам резолюция қабул қилинади.

Ассамблея қарори ҳукуматлар учун ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмасда, унда муҳим халқаро масалалар бўйича жаҳон жамоатчилигининг фикр-мулоҳазалари, шунингдек жаҳон ҳамжамиятининг маънавий обрў-эътибори ётади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йил давомидаги ишлари Бош Ассамблея қарорлари асосида, яъни кўпчилик аъзоларнинг резолюцияда баён этилган хоҳиш-истаклари ва Ассамблея қабул қилган қарорлар асосида олиб борилади.

Ушбу ишлар қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- Қуролсизланиш, тинчликни қўллаб-қувватлаш, тараққиёт ва инсон қуҳуқлари каби аниқ масалаларни ўрганиш Ассамблея томонидан тузилган қўмиталар ва бошқа органлар томонидан;
- Ассамблея томонидан чақирилган халқаро конференцияларда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибияти, Бош котиб ва унинг халқаро фуқаролик хизматидаги ходимлари томонидан амалга оширилади.²⁷

²⁷ <http://unagencies.undp.uz/unic/uzb/bodies/index.php?PHPSESSID=0a48cb2186587eb716e030d8a732ae5d>

Хавфсизлик Кенгаши

Умумий маълумот

Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун Низомга мувофиқ бош масъулиятни ўз зиммасига олади.

Кенгаш 15 аъзодан иборат: 5 доимий аъзо - Хитой, Франция, Россия Федерацияси, Буюк Британия ва Қўшма Штатлардан ва Бош Ассамблея томонидан икки йил муддатга сайланган 10 аъзодан.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Расмий масалалар 15 аъзодан камида 9 таси овоз бергандагина қарор қабул қилинади. Амалий масалалар бўйича қарор қабул қилиниши учун тўққиз овоз, шу билан бирга Кенгаш доимий аъзолари барчасининг овози бир-бирига тўғри келиши лозим. Бу "буюк давлатларнинг якдиллиги" қондасини тез-тез "маън" қилиш деб ҳам аталиб турилади. Агар доимий аъзо қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у қарши овоз бериши мумкин, бу ҳол эса таъқиқ кучига эга. Доимий аъзоларнинг бешаласи ҳам у ёки бу вақтда бундай таъқиқлашни қўллашган. Агар доимий аъзо қарорни қўллаб-қувватламаса ва овоз беришни истамаса, бетараф қолиши ҳам мумкин.

Низомга мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари Хавфсизлик Кенгаши қарорига бўйсунishi ва уни бажариши лозим. Бундай вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари ҳукуматларга таклифлар беради, фақатгина Кенгаш аъзо давлатларнинг Низомга мувофиқ мажбуриятларни бажариши учун қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Вазифа ва ваколатлари

Низомга мувофиқ Хавфсизлик Кенгашининг вазифаси ҳамда ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро тинчлик ва хавфсизликни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва тамойилларига мос равишда қўллаб-қувватлайди;
- халқаро ихтилофни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай мунозара ва вазиятни ҳар томонлама текширади;
- бундай баҳсли мунозараларни ёки вазиятларни ечишда уларни бошқариш услубларни тавсия этади;
- қуролланишни бошқариш тизимини ҳосил қилиш учун режалар ишлаб чиқади;
- тинчликка таҳдид солинганда ёки уруш бошланганда қўлланилиши лозим бўлган тавсияларни белгилайди;
- куч ишлатиш билан боғлиқ тажовузларни тўхтатиш ёки огоҳлантириш учун Ташкилот аъзоларини иқтисодий санксиялар қўллашга чақиради;
- агрессорга қарши ҳарбий ҳаракатлар қўллайди;* янги аъзоларни қабул қилишга тавсиялар беради;

- "стратегик ҳудудларда" Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг васийлик вазифасини амалга оширади;
- Бош Ассамблеяга Бош котибни тайинлашга ва Ассамблея билан биргаликда Халқаро Суд судясини сайлашга тавсиялар беради.

Хавфсизлик Кенгаши шундай ташкил этилганки, унинг доимий иш олиб бориши учун аъзо давлатларнинг ҳар бирининг вакили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий муассасаларига доимий тарзда тавсия этилгандир. Кенгаш фақатгина Нью-Йоркдаги бош қароргоҳда ўтмасдан 1972 йилда Эфиопиянинг Аддис-Абеба шаҳрида, кейинчалик эса Панама пойтахтида ҳам ўтказилди.

Тинчликка таҳдид солиниши билан боғлиқ аризаларни Кенгашда кўриб чиқишдан олдин дастлаб томонларга можарони тинч йўл билан бартараф этиш таклиф қилинади. Бу борада кўпгина ҳолатларда Кенгашнинг ўзи текширувлар ўтказди, воситачилик ишларини амалга оширади. Кенгаш махсус вакилларни тайинлаши ёки Бош котибга бундай ишни амалга оширишни таклиф қилиши ва бу борада ўзининг хизматларидан фойдаланишни тавсия қилиши ҳам мумкин. Кенгаш мунозараларнинг тинч йўл билан хал қилиниши тамойилларини белгилайди.

Агар мунозаралар ҳарбий кучларнинг ишга солинишига олиб келса, Кенгаш энг аввало зудлик билан урушни тўхтатишга ҳаракат қилади. Кенгаш кўпгина ҳолатларда уруш оловини ўчириш ҳақида кўрсатмалар беради, унинг бундай кўрсатмалари уруш ҳаракатларининг кенгайиб кетишини чеклашда муҳим рол ўйнайди.

Кенгаш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчлик ўрнатиш кучларини қарама-қарши томонларни муросага келтириш, тинч вазиятни юзага келтириш учун йўналтириб, сулҳга эришув йўллари қидириб топиш имкониятини яратади. Низомнинг ВИИ бобига мувофиқ Кенгаш огоҳлантирувчи чораларни қўллаши, иқтисодий санксия (савдода маҳсулотни четга чиқариб сотиш ёки четдан киритишга ҳам чекловлар - эмбарго киритиши мумкин) ёки коллектив ҳарбий ҳаракат тўғрисида қарорлар қабул қилиши ҳам мумкин.

Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки (1945 йил 24 октябрдан) аъзоларидан эди. 1991 йил 24 декабрда Россия Федерацияси Президенти Борис Елсин БМТ Бош котиби номига хат йўллаб, 11 Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг қўллаб-қувватлагани ҳолда Совет Иттифоқининг Хавфсизлик Кенгаши аъзолиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари аъзолиги Россия Федерацияси зиммасида қолишлигини маълум қилди.²⁸

²⁸ <http://unagencies.undp.uz/unic/uzb/bodies/sc.php?PHPSESSID=0a48cb2186587eb716e030d8a732ae5d>

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш

Умумий маълумот

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини координация қилиш бўйича бош орган сифатида Низом билан тасдиқланган, шу билан бирга у БМТ махсус муассасалари ва институтлари фаолиятини бир "оила"дек юритиб туради. Кенгаш уч йил муддатга сайланган 54 аъзодан иборат. Қарорлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади, Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

Вазифа ва ваколатлари

Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) қуйидаги вазифа ва ваколатларга эга:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишда у марказий форум сифатида хизмат қилади ва аъзо давлатларга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқади;
- иқтисодий ва ижтимоий соҳада, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш бўйича халқаро масалаларга оид таклифларни ишлаб чиқади, маърузалар тузади ва тадқиқотлар ўтказди;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва инсон эркинлигига ҳурматни рағбатлантиради;
- халқаро конференциялар чақиради ва Бош Ассамблеяга тақдим қилиш учун конвенсия лойиҳаларини тайёрлайди;
- махсус маслаҳат муассасалари фаолиятини ва унга таклифлар тақдиротини мувофиқлаштиради, шунингдек бу борада Бош Ассамблеяга ва аъзо давлатларга маслаҳатлар беради;
- Кенгаш ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашади;
- ЭКОСОС ўзининг мувофиқлаштирувчи вазифасини мустаҳкамлаб, бутун тизимининг иқтисодий, ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга бу борада бутунжаҳон конференциялари якунларини ва тараққиётга эришиш мақсадидаги амалий фаолият устидан назоратни ҳисобга олади.

Сессиялар

Қоида бўйича Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳар йили бир марта беш ҳафталик асосий иш сессиясини ўтказди, бундай сессия навбати билан Нью-Йоркда ва Женевада ўтади. Сессия юқори даражадаги махсус йиғилишларига вазирлар ва бошқа юқори лавозимдаги кишиларни чақириб, йирик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама қилади. Кенгашнинг йил давомидаги ишлари унинг ёрдамчи органлари, комиссия ва қўмиталарда бир хил вақт оралиғида ўтиб, Кенгашга маърузалар тақдим этади.

Ёрдамчи ва кенгаш билан алоқадор органлар

Кенгашнинг ёрдамчи механизмларига қуйидаги органлар кирази:

- Тўққиз вазифадор комиссия маслаҳат органлари ҳисобланиб, улар ўз масъулияти ва хизмат доирасига кирувчи масалаларни кўриб чиқади ҳамда таклифлар тайёрлайди. Бу комиссияларга Статистика комиссияси, Аҳоли ва унинг ривожланиши бўйича комиссия, Ижтимоий ривожланиш комиссияси, Инсон ҳуқуқлари комиссияси, Хотин - қизлар масалалари бўйича комиссия, Гиёҳванд моддалар бўйича комиссия, Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов комиссияси, Фан ва техникани ривожлантириш комиссияси ва Барқарор тараққиёт бўйича комиссиялар.

- Беш минтақавий комиссия эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мамлакатларнинг гуруҳланишига қараб белгилангандир. Булар - Африка иқтисодий комиссияси (Аддис-Абеба, Эфиопия), Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Бангкок, Таиланд), Европа ижтимоий комиссияси (Женева, Швейсария), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси иқтисодий комиссияси (Сантьяго, Чили) ва Ғарбий Осиё иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Байрут, Ливан) дир. Ушбу минтақавий комиссияларнинг асосий вазифаси ҳар бир минтақа иқтисодий ривожланишига ёрдам чораларини кўриш, минтақа мамлакатларини мустаҳкамлашдан иборат.

- Тўрт доимий қўмита мавжуд бўлиб улар қуйидагилар: Дастур ва координация қўмитаси, Аҳоли пунктлари қўмитаси, Ноҳукумат ташкилотлар қўмитаси ва Ҳукуматлараро муассасалар билан музокаралар олиб бориш қўмитаси.

- Тараққиётни режалаштириш, табиий ресурслар ва иқтисодий ҳуқуқ, ижтимоий ва маданий соҳалар масалалари бўйича қатор эксперт органлари бор.

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли органларининг кенгашлари ва ижроия қўмиталари мавжуд (БМТ Болалар жамғармаси, Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссар Бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Жаҳон озиқ-овқат дастури, Хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий - тадқиқот институти), шунингдек Кенгаш Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш бўйича Халқаро кенгаш билан ҳам алоқада. Бош Ассамблея топшириғига кўра ҳозирги вақтда ЭКОСОС ўзининг вазифадор комиссиялари, эксперт гуруҳлари ва органлари, шунингдек минтақавий комиссиялар фаолиятининг умумий таҳлилини ўтказмоқда ва қайта кўриб чиқмоқда.

Ноҳукумат ташкилотлар билан муносабатлар

Низомга мувофиқ, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳуқуқ доирасига кирувчи масалаларда тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашади. Кенгаш қошидаги 1500дан ортиқ ноҳукумат ташкилоти маслаҳатчилик мақомига эга. Кенгаш эътироф этадики, ушбу ташкилотлар унга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятига эга бўлиши керак ва улар Кенгаш фаолияти учун ғоят қимматли бўлган махсус тажрибалар ёки техник кўникмаларга эга.

Кенгаш ноҳукумат ташкилотларни уч тоифага бўлади: 1-тоифага Кенгаш фаолияти турларига алоқадор ташкилотлар киради, 2-тоифага аниқ бир соҳаларда махсус ҳуқуқларга эга ташкилотлар, 3-тоифага эса Кенгаш айрим ҳолатлардагина маслаҳат ёрдами билан мурожаат қиладиган ташкилотлар киради.

Маслаҳат статусига эга бўлган ноҳукумат ташкилотлар Кенгаш ва унинг ёрдамчи органлари йиғилишлари очилишига кузатувчилар жўнатиши ҳамда Кенгаш ишига алоқадор ёзма аризалар бериши мумкин.

Йиллар ўтиб БМТ ва у билан алоқадор ноҳукумат ташкилотлар сезиларли ривожланишга эришдилар. Ноҳукумат ташкилотларга кўпроқ ҳамкор, БМТни фуқаролар жамиятлари билан боғловчи, сиёсат ва дастурлар масаласида маслаҳат берувчи муҳим бўғин сифатида қаралади. Ноҳукумат ташкилотлар ҳаммадан кўпроқ БМТ Низомида белгиланганларга эришиш мақсадида бутун дунёдаги Бирлашган Миллатлар жамиятлари билан мунтазам ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш

Умумий маълумот

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини координация қилиш бўйича бош орган сифатида Низом билан тасдиқланган, шу билан бирга у БМТ махсус муассасалари ва институтлари фаолиятини бир "оила"дек юритиб туради. Кенгаш уч йил муддатга сайланган 54 аъзодан иборат. Қарорлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади, Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

Вазифа ва ваколатлари

Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) қуйидаги вазифа ва ваколатларга эга:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида халқаро иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишда у марказий форум сифатида хизмат қиладиган ва аъзо давлатларга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқади;
- иқтисодий ва ижтимоий соҳада, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш бўйича халқаро масалаларга оид таклифларни ишлаб чиқади, маърузалар тузади ва тадқиқотлар ўтказади;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва инсон эркинлигига ҳурматни рағбатлантиради;
- халқаро конференциялар чақиради ва Бош Ассамблеяга тақдим қилиш учун конвенсия лойиҳаларини тайёрлайди;
- махсус маслаҳат муассасалари фаолиятини ва унга таклифлар тақдимотини мувофиқлаштиради, шунингдек бу борада Бош Ассамблеяга ва аъзо давлатларга маслаҳатлар беради;
- Кенгаш ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашади;

- ЭКОСОС ўзининг мувофиқлаштирувчи вазифасини мустаҳкамлаб, бутун тизимининг иқтисодий, ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга бу борада бутунжаҳон конференциялари якунларини ва тараққиётга эришиш мақсадидаги амалий фаолият устидан назоратни ҳисобга олади.

Сессиялар

Қоида бўйича Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳар йили бир марта беш ҳафталик асосий иш сессиясини ўтказди, бундай сессия навбати билан Нью-Йоркда ва Женевада ўтади. Сессия юқори даражадаги махсус йиғилишларига вазирлар ва бошқа юқори лавозимдаги кишиларни чақириб, йирик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни муҳокама қилади. Кенгашнинг йил давомидаги ишлари унинг ёрдамчи органлари, комиссия ва қўмиталарда бир хил вақт оралиғида ўтиб, Кенгашга маърузалар тақдим этади.

Ёрдамчи ва кенгаш билан алоқадор органлар

Кенгашнинг ёрдамчи механизмларига қуйидаги органлар киради:

- Тўққиз вазифадор комиссия маслаҳат органлари ҳисобланиб, улар ўз масъулияти ва хизмат доирасига кирувчи масалаларни кўриб чиқади ҳамда таклифлар тайёрлайди. Бу комиссияларга Статистика комиссияси, Аҳоли ва унинг ривожланиши бўйича комиссия, Ижтимоий ривожланиш комиссияси, Инсон ҳуқуқлари комиссияси, Хотин - қизлар масалалари бўйича комиссия, Гиёҳванд моддалар бўйича комиссия, Жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судлов комиссияси, Фан ва техникани ривожлантириш комиссияси ва Барқарор тараққиёт бўйича комиссиялар.

- Беш минтақавий комиссия эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан мамлакатларнинг гуруҳланишига қараб белгилангандир. Булар - Африка иқтисодий комиссияси (Аддис-Абеба, Эфиопия), Осиё ва Тинч океани минтақаси иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Бангкок, Таиланд), Европа ижтимоий комиссияси (Женева, Швейсария), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси иқтисодий комиссияси (Сантяго, Чили) ва Ғарбий Осиё иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (Байрут, Ливан) дир. Ушбу минтақавий комиссияларнинг асосий вазифаси ҳар бир минтақа иқтисодий ривожланишига ёрдам чораларини кўриш, минтақа мамлакатларини мустаҳкамлашдан иборат.

- Тўрт доимий қўмита мавжуд бўлиб улар қуйидагилар: Дастур ва координация қўмитаси, Аҳоли пунктлари қўмитаси, Ноҳукумат ташкилотлар қўмитаси ва Ҳукуматлараро муассасалар билан музокаралар олиб бориш қўмитаси.

- Тараққиётни режалаштириш, табиий ресурслар ва иқтисодий ҳуқуқ, ижтимоий ва маданий соҳалар масалалари бўйича қатор эксперт органлари бор.

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти турли органларининг кенгашлари ва ижроия қўмиталари мавжуд (БМТ Болалар жамғармаси,

Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссар Бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Жаҳон озиқ-овқат дастури, Хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий - тадқиқот институти), шунингдек Кенгаш Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш бўйича Халқаро кенгаш билан ҳам алоқада. Бош Ассамблея топшириғига кўра ҳозирги вақтда ЭКОСОС ўзининг вазифадор комиссиялари, эксперт гуруҳлари ва органлари, шунингдек минтақавий комиссиялар фаолиятининг умумий таҳлилини ўтказмоқда ва қайта кўриб чиқмоқда.

Ноҳукумат ташкилотлар билан муносабатлар

Низомга мувофиқ, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳуқуқ доирасига кирувчи масалаларда тегишли ноҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашади. Кенгаш қошидаги 1500дан ортиқ ноҳукумат ташкилоти маслаҳатчилик мақомига эга. Кенгаш эътироф этадики, ушбу ташкилотлар унга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имкониятига эга бўлиши керак ва улар Кенгаш фаолияти учун ғоят қимматли бўлган махсус тажрибалар ёки техник кўникмаларга эга.

Кенгаш ноҳукумат ташкилотларни уч тоифага бўлади: И тоифага Кенгаш фаолияти турларига алоқадор ташкилотлар киради, ИИ тоифага аниқ бир соҳаларда махсус ҳуқуқларга эга ташкилотлар, ИИИ тоифага эса Кенгаш айрим ҳолатлардагина маслаҳат ёрдами билан мурожаат қиладиган ташкилотлар киради.

Маслаҳат статусига эга бўлган ноҳукумат ташкилотлар Кенгаш ва унинг ёрдамчи органлари йиғилишлари очилишига кузатувчилар жўнатиши ҳамда Кенгаш ишига алоқадор ёзма аризалар бериши мумкин.Йиллар ўтиб БМТ ва у билан алоқадор ноҳукумат ташкилотлар сезиларли ривожланишга эришдилар. Ноҳукумат ташкилотларга кўпроқ ҳамкор, БМТни фуқаролар жамиятлари билан боғловчи, сиёсат ва дастурлар масаласида маслаҳат берувчи муҳим бўғин сифатида қаралади. Ноҳукумат ташкилотлар ҳаммадан кўпроқ БМТ Низомида белгиланганларга эришиш мақсадида бутун дунёдаги Бирлашган Миллатлар жамиятлари билан мунтазам ҳамкорлик қилмоқда.

Васийлик Кенгаши

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири Васийлик кенгашидир. У низомга мувофиқ васийлик тизимига кирувчи ҳудудларни назорат қилиш учун ўн бир дастлабки васийлик ҳудудлари аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш мақсадида тузилган бўлиб, бу ҳудудлар тараққиётини ўз-ўзини бошқаришга ва мустақиллик сари йўналтирди. Васийлик кенгаши Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан, яъни Хитой, Франция, Россия Федерацияси, Буюк Британия ва Қўшма Штатлардан ташкил топган.

Низом бўйича Васийлик Кенгаши бошқараётган ҳокимиятларнинг васийлик ҳудудидаги халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ва маориф соҳасидаги тараққиёти тўғрисидаги маърузаларини кўриб чиқади ва бу ерларга махсус

топшириқ билан вакиллар юборади. Ҳозирги вақтга келиб барча васийлик остидаги ҳудудлар ўз-ўзини бошқаришга ёки алоҳида давлат сифатида мустақилликка эришдилар ёки бўлмаса қўшни мустақил мамлакатлар билан бирлашдилар. 1994 йилда Хавфсизлик Кенгаши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки ўн бир васийлик ҳудудларининг охиргисига, яъни Қўшма Штатлар томонидан бошқарилган Тинч океани ороллари (Палау) нисбатан Битим таъсирини бекор қилди. Васийлик Кенгаши ўзининг иш юритиш қоидаларини ўзгартирди, яъни эндиликда зарурат туғилган ҳоллардагина тўпланади.

Халқаро Суд

Умумий маълумот

Нидерландиянинг Гаага шаҳрида фаолият кўрсатадиган Халқаро Суд Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органи ҳисобланади. Суд аъзо давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий мунозараларни ечади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус муассасаларига маслаҳат хулосаларини беради. Унинг Статути эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг ажралмас қисмидир.

Судга унинг Статути иштирокчилари бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзо давлатлари мурожаат қилишлари мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлмаган давлатлар Швейсария ва Науру билан биргаликда статут иштирокчиси бўлиши мумкин. Судга алоҳида кишиларнинг мурожаат қилишлари мумкин эмас.

Суд статут қатнашчилари саналмиш барча мамлакатлар ишини ҳар томонлама кўриб чиқиши мумкин. Бошқа давлатлар Хавфсизлик Кенгаши аниқлаган вазиятдан сўнггина ишни Суднинг кўриб чиқишига беришлари мумкин.

Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши Суддан ҳар қандай ҳуқуқий масалаларда маслаҳат - хулосалар олиши мумкин; Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари ва махсус муассасалари Бош Ассамблея санксияси билан ўз фаолиятлари доирасига кирувчи ҳуқуқий масалалар бўйича суддан маслаҳат-хулосалар олишлари мумкин.

Юрисдикция

Суд юрисдикциясига давлатлар томонидан берилган барча ишлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида назарда тутилган барча масалалар ёки амалдаги шартнома ва конвенсияларда кўрсатилган масалалар киради. Давлатлар ўзлари учун суд юрисдикциясини илгариданоқ мажбурий деб тан олиши ҳам мумкин. Шу мақсадда шартнома ёки конвенсияни имзолаган ҳолда, ишни Судга ҳавола этиш ёки тегишли ариза бериши ҳам мумкин. Юрисдикциянинг мажбурий эканлигини тан олиш ҳақидаги бундай аризалар айрим тоифадаги ишларнинг чиқариб ташланиши ҳақида ҳам бўлиши мумкин.

Статутга мувофиқ Суд баҳсларни қуйидаги ҳужжат ва тадбирларни қўллаган ҳолда ечади:

- баҳслашувчи давлатлар томонидан тан олинганлиги аниқланган қоидаларни жорий этувчи халқаро конвенсияни;
- умумий амалиётда далил сифатида тан олинган, ҳуқуқий нормага айланган халқаро расм-русумларни;
- миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқларнинг умумий тамойилларини;
- суд ҳукмларини ва турли мамлакатлар малакали мутахассисларининг муҳим доктриналарини.

Аъзолик таркиби

Суд Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши алоҳида-алоҳида ҳолда овоз бериш йўли билан сайлаган 15 судядан иборат. Судлар фуқаролигига қараб эмас, малакасига қараб сайланадилар, бундан ташқари Судда эътибор жаҳоннинг асосий ҳуқуқ тизимларига қаратилган бўлиши керак. Суд таркибида бир мамлакатнинг икки фуқароси бўлмаслиги лозим. Судялар тўққиз йил муддатга сайланадилар, улар қайта сайланишлари ҳам мумкин. Ушбу лавозимни эгаллаган даврлари давомида улар ҳеч бир бошқа ишга ўзларини бағишлай олмайдилар.

Суд одатда ялпи мажлислар ўтказадилар, аммо у томонлар илтимоси билан камера деб номланган кичик гуруҳлар тузиши ҳам мумкин. Камералар томонидан чиқариладиган қарорлар суд тўлиқ таркиби томонидан чиқарилган деб ҳисобланади.

Суд шунингдек, атроф-муҳит масалалари бўйича ҳам Камерага эга, шунингдек у ҳар йили суд жараёнини осонлаштирувчи Камера ҳам ташкил этади.

БМТ Котибияти

Котибият Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгаши ва бошқа ташкилотлари кўрсатмаларига мувофиқ тезкор ва маъмурий ишларни амалга оширади.

Уни умумий маъмурий раҳбарликни олиб борадиган Бош котиб бошқаради.

Ҳозирги вақтда Котибият қарийб дунёнинг 160 мамлакатидан бўлган 8900 киши ишлайдиган етти департамент ва турли бошқармалардан ташкил топган.

Бундан ташқари Нью-Йорк, Женева, Вена ва Найробида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлимлари мавжуд.²⁹

БМТ бош котиблари:			
№	Исм-шарифи	Давлати	Бошқарган йиллари
1	Трюгве Х. Ли	Норвегия	1946-1953

²⁹ www.mashhur.uz

2	Д.Хаммаршелд	Швеция	1953-1961
3	С.У.Тан	Бирма	1961-1971
4	К.Валдхайм	Австрия	1972-1981
5	Х.Перес де Куеляр	Перу	1982-1991
6	Бутрос Бутрос Голий	Миср	1992-1997
7	Кофи Аннан	Гана	1998-2006
8	Пан Ги Мун	Корея Республикаси	2007-1-январдан

Тест саволлари

1. Сиёсатшунослик фани ўрганиш объекти тўлиқроқ берилган жавобни кўрсатинг.

- a) жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институтлар ва муносабатларни ўрганади;
- b) жамият ривожланиши ҳақидаги фан;
- c) сиёсий муносабатларни ўрганадиган фан;
- d) сиёсий ҳаётни ўрганадиган фан.

2. Аристотель фикрича, бошқарувнинг «Тўғри» шакллари нималардан иборат?

- a) демократия, олигархия, тирания;
- b) монархия, аристократия, полиция;
- c) республика, полис, тимократия;
- d) полис.

3. Форобий ўз асарларида давлатнинг пайдо бўлишини қандай тушунтиради?

- a) кишиларнинг табиий эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда;
- b) ижтимоий кучга боғлиқ ҳолда;
- c) давлатнинг пайдо бўлиши илоҳий кучга ва кишиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда;
- d) жамият тараққиётига боғлиқ ҳолда;

4. «Темур тузуклари»да қандай муаммолар баён этилган?

- a) Амир Темур томонидан давлат бошқарувида уюштирилган кенгашлар баёни;
- b) Давлат бошқаруви;
- c) Қўшин тузиш ва ташкил этиш;
- d) барча жавоблар тўғри.

5. Амир Темурнинг давлат бошқарувида солиқлардан қандай фойдаланган?

- a) Давлат хазинасини бойитиш;
- b) Ўз тарафдорлари қўллаб қувватлашишини таъминлаш;
- c) Қўриқ ерларни ўзлаштириш;
- d) барча жавоблар тўғри.

6. Давлат ҳокимиятининг моҳияти...

- a) фуқароларга махсус муассасалар орқали таъсир этувчи ва кўрсатмалари муайян ҳудудда яшайдиганлар учун мажбурий бўлган сиёсий институт шаклидир;
- b) бир субъектнинг бошқа субъектга таъсир этиш қобилияти;
- c) ижро этувчи вазифасини амалга оширишдир;
- d) назарий вазифасини амалга оширишдир;

5. Сиёсий ҳокимият нима?

- a) бу жамиятга хос бўлган кишилар ўртасидаги иродага асосланган муносабатлардир;
- b) бу кишилар устидан сиёсий ҳукмронликдир;
- c) маъмурий ваколатларга эга бўлган муассаса ва идоралардир;
- d) барча жавоблар тўғри.

6. Сиёсий партиялар фаолиятининг асосий ва бош мақсади нимадан иборат?

- a) ҳокимиятга эгаллик қилишдан;
- b) жамиятда раҳбарликни амалга оширишдан;
- c) жамиятни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришдан;
- d) жамиятда обрў-эътиборликка эришишдан;

7. Ижтимоий-оммавий жамоат ташкилотлари деб –

- a) маълум мақсадни амалга ошириш учун уюшган бир гуруҳ кишилар йиғиндиси;
- b) ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган мақсадларни амалга ошириш учун фуқаролар томонидан ихтиёрий тузилган уюшма;
- c) жамият сиёсий ҳаётига таъсир этиш мақсадида бирлашган фуқаролар уюшмаси;
- d) мамлакатда иқтисодий барқарорликни руёбга чиқаришни кўзлаб тузилган бирлашмалар ҳисобланади.

8. Ҳозирги даврда миллий низоларнинг кескинлашувига нима сабаб бўлмокда?

- a) ҳокимият учун кураш;
- b) миллий манфаатларнинг камситилиши;
- c) миллатлар, халқларнинг бўлиниши;
- d) тўғри жавоб берилмаган;

9. Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамгармасининг асосий вазифалари нимадан иборат?

- a) ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топтириш;
- b) шарқона ахлоқ-одобга риоя қиладиган ёшларни тарбиялаш;
- c) миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган ёшларни тарбиялаш;
- d) ҳаммаси тўғри.

10. Халқаро можароларни ҳал қилишнинг энг прогрессив йўли бу:

- a) халқаро ташкилотлар ёрдамида;
- b) ўзаро келиша олмаётган томонлар билан қўшимча музоқаралар олиб бориш;

- c) ички ишларига аралашмаслик йўли билан.
- d) чегаралар даҳлсизлигини таъминлаш йўли билан

11. «Сиёсатнома» асарининг муаллифи бўлган Низомулмулк қайси шоҳлар даврида вазирлик мансабида бўлган?

- a) Султон Санжар ва Маликшоҳ давларида;
- b) Алпарслон ва Собукийнинг замонларида;
- c) Ал-Маъмун ва Хошим ибн Ҳақим давларида;
- d) Алпарслон ва Маликшоҳ давларида;

12. «Республика» деган сўз қайси тилдан олинган ва унинг асл мазмунни нимани англатади?

- a) Яхудий тилидан «Халқлар подшоси»;
- b) Форсча «Олтин сув»;
- c) Лотинча «Умумхалқ иши»;
- d) Грекча «Халқ кенгаши».

13. Марказий Осиёда қадимда асосан қандай давлатчилик амал қилган?

- a) миллий негиздаги;
- b) ҳудудий сулолавий негизлардаги;
- c) демократик негизлардаги;
- d) кулдорлик тартиботлари негиздаги;

14. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг муаллифи ким?

- a) Беруний;
- b) Форобий;
- c) Мирхонд;
- d) Хондамир;

15. Ўзбекистон халқаро алоқалар ўрнатиш жараёнида қандай тамойилларга амал қилади?

- a) бирор бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик;
- b) профессионал негизларни эътиборга олиб яқинлашиш;
- c) этник қардошлик негизида бошқа давлатлар билан яқинлашиш;
- d) мамлакатларнинг сиёсий тузумларига кура яқинлашиш тамойилларига амал қилиш.

16. Жавобларда келтирилганлардан қайси бири сиёсий ҳокимиятни ташкил этувчи элементлардан бўлган ташкилий тизимга киради?

- a) Давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар.
- b) Сиёсий маданият, сиёсий онг, мафкура, жамоатчилик фикри.

- c) Сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ахлоқий меъёрлар.
- d) Оммавий ахборот воситалари, коммуникациялар ва инфратузилмалар.

17. «Давлат ишларини бошқа ишларга қараганда муҳимроқ деб ҳисоблаб, ҳар бир киши давлатнинг қулай бўлиши учун ҳаракат қилиши лозимлигини, кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишга эмас, балки умумий иш учун фойдали бўлган томонларни ўйлаш кераклигини» таъкидлаган аллома кимлигини аниқланг?

- a) Аристотел.
- b) Демокрит.
- c) Платон.
- d) Сукрот.

18. «Ғоялар дунёси – бу ҳақиқий борлиқ бўлиб, ўзгарувчан инсон дунёсининг абадий ўзгармас илоҳий кўринишидир, ходисалар дунёси ғоялар дунёсининг бузилган ифодасидир». Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансублигини аниқланг?

- a) Аристотел.
- b) Демокрит.
- c) Платон.
- d) Сукрот.

19. Легитимлик ҳукмдорларга сўзсиз бўйсунлишларига, улар ўртасидаги муносабатларнинг норасмийлигига асосланиши ҳокимият легитимлигининг қайси турига киради?

- a) Оқилона-ҳуқуқий легитимлик.
- b) Харизматик легитимлик.
- c) Анъанавий легитимлик.
- d) Тўғри жавоб йўқ.

20. Легитимлик раҳбарнинг ҳаддан ташқари илоҳий қобилиятга, ғавқулодда истеъдодга ишонишига асосланиши ҳокимият легитимлигининг қайси турига киради?

- a. Харизматик легитимлик.
- b. Оқилона-ҳуқуқий легитимлик.
- c. Анъанавий легитимлик.
- d. 1 ва 2 жавоблар тўғри.

21. Шарқ маданиятига хос бўлган, унинг доирасида сиёсий етакчининг ролига юқори баҳо бериш сиёсий жараён турларидан қайси бирига хос?

- a. Технократик.
- b. Идеократик.
- c. Харизматик.

d. Анъанавий.

22. Ҳокимият бўлиниши назариясини ишлаб чиққан мутафаккирни аниқланг?

- a. Ш. Л. Монтеске.
- b. Ж. Медисон.
- c. Ж. Локк.
- d. Г. Лассуэл.

23. Жамият сиёсий тизимининг асосий вазифасини аниқланг?

- a) Жамиятнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш
- b) Имкониятларни сафарбар этиш
- c) Жамият тизими барча элементларини бирлаштириш
- d) Барча жавоблар тўғри

24. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши тарихимизнинг қайси даврига тўғри келади?

- a) XX асрнинг бошларига.
- b) XX асрнинг 30-йилларига.
- c) XX асрнинг 90-йиллари бошларига.
- d) XXI асрнинг илк йилларига.

25. Ўзгаришга, ўзгартиришга ёки қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсий фаолият билан боғлиқ сиёсий реаллик сиёсатнинг қайси жиҳатини ташкил этади?

- a) Сиёсатнинг субъектини.
- b) Сиёсатнинг объектини.
- c) Сиёсатнинг ресурсини.
- d) Тўғри жавоб йўқ.

26. Сиёсий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилувчи манбани аниқланг?

- a) Оилавий муҳит.
- b) Ахборот дунёси.
- c) Индивиднинг шахсий тажрибаси.
- d) Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

27. Бугунги кунда халқаро хавфсизликнинг мураккаб кўриниш касб этаётганлигининг асосий сабаблари?

- a) Халқаро муносабатларда ўз ҳукмронлигини кенгайтиришга бўлган интилиш.
- b) Оммавий қирғин қуроолларининг тарқалиши.
- c) Диний экстремизм ва терроризмнинг кучайиши.
- d) Барча жавоблар тўғри.

28. И.А.Каримов НАТОнинг 2008 йил апрель ойида Бухарестда бўлиб ўтган самитида...

- a) 6+2 дастури фалоятини илгари сурди.
- b) 6+3 дастури фаолятини илгари сурди.
- c) Афғонистонга қўшинни кўпатириш таклифини илгари сурди.
- d) Тўғри жавоб берилмаган.

29. Сиёсий онгнинг бу шакли сиёсий характерга эга бўлган турли ғоялар, концепциялар, қарашларни ифодалайди. Бу қоида қуйида берилган сиёсий онг шаклларида қайси бирига хос?

- a) Махсус сиёсий онг.
- b) Оммавий сиёсий онг.
- c) Назарий сиёсий онг.
- d) Ижтимоий-сиёсий онг.

30. Сиёсий онгнинг бу шакли бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг фаол иштирок этишларига асосланади. Бу қоида қуйида берилган сиёсий онг шаклларида қайси бирига хос?

- a) Махсус сиёсий онг.
- b) Ижтимоий-сиёсий онг.
- c) Назарий сиёсий онг.
- d) Эмпирик сиёсий онг.

31. Расмий сиёсатда ишлаб чиқиладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг шаклини қуйида берилган жавоблардан белгиланг?

- a) Махсус сиёсий онг.
- b) Ижтимоий-сиёсий онг.
- c) Назарий сиёсий онг.
- d) Эмпирик сиёсий онг.

32. Сиёсий маданиятнинг мазкур даражасида шахс томонидан сиёсат дунёсида ўз ўрнини аниқлаб олиш, у ёки бу йўналишдаги сиёсий мўлжалларни ва сиёсий хулқ-атвор нормаларини аниқлаб олиш ҳолати юз беради. Уни қуйида берилган сиёсий маданият даражалари орасидан топинг?

- a) Фуқаролик даражаси.
- b) Тафаккур қилиш, англаш даражаси.
- c) Сиёсий даража.
- d) Ижтимоий-сиёсий даража.

33. Бу даражада сиёсий маданиятнинг ўзаги шаклланади. У одамларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабатини белгилаб беради. Уни қуйида берилган сиёсий маданият даражалари орасидан топинг?

- a) Фуқаролик даражаси.
- b) Тафаккур қилиш, англаш даражаси.
- c) Сиёсий даража.
- d) Ижтимоий-сиёсий даража.

34. Сиёсий маданиятнинг бу даражасида инсоннинг сиёсат ходисасига муносабатлари шаклланган кадрият даражасига ета бошлайди. Инсон ўзини сиёсатнинг субъекти сифатида қабул қила бошлайди. Уни қуйида берилган сиёсий маданият даражалари орасидан топинг?

- a) Фуқаролик даражаси.
- b) Тафаккур қилиш, англаш даражаси.
- c) Сиёсий даража.
- d) Ижтимоий-сиёсий даража.

35. Сиёсатнинг макро ва микро даражаларида зарурий тузилиш элементларини, унинг ички ва ташқи алоқа ва муносабатларини аниқлаш...

- a) Сиёсатшуносликнинг предмети ташкил этади.
- b) Сиёсатшуносликнинг объекти ташкил этади.
- c) Сиёсатшуносликнинг баҳс мавзусини ташкил этади.
- d) Тўғри жавоб йўқ.

36. Парламентар республикада ижро этувчи ҳокимият нимага бўйсунди?

- a) Давлат бошлиғига.
- b) Ҳукуматга.
- c) Қонун чиқарувчи маҳкамага.
- d) Конституцион судга.

37. “Сиёсатшунослик” фани қандай функцияларни бажаради?

- a) Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ходисалар ва ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш.
- b) Ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда келиб чиқадиган муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш йўларини кўрсатиб бериш.
- c) Жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини ошириш ва уларнинг амалий фаолиятини жонлантиришга боғлиқ барча муаммоларни ҳал этиш.
- d) А ва В жавоблар тўғри

38. Сиёсатшунослик фани ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда қандай усуллардан фойдаланади?

- a) Диалектик усул, тарихий-мантиқий усул, эмпирик-социологик усул
- b) Диалектик усул, мантиқий усул, эмпирик-социологик усул

- c) Фалсафий усул, мантикий усул, эмпирик-социологик усул
- d) Барча жавоблар тўғри

39. Қадимги дунёда қайси ҳудудда аёллар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратишган?

- a) Хитойда
- b) Мисрда
- c) Ҳиндистонда
- d) Марказий Осиёда

40. Stato(давлат) атамасини ким биринчи бўлиб, фанга олиб кирган?

- a) Жон Локк
- b) Н. Макиавелли
- c) Ш.Монтескье
- d) Тўғри жавоб берилмаган.

41. Ўзбекстон маъмурий-ҳудудий тузилишнинг жиҳатдан қандай давлат?

- a) Конфедератив;
- b) Унитар;
- c) Конфедератив;
- d) Ҳуқуқий демократик;

42. Қуйидаги сиёсатшунослардан қайси бири сиёсий партиялар фаолияти бўйича яхлит асар ёзган?

- a) М. Дювержс
- b) А. Зигфрид
- c) М. Шеваль
- d) Барча жавоблар тўғри

43. БМТ қачон тузилган?

- a) 1917 йил;
- b) 1945 йил;
- c) 1947 йил;
- d) барча жавоблар нотўғри

44. Қайси ҳокимият «вакиллик» ҳокимияти ҳисобланади?

- a) қонун чиқарувчи ҳокимият;
- b) ижро этувчи ҳокимият;
- c) суд ҳокимияти.
- d) А ва В.

45. Давлатнинг моҳиятини тушунишда нечта асосий назарий ёндашув мавжуд?

- a) 3 та
- b) 5 та

- c) 4 та
- d) 2 та

46. Қуйидаги қайси давлатда иккипартиявий тизим амал қилинади?

- a) Буюк Британия
- b) Австралия
- c) АҚШ
- d) Барча жавоблар тўғри

47. 2008 йил 3-4 апрел кунлари бўлиб ўтган НАТОнинг саметида И.А. Каримов Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун нечта таклиф илгари сурди?

- a) 3 та
- b) 5 та
- c) 4 та
- d) 2 та

48. БМТнинг биринчи Бош котиби км бўлган?

- a) Трюгве Х. Ли
- b) Д.Хаммаршелд
- c) С.У.Тан
- d) К.Валдхайм

49. БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзо давлатлари ...

- a) Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Россия, Франция.
- b) Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Россия, Франция.
- c) Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия, Франция.
- d) Япония, Буюк Британия, Австралия, АҚШ, Россия, Франция.

50. “Сиёсатшунослик” фан сифатида қуйидаги...(шу ўринга мос матнни топинг) асосий функцияни бажаради.

- a) Жамиятнинг сиёсий ҳаётида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар ва ўзгаришларни илмий-назарий жиҳатдан асослаш.
- b) Ҳар бир мамлакатда ва халқаро майдонда келиб чиқадиган муаммоларни сиёсий жиҳатдан ҳал қилиш йўларини кўрсатиб бериш.
- c) Жамият аъзоларининг сиёсий онглилигини ошириш ва уларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш.
- d) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри.